

**Муассис**  
**“Ijod olami” МЧЖ**  
2017 йилдан чиқа бошлаган.

**Таҳрир ҳайъати:**  
Муҳаммад АЛИ  
Сирожиддин САЙИДИ  
Иқбол МИРЗО  
Тўлан НИЗОМ  
Сайди УМИРОВ  
Аҳмаджон МЕЛИБОВЕВ  
Исажон СУЛТОН

**Бош муҳаррир**  
Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

**Мусахҳиҳ**  
Дилфуза МАҲМУДОВА  
**Диз@йнер**  
Ғиёсиддин УНАРОВ

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин. Нашрдан кўчириб босилганда “Ijod olami” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Манзилимиз**  
Тошкент шаҳри,  
Ислоҳ Каримов кўчаси, 16-“а” уй.  
e-mail: ijod\_olami@ijod.uz,  
inbox@ijod.uz  
Тел./факс: (0-371) 239-26-91

Босишга 15.05.2017 йилда рухсат берилди.  
Қоғоз формати 60x84 1/8.  
Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7.  
Индекс 1290.  
ISSN 2181-8959. Журнал 2016 йил 15 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0893 рақами билан рўйхатга олинган.  
“SILVER STAR PRINT”  
МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Буюртма № 26. Адади 1500 дона.  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,  
22-мавзе, 17-уй.

**Муқовамизда**  
Акмал НУР  
“Шахрисабзлик кулол” портрети

# МУНДАРИЖА

## СУҲБАТ

Сайёра РАШИДОВА. Отам ҳақида хотира ёзишга журъатим етмайди..... 2

## СЎНМАС САТРАЛАР

Абдулла ОРИПОВ. Абадият муҳри бор гўзаллик туйғусида ..... 5

## НАСР

Неъмат АРСЛОН. Маҳбуснинг иккинчи ҳаёти. Новелла..... 21

Гулчеҳра АСРОНОВА. Ой қиз. Ҳикоя..... 48

Фозил ФАРҲОД. Кўклам куйи. Ҳикоя..... 35

## НАЗМ

Муҳаммад ЮСУФ. Кўкламоийм..... 29

Дадахон МУҲАММАДИЕВ. Ўзимга ўзимни эслатди саҳар..... 47

## ХОТИРА

Абдусайд КҮЧИМОВ. Сўнгги суҳбат..... 9

Озод ШАРАФИДДИНОВ. “Кўкламоийм” туғилди..... 28

## АДАБИЙ ГУРУНГ

Одил ҲОТАМ. Искандарнинг шоҳи бор!..... 14

## ПУБЛИЦИСТИКА

Нурилла ЧОРИ. Дуога очилган қўллар ..... 42

## ТАДҚИҚОТ

Абдуғани СУЛАЙМОН. Қўнғил ҳақиқати билан юзма-юз. .... 30

Отабек САФАРОВ. Қаҳрамондан баланд ижодкор. .... 52

## ШИНГИЛ

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ. Япроқ ҳикоялар..... 40

## ЎРНАК

Ижодкорларнинг метин иродаси ..... 56

## ЖАҲОН ҲИКОЯСИ

Ги де Мопассан. Мурданинг қўли. Ҳикоя. .... 44

Умар Сайфиддин. Форса. Ҳикоя. .... 58

## ТАБОБАТ

Хосиятли табиат..... 55

## ШИНГИЛ ҲАНГОМА

Бахтиёр ОЛЛОМУРОД. Кунлардан бир кун..... 62



Сайёра РАШИДОВА:

# “Отам ҳақида хотира ёзишга журъатим етмайди”

Тошкентнинг Абдулла Қодирий кўчасидаги кўп қаватли оддий бино: Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти. Қабулхонадаги ёзувни ўқийман: “Директор академик Сайёра Рашидова”.

Саволларни ёдимда такрорларканман, туйқус эшик очилиб, хаёлларим бўлинди. Ўгириламан, бироқ биринчи бўлиб салом беришга кеч қолдим. Опанинг хуш муомаласи ва самимияти ҳаяжонни босади. Опа камтар, содда, зиёли. Беихтиёр Шароф Рашидовнинг сурати кўз ўнгимда гавдаланади: “Отасининг кизи”.

Шу боис олдиндан тайёрланган саволлар эсимдан чиқди. Аслида самимият қудрати олдида ҳар қандай ўйлаб топилган нарсга ожиздир.

– Сайёра опа, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 27 мартдаги “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорини ўқиб, кўнглингиздан қандай ўйлар кечди?

– Фақат шукроналик, қувонч. Чунки халқимизга мансуб гўзал фазилят бор: бирон киши ота-онангизни мақтаса, унга раҳмат айтса, кўнглингиз тоғдай кўтарилади. Ҳаёт янада мазмунли, рангин

ва чароғон кўринади. Давлатимиз раҳбари, бутун халқимиз отамга шундай юксак эъзоз ва эҳтиром кўрсатаётгани – биз учун чексиз бахт.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу қарорини нафақат оиламиз, балки отамни яқиндан билган инсонлар, бутун халқимиз катта хурсандчилик билан қарши олди, десам янглишмайман. Отамнинг руҳи шод бўлаётганига аминман.

Давлатимиз раҳбари таклифи билан Олий Мажлис Сенатининг қарорига мувофиқ Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилди. Бу заминга ота-онамнинг, менинг киндик қоним томган. Мазкур туманда отам хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуаси барпо этилиб, у кишининг ҳайкали ўрнатилиши, Жиззах шаҳрида мемориал уй-музей ташкил этилиши қалбимизни қувончга тўлдирди.

– Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Шароф Рашидов номи тўла-тўки оқланганига ҳам, мана, чорак аср бўлди. Ўша тарихий кунларни тез-тез эслаб турсангиз керак.

– Албатта, у кунларни унутиб бўларканми? Ислоҳ Каримов республикамизга раҳбар бўлган

биринчи кунларданоқ халқимизга қилинган тухмат ва ноҳақликларга қарши курашди, жасорат билан ҳақиқатни тиклади: “пахта иши” билан айбланиб, ноҳақ қамалган юзлаб инсонлар озодликка чиқди, халқимиз номи покланди. Бу халқимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади.

1992 йил кузида Ислоҳ Каримов раҳнамолигида халқимиз Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини катта байрам қилди. Ўша тантанада нутқ сўзлаган Биринчи Президентимизнинг мана бу гаплари бугун ҳам қулоғимда жаранглаб турибди: “Бу кунимизга етганлар бор, етмаганлар бор. Кўпгина аждодларимиз каби Шароф Рашидов ҳам мустақиллик кунига етиб келолмади. Биз бугун тўлиқ ишонч билан айта оламизки, Шароф Рашидов мустақиллик пойдеворига муносиб фишт қўя олган арбоблардан эди”.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 18 ноябрда Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашувида “Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди”, деб таъкидлагани, отам таваллудининг

бир асрлик тўйини нишонлашни таклиф этгани бу эзгу ишларнинг муносиб давоми бўлди.

Эзгуликнинг жавоби фақат эзгуликдир. Чунки ҳар қандай фарзанд учун ота-онаси чироғини ёқиш – муқаддас бурч. Шароф Рашидов руҳини наинки авлодлари, балки бутун халқимиз шод этаётгани бизни ғоят қувонтиради.

**– Бугун 35-40 ёшга кирган инсонлар ҳам Шароф Рашидовни кўрмаган. Сизнинг хотираларингиз барчага қизиқ. Хотиралар ёзган-мисиз?**

– Йўқ, ёзмаганман.

**– Нима учун?**

– Журъатим етмаган. Чунки мен хотира ёзсам, уни кўпчилик мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилади. Лекин уларда отамнинг барча фазилатларини тўла тасвирлай олмасам, ўзимни ҳеч қачон кечиролмайман. Чунки бу дунёда барча нарса нисбий, Шароф Рашидовга бағишланган хотира унинг феноменига мос бўлиши керак.

Кейин бундай хотиралар билан, қайсидир маънода, худди мақтангандай бўлиб қоламан-да. Тўғри, ҳамиша отам билан фахрланганмиз, бироқ у киши билан мақтанишдан ҳамиша йироқ бўлганмиз. Чунки отамнинг ўзи бизга шундай тарбия берган.

**– Шароф Рашидовнинг қизи бўлиш сизга нимани аңлатади?**

– Аввало, масъулиятни, одамларга фойда келтиришнинг шахсий манфаатлардан устунлигини. Бунга яна меҳнатқашлик, ўқимишлилик, профессионаллик, камтарлик, ҳалоллик, покизалик, сўз ва иш бир бўлишига интилишларни ҳам жамлаш мумкин. Чунки бу ҳаётда ҳар бир инсон топган ва бой берган барча нарса, аввало, оиласида олган тарбияси маҳсулидир. Мен ва ука-сингилларим доимо ота-онамга муносиб бўлишга ҳаракат қилиб яшадик. Бугун ҳам шундай.

Ҳозир ҳам отамнинг нигоҳларини жуда-жуда яқиндан ҳис қилиб тураман. Нимаики ўйламай



ё бажармай, “бунга отам қандай муносабатда бўларди?” деган савол, албатта, онгимнинг бир четида қойим туради. Айнан мана шу хислат менга доим эзгуликка интилиб яшашда катта қувват бағишлайди.

**– Шароф ота ҳаётда қандай инсон эди? Отангиз портретига қандай чизгилар берган бўлардингиз?**

– Отам, том маънода, ўзбек бўлган: халқимизга мансуб барча фазилат унда мужассам эди. Бу доим юзида балқиб турарди – жуда файзли, фариштали инсон эди. Бирор марта бақириб гапиргани ё сўкинганини билмайман. Қийинчиликлар гирдобидида катта бўлгани учун ҳаёт ва инсон қадрини жуда теран аңларди.

1942 йили Иккинчи жаҳон урушида оғир ярадор бўлиб, юртга қайтган. Бир йилдан сўнг мен дунёга келганман.

Отам – оиламиз учун ҳамиша идеал инсон бўлган. Чунки кўз ўнгимизда ҳар томонлама юксалиб борди: газета муҳаррирлигидан республикамизнинг биринчи раҳбари даражасига кўтарилди, унинг онги, дунёқараши, маънавияти ҳам шунга мос юксалди. Қайси лавозимда ишламасин, ўзгармади – ўша-ўша самимийлигича қолди.

**– Отангизнинг ўзига хос тарбия усуллари қандай бўлган?**

– Оиламизда ёзилмаган, лекин қандайдир қатъий тизим бор эди. Отам бизнинг таълим-тарбиямиз ҳақида онамдан сўраб-суришти-

рарди. Дўстларимиз кимлиги, фанларни қандай ўзлаштиришимиз, нима китоблар ўқиётганимиз, уйга ким келиб-кетаётганигача қизиқарди. Сўнг ҳар биримиз билан кўнглимизга мос гаплашарди. Албатта, талабчан эди, бироқ жазолашга шошилмасди. Дейлик, фарзандларига бир нарсани қатъий буюрмас, балки таклиф сифатида айтарди. Фикрлашга ундарди. Биз уни бажонидил қўллаб-қувватлардик. Отам биздан хурсанд бўлиши, ғурурланиши учун барчасига тайёр эдик.

Онам Хурсандой ая жуда зиёли, ўқимишли, камтар, меҳрибон, оиласига садоқатли аёл эди. Гарчи олий маълумотли бўлса-да, у давлат ишидан кўра, оилани танлаган. Чунки оиламиз кичкина эмасди, фарзандлардан ташқари бошқа қариндошларимиз ҳам биз билан яшарди.

Кечки овқатдан сўнг отам онам билан анча гаплашиб ўтирарди. Бирга сайр қиларди. Бу суҳбатлар асосан оила, фарзанд-неваралар тарбияси, адабиёт, ҳаёт мазмуни ҳақида бўлган. Онам етим ўсгани учун отамга қаттиқ суянарди. Иккиси бир умр бир-бирини қўллаб-қувватлаб яшади. Агар мендан “Шароф Рашидов қандай қилиб бундай юксаликка эришган?” деб сўрашса, “аввало, оиласида барча нарса жойида бўлган, унинг ўзига муносиб оқила, доно ва гўзал рафиқаси бўлган”, деб жавоб берардим.

**– Отангиз Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари бўлганда, сиз 16 ёшда эдингиз. Табиийки, бу вақт оралиғида Жиззах, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида кўчиб яшагансизлар, мактаблар, дўстлар ўзгариб турган.**

– Бу борада оиламизда тушунмовчилик бўлмаган. Чунки онам бизни ҳамиша отамизга чексиз ҳурмат руҳида улғайтирган. Биласизми, отам Олий Кенгаш раиси, республика раҳбари бўлган пайтида ҳам мактабдаги ота-оналар мажлисига борарди. Ҳамиша шунга вақт топарди, ҳафсала қиларди.

**– Қандай оилавий аъналарингиз бўлган?**

– Аввало, китобхонлик: каттагина оилавий кутубхонамиздан ташқари ҳар биримизнинг алоҳида шахсий кутубхонамиз бўлган. Отамнинг ижодхонасида ҳам, ётоқхонасида ҳам доим китоб бўларди. Янги чиққан бадиий асарларни талашиб ўқирдик, баҳслашардик, муҳокама қилардик.

Яна бир аъна: отам қайси лавозимда ишламасин, онам кечга яқин барчамизга энг оҳорли кийимларимизни кийдириб, отамни кутиб олишга тайёрларди. Ишдан чарчаб келган отамнинг кайфиятини кўтариш, уни хурсанд қилиш учун барчамиз ҳаракат қилардик. Отам уйга келиши билан байрам бўлиб кетарди.

Қароргоҳдаги мўъжаз кино-театр ҳам эсимда қолган: янги кинофильмларни оилавий томоша қилардик. Сўнг отам ҳар биримиздан таассуротимизни, фикримизни сўрарди.

**– Тарихимиздан маълум: давлат раҳбарлари келин олиш ё қизини турмушга узатишни давлат иши билан баравар қўйган. Шароф Рашидовнинг бу борада қандай қарашлари, қоидалари бўлган?**

– Отам замонавий, шу билан бирга қадрият ва аъналаримизга содиқ инсон эди. Қизларини турмушга узатишда, биринчи навбатда, ўз фикримизни инобатга олган. Асосан ўқимишли, зиёли

оилалар билан қуда бўлган. Масалан, мен Ўзбекистонда фалсафа мактабига асос солган академик Иброҳим Мўминов оиласига келин бўлганман. Турмуш ўртоғим билан танишиб, оила қурганмиз. Ёки синглим Светлана ўз синфдошига турмушга чиққан. Дарвоқе, унинг ўғли – энг кичик жиянимнинг исми ҳам Шароф.

**– Ҳукумат шифохонаси сартароши Мисрхай Яиров бир интервьюсида “Шароф Рашидов тўй-маърака ўтказса, менга ҳам таклифнома юборарди”, деган. Шароф ота оддий сартарошга шундай илтифот кўрсатган бўлса, демак, у кибрини енгган инсон бўлган, деб ўйлайман.**

– Ҳа, отам одамларнинг мансабига эмас, қалбига қараб муомала қиларди. Шу боис жуда кўп оддий одамлар билан яқин бўлган. Чунки улардаги самимият, оққўнгиликни қадрлаган. Дейлик, оилавий архивимизда боғбон, ошпаз, кўриқчилар бирга тушган суратларимиз кўп. Уларни ҳамиша ўз оила аъзозимиз деб билардик. Бу сурат марказида, албатта, отам бўларди.

**– Шароф Рашидов авлодлари қайси касбларни танлади?**

– Барчамиз илм-фан йўлидан кетдик. Сингилларим Дилором, Гулнора, Светлана, укам Илҳом фан номзоди бўлди. Бугун Шароф Рашидовнинг беш фарзандидан 9 невараси, 9 эвараси бор. Улар асосан тиббиёт, физика, иқтисод, экология, ҳуқуқшунослик каби йўналишларни танлади. Ораларида фан номзодлари анча, битта фан доктори бор.

Дарвоқе, докторлик диссертациямни ҳимоя қилган куним – 1983 йил октябрининг сўнги кунларида Москвадан Урганчга қўнғироқ қилдим. Отам Хоразмда сафарда экан. Жуда хурсанд бўлди, бироқ фақат “раҳмат, қизим”, дея олди, холос. Эртаси куни отамдан ажралиб қолдик.

**– Ёзувчи Шароф Рашидовнинг ижодий лабораторияси борасида қандай хотираларингиз бор?**

– Отам ёзувчи сифатида ҳам баракали ижод қилди. Асосан тонг пайти ва меҳнат таътилида ёзарди. Сабот билан ишларди. Қайта-қайта таҳрир қиларди. Уларда самимийлик, инсонга меҳр, муҳаббат ва садоқат мужассам.

Айниқса, “Кашмир кўшиғи” – Шароф Рашидовнинг қалб дафтари. Бир қадар ҳазин, умидбахш ва дилбар бу кўшиқ ҳали ҳам тиллардан тушгани йўқ, дилларга ўрнашган. Бу асар ҳақида атоқли адабиётшунос Файбулла ас-Салом пухта тадқиқотлар қилган. Ўйлайманки, бу асар ҳали яна чуқур ўрганилади.

Отам ўзи ижодкор бўлгани учун ёзувчиларни қадрларди, ёш ижодкорларни ҳимоя қиларди, қўллаб-қувватларди. Мумтоз адабиётни яхши биларди. Айниқса, Мирзо Бедилни кўп ўқирди. Унинг “Комде ва Мудан” достони асосида “Икки дил достони”ни ёзган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарорига кўра, адибнинг “Сайланма” китоби, Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Халқимизнинг оташқалб фарзанди” номли хотира китоби нашрга тайёрланмоқда, ҳужжатли фильм яратиш, илмий конференция ўтказиш режалаштирилган, хотира тадбирлари ташкил этилмоқда. Буларнинг барчаси бир умр халқимиз, Ватанимиз учун хизмат қилган отамнинг меҳнатларини эл-юртимиз муносиб қадрлаётганининг исботидир.

Назаримда, отамдан катта бир уй мерос қолди. Унда асл ўзбекона фазилатлар – фидойилик, камтарлик, ҳалоллик, покизалик, ширинсуханлик камол топади. Халқимиз омон экан, бу уйнинг чироғи ҳеч қачон ўчмайди. Зеро, эл-юртимиз халқ учун ўз ҳаётини, бутун борлигини бахшида қилган фарзандларини ҳамиша бошига кўтаради.

ЎЗА МУХБИРИ  
УМИД ЁҚУБОВ суҳбатлашди.

# Абадият мухри бор иъзалик шуйъусида

**Абдулла ОРИПОВ,**

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

## Нуф

Нима қолур мендан дунёда,  
Фарзандлару тўрт-бешта баёт.  
Толиқсам-да ҳаддан зиёда,  
Сени жуда севаман, ҳаёт.

Фаҳм этарман, не бўлар кейин,  
Мармар тошнинг нархи бир тийин.  
Қийин, қийин, кетганга қийин,  
Сени жуда севаман, ҳаёт.

Туғилгандим меҳрдан гарчанд,  
Яшаш учун курашдим ҳарчанд.  
Турмуш доим берса ҳамки панд,  
Сени жуда севаман, ҳаёт.

Ўз жойига мослашгай янтоқ,  
Дарранда ҳам апоқ ва чапоқ.  
Кўникмадим теграмга, бироқ  
Сени жуда севаман, ҳаёт.

Зимистоннинг юзин терс қилсин,  
Умр қадрин билганлар билсин.  
Билмаган-чи, кўксини тилсин,  
Сени жуда севаман, ҳаёт.

Яшаяпман, тангрига шукур,  
Деразамдан тушиб турсин нур.  
Мен шундан ҳам қилурман ҳузур,  
Сени жуда севаман, ҳаёт.

26.08.2016



\* \* \*

Шоир деганлари шаҳиддир – хунсиз,  
Учинчи дунёдир – кундузсиз, тунсиз.  
Бола каби кулар, бироқ кўзда ёш,  
Бола каби йиғлар ва лекин унсиз.

19.03.2015

## Ғаламиса

Балки бир кун бўлай деб одам,  
Зўр тахаллус топгандинг, болам.  
Ўзинг тушган сассиқ ҳовузга  
Тортаверма бошқаларни ҳам.

Хьюстон, 10.10.2016

## НАСА

Мен ҳайрон қоламан,  
Одамзод гоҳо  
Кўрган мўъжизасин бирдан унутгай.  
Искандар, Магеллан доврўғи ҳатто,  
НАСА игнасининг кўзидан ўтгай.  
Қандоқ бунёд бўлган ҳазрати Одам,  
Ҳеч кимса кўрмаган илоҳий дамни.  
Лекин машқ қилганлар минг йил муқаддам,  
Ойда Армстронг қўйган қадамни.  
Конрад коржомаси осифлик турар,  
Марҳум фазогирлар кўргазмасида.  
Шоҳларнинг либоси яхлит сийму зар,  
Барибир, илингай унинг пастида.  
Тоғнинг этагида ўтирган сайёҳ,  
Унинг маҳобатин кўрмас ҳеч қачон.  
Асрлар қаъридан ташласанг нигоҳ,  
Инсон қуриб олмиш янги бир жаҳон.  
Низолар йўқолур бир кун, албатта,  
Одамзод ўзлигин топар қайтадан.  
Шонли ўтмишини эслаб у пайтда,  
Келгай маъракага ҳар битта Ватан.  
Башар болалари фаҳрга тўлиб,  
Тафаккур тўйида кўтаргайлар жом.  
Ишонгум, ўша кун биринчи бўлиб,  
Ёдга олинажак Улуғбек бобом.

Изоҳ:

1. НАСА – Хьюстонда жойлашган АҚШ фазогирлар тайёрлаш ва назорат қилиш маркази.
2. Армстронг, Конрад – Ойга қадам қўйган дастлабки фазогирлар.

## Бахиллик

Мен деб бонг урасан шому саҳарда,  
Гўё ҳаққонийдек айтар сўзларинг.  
Ҳаммани бир хилда кўрсанг агарда,  
Тешилиб қоларми сенинг кўзларинг.  
Йўлнинг чеккасида мажруҳ бир инсон  
Мадад тилаб турар сендан, эҳтимол.  
Сен унга узатсанг агар парча нон,  
Қўлларинг майишиб, бўлармикан шол.  
Қаршингда турибди ёш бир истеъдод,  
Балки оламшумул бўлажак даҳо.  
Бир оғиз сўз айтиб, берсанг гар имдод,  
Тилларинг кесилиб қолгаймикан ё?  
Бир сиймо илмнинг бўлмиш сардори,  
Балли, эл-юртига олиб келмиш шон.  
Сен уни қутласанг кўплар қатори,  
Чиқиб кетармикан танангдаги жон.  
Афсуски, яхшилар тортади кулфат,  
Ёмонлар ғолибдир, ётар қалашиб.  
Йўқдир бундайларда зарра фазилат,  
Дунёга келмишлар улар адашиб.

Хьюстон, 24.7.2015

## Инсон

Инсоннинг қўлидан келар ҳар бало,  
Бир соат ичида тўй қилади, тўй.  
Зарра писанд эмас дашту Карбало,  
Фақат уни тингла, ўз ҳолига қўй.

Думалоқ бўлгунча кўз ёши хоблар,  
Фиръавн умрини яшайди кимдир.  
Вақт ҳам югуради айлаб шитоблар,  
Фурсатдан улушин ололган эрдир.

Техас, 18.10.2016





## Шамол

Шамол увиллайди.  
 Шамол изиллар...  
 Биладан у қайдан елаётганин,  
 Безовта руҳ каби тинсиз увиллаб,  
 Шарқданми ё Фарбдан келаётганин.  
 Шамол увиллайди  
 Билмасдан тиним,  
 Билмасман қаёқдан елаётганин,  
 Билмасман шунча вақт топмасдан қўним  
 Шарқданми ё Фарбдан келаётганин.  
 Ўртада аралаш гирдоб бор гўё,  
 Турибман ўшанинг қоқ ўртасида.  
 Теграмда тинимсиз чарх урар дунё,  
 Дўзах нафаси бор гўё сасида.  
 Фақат ғалаёндан четда, тубанда  
 Беписанд жимирлаб қайнайди уммон.  
 Фақат ичкарида, қўлтиқ томонда,  
 Албатрос қушлари оҳ чекар нолон.  
 Ҳатто қум зарраси эмасман шу зум,  
 Эссиз, ночорлигим қилади алам.  
 Ногоҳ кўтарилса шамол билан қум,  
 Расулulloҳ унсиз чекар эди ғам.  
 Шамол увиллайди...  
 Шамол изиллар...

Техас, 10.10.2016

## Ёронлар

Ўз давринг нашъасин меники деб сур,  
 Ҳатто тўфон турсин, ҳатто бўронлар.  
 Доим оғзи биру қалқон бўлиб тур,  
 Орангиздан ола ўтмас, ёронлар.

Бошқа ёққа тортса сен минган тулпор,  
 Бундайин дўстликдан қандайин наф бор?  
 Кимдир айламаса қасамингни хор,  
 Орангиздан ола ўтмас, ёронлар.

Сенга ёт эмасдир эл қучган зафар,  
 Ўзимники десанг бу ютуқни гар.  
 Сени кўрган жойдан қочгайдир хатар,  
 Орангиздан ола ўтмас, ёронлар.

Ҳасадгўй аҳлига дуч келдинг кўпроқ,  
 Қаёққа борсанг ҳам бир хилдир тупроқ.  
 Барчага баробар, демакким, чароқ,  
 Орангиздан ола ўтмас, ёронлар.

Бемор излар эди дардига чора,  
 Уни тополмади, афсус, бечора.  
 Кимдир ёрдам қўлин чўзса шу бора,  
 Орангиздан ола ўтмас, ёронлар.

Майлига, даврон сур қишлоқ, шаҳарда,  
 Турфа одам учрар шомда, саҳарда.  
 Сен ҳам кечиримли бўлсанг агарда,  
 Орангиздан ола ўтмас, ёронлар.

Хьюстон, 16.10.2016

## Қуёш ва шаъм

**Набирам Мумтозбегимга**

Абадият мухри бор гўзаллик туйғусида,  
 Қудратин у йўқотмас ҳаттоки уйқусида.  
 Тобланиб юрса арзир қуёш нурида, аммо  
 “Хамса” яратса бўлар шаъмининг ёғдусида.

Хьюстон, 22.08.2016

## Чироқ

Уйдаи, кўкдаи – нур сочса порлоқ,  
Унинг оти эрур, албатта, чироқ.  
Қалбингга яшириб қўйгин қуёшни,  
Кўргайсан, қанчалар буркама бошни.  
Агар юрагингда бўлса зимистон,  
Ҳеч ким ёритолмас, билиб қўй, Инсон.  
Яхшиси, сўқирдан олгин сен ибрат,  
Йўлида чироқдир орзуси фақат.  
Ёлғиз битта нур бор, йўқдир қиёси,  
У Аллоҳ зиёси, Аллоҳ зиёси!

Хьюстон, 13.09.2016

## Шароҳи

Тонгда айвонингга чиқасан яйраб,  
Тарбият қиласан жисму жонингни.  
Тинчлик деган бир қуш тепангда сайраб,  
Қўриқлаб туради хонадонингни.

Ҳолбуки, эллар бор, қирқ йилдан буён  
Мотам либосини ечган эмасдир.  
Ҳар зум фалокатга маҳкумдир инсон,  
Тинчлик деган сўз ҳам, демак, абасдир.

Ювиниб, тараниб жўнайсан ишга,  
Кундалик юмушни ўйлайсан фақат.  
Ўрганиб қолгансан сокин турмушга,  
Ёнингдан оқади осойишта вақт.

Ҳолбуки, дунёда шундай жойлар бор,  
Текшириб кўради пайпоғинггача.  
Кимлигинг сўрайди такрор ва такрор,  
Сўрайди етти пушт-аймоғинггача.

Бу ҳолнинг тагига етганлар борми,  
Дарё ҳам ёндошдир саҳролар билан.  
Нафратда яшайди дунёнинг ярми,  
Ярми эса яшар дуолар билан.

26.07.2016

## Фаслларим

Етаклашиб қатор ва қатор,  
Йўлдан ўтди етмиш беш баҳор.

У баҳорлар меники эди,  
Болам, бари сеники энди.

Йўлдан ўтди ёз билан куз ҳам,  
Улар менга бўлганлар ҳамдам.

Иккови ҳам меники эди,  
Эгалик қил, сеники энди.

Ортда қолди чаманлар, боғлар,  
Йўл сўнгида кўринди тоғлар.

Музликларга бориб етдим мен,  
Фақат қишни ола кетдим мен.

Хьюстон, 13.09.2016

## Мантиқ

Дунёдаги жамики неъмат  
Инсон учун яралган, дерлар.  
Дарёлар ҳам теграда фақат  
Бизлар учун таралган, дерлар.  
Ер остида конлар ҳам шундоқ,  
Тайёрланган фақат биз учун.  
Ёғ билан сут, патир ва қаймоқ  
Оширади танамиз кучин.  
Мен мантиқни севдим жуда ҳам,  
Лекин чиқди саволлар доим.  
Хўш, ким учун яшайди одам?  
Ёлғиз Ўзи билгай Худойим.

Хьюстон, 10.09.2016



# Сўнги суҳбат



Абдусайд КҶЧИМОВ

Устоз Абдулла Орипов гурунгларилинг айримларини ёзиб қўярдим. Уч-тўрттасини ўқиб мундай қарасам, рисолача бўлгудай авзойи бор. Иқтидорли шоир ва адиб, оқибатли дўст Муҳаммад Исмоилга бериб, бир кўз югуртиринг-чи, дедим. Муҳаммаджон ажойиб йигит-да, роппа-роса тўрт кун деганда қўлёзмани худди босмаҳонада босилгандек муқовалаб, чиройли китобча кўринишида тўрт нусхада опкепқолди:

– Устозга ўқитиш керак. Роса хурсанд бўлади! Кетдик, йўл-йўлаккай Абдугани Жуманиям олволамиз, Абдулла аканинг ҳозирги портретини яратишим керак, деб юривди.

Учовлон жўнадик Абдулла аканикига қараб, қайдасан, Дўрмон, деб.

Ўша кунлари Абдулла ака Америкада биринчи марта даволаниб келган, саломатлиги анча яхши, кайфияти ҳам бинойи пайтлар эди.

Ҳанифахон келинойимиз дарров дастурхон тузадилар. Суҳбатимиз Абдулла аканинг америкаликлар қандай даволаганидан бошланди.

– Духтур ҳаммаёғимни текшириб бўлганидан кейин, мен сизга

кетавуринг, дейишим мумкин, деди, – дея гап бошлади устоз. – Сизам индамай кетавуришингиз мумкин. Лекин кейин менинг виждоним қийналади, мен қийнаман нимага жўнатвордим, деб. Сизни охиригача кўришим керак. Мен унга, э-э, қариндош бўмасангиз, юртдош бўмасангиз, диндош бўмасангиз, бегона мамлакатдаги битта духтур бўлсангиз, бор, ўзингни жойингдаги духтурларга учраш, дейишингиз мумкин-у, дедим. Ўпкангизда катта жароҳат бор, деди ҳалиги одам миннатдор сўзларимга парво қилмай, аввал ҳам текширишганми? Текширишганми, деганингиз нимаси, дедим жаҳлим кўзиб. Икки ярим йилдан бери текшир-текшир қилишади, ҳаммаси жой-жойида, дейишади. Лекин йўталиш тўхтамайди. Ўзимни осишим қолди. Мен духтур бўлмасам, нима қилишим керак? Баданингизни ренген қилмадим, яна сўради у. Бир қиз таржимонлик қиляпти. Қилишди, бир эмас, ўн марталаб, дедим мен. Ана, бир чамадон дори ёзиб беришган. Сиздаги бу ҳолат пневманиядан кейинги ҳолат, ўпкани ҳаммаёғи шрам, ўпкада инфаркт бўлган, ҳаво юрмайди, деди. Бир парчаги-

на ўпка – уям сув, тушунтирди у, мияда йўтал кўзғайдиган нуқталар бўлади, сиз олаётган дорилар шуни опиумга ўхшаб тўхтатиб туради, ўпкага ҳеч қандай алоқаси йўқ. У сизни алдайди, алдаб туриб, бир ойда ўлдиради. Жуда хафа бўлдим бу гапни эшитиб. Энди, деди, биз сизга ингалация тайинлаймиз. Ингалацияни биласилар, чилимга ўхшаган, – изоҳлаган бўлди Абдулла ака. – Кейин икки-учта дори ёзиб берди. Манави дориларингиз мутлақо керак эмас, тескари реяксия беради. Биз айтган дориларни сотиб оласиз, йўталишнинг ўн беш кунларда тўхтайдими, деди.

Дориларни сотиб олдик. Айтилган муддатида йўтал таққа тўхтади.

Туркияга борганимда ҳам шунақа бўлувди. Духтурлар юрагимни ёзволди, тревога қиворишувди, ўн кунгина ҳаётинг қопти, деб. Ўн кун-а? Кейин кўзимга кўрсатишди юракнинг битта томирини иккита жойида қон қотиб қолган, 92-98 фойиз қон ўтмайди. Улар ҳайрон қолиб, сизни анови қилганми, юрак ёзволдиган?

– Кардиограмма? – деб эслатди Муҳаммад.

– Ҳа, ўша. Мен, ҳар кун қиларди, кўрарди, ўттиз яшар йигитникидай дерди, десам, бошини чангаллашувди. У ёқда улар, бу ёқда – Америкада булар бошини чангаллайди. Охири, энди ҳеч қайсисига учраманг ҳам, борманг ҳам, деди ҳалиги америкалик. Бир-бирини танймайди-ку. Балки у Ўзбекистонни эшитмаган ҳам. Бир духтур ҳақида гапиряпман. Шундай қилиб, айланиб келдим. Шукур-ку, ҳаммасига, лекин яримжон бўлиб қолганидан кейин озроқ инжиқ бўлиб қоларкан одам. Энди умр охирига етиб боряпти, шекилли. Қолган вақтни яхши юмушларга сарфлаш керак. – Абдулла ака бир зум тин олиб, нафас ростлади. Бизни дастурхонга ундади. – Баъзи тирноқ ичидаги дўстларим бўлса, шу ҳолимдаям тинч қўйишмайди. Ухламай, отиб ётибди палахмонни.

– Умр охирига етяпти, деманг, – деб далда берган бўлдим ўзимча. – Бундан баттарлариниям кўп кўрган сиз-ку...

– Кўрганман-кўрганман, – дарров жавоб қайтарди устоз. – Лекин авваллари Москванинг кўли бор, ўрислар қилади, деб ўйлардим. Энди билсам, ҳамма дард ўзимизнинг ичимизда экан. Шундай кимсалар борки, манфаат йўлида ўз боласини сўяман, дейди. Еб турган қошиқни пайтавасига артади. Шуюм одам бўлди-ю... – Кимдир, шу яқин орада устозни қаттиқ ранжитгани билинди. Жимгина сўзининг давомини кутдик. – Ёш бўлсам эканки, мансабини тортиб олсам. Унвон талашсам. Бу, нима бало бўлган? – Америкада бир-иккита шеърлар ёзувдим, бир укамиз шуларни интернет-газетда эълон қилса, битта каттакон чақирволиб, нима учун Абдулла Ориповнинг шеърларини чиқардинг, ундай қилма, оқибати ёмон бўлади, дебди. Мен, бу гапинг янгилик эмас, дедим унга, менга яқин юрсанг, ўзингга қийин бўлади. Кеча Италия элчихонасидан бир хабар келди. Дан-

тедан қилган таржима учун менга Италия ҳукуматининг мукофотини беришибди. Яқинда шу мукофотни топшириш маросими бўлади, келасиз, дебди элчи. Энди ким билан боришни ўйлаб ўтирибман. Мен билан борадиганга албатта зарарим тегиши мумкин-да. Мен буни истамайман.

– Унақамас, бундай унутилмас маросимда иштирок этиш ва сизнинг қаватингизда туриш ҳар бир шеърият ихлосманди учун бахт! – Бу гапим жуда тантанали чиққани ўзимгаям сезилди.

– Жуда кўп ўкинаман, – деб хўрсинди устоз. – Жуда ўкинаман.

Ўртага чўккан сукунатдан фойдаланиб, устозга “Чўққидаги қуёш”ни кўрсатдим. Абдулла ака шошмай кўлига олди, орқа-олдини айлантириб кўрди. Очиб, варақлади. Кейин нимадандир кўнгли тўлмагани юзидан сезилди.

– Чиққанми бир-икки дона? – деб сўради.

– Йўқ, тўрттагина чиқарганмиз, компьютерда, сизга кўрсатиш учун опкелувдик, – менинг ўрнимга жавоб берди Муҳаммаджон.

– Бу китобнинг кўриниши менга ёқмади, – деб орага суқилди Абдуғани. – Офармленияси ғариб. Муқовасиям... Қандайдир, публицистиками-е! Шеърият сезилмайди. Менимча, муқовада сизнинг суратингиз бўлиши керак. Ичидаям турли характердаги суратларингиздан фойланиш зарур. Менда ажойиб суратларингиз бор.

– Лекин формат, деймиз-у, қадди-қомати шу, шундайми? – сўради устоз.

– Шундай-шундай...

– Китоб номи...

Абдулла аканинг хаёлланиб тургани “лоп” этиб устознинг “Мен шоирман, истасангиз шу” деган мисрасини эсимга тушириб юборди-ю:

– Китобни: “Мен шоирман, истасангиз шу”, деб атаймиз! – деб юбордим. Ўзингизнинг шеърингиз.

– Ана бу бошқа гап! – деб ўрnidан туриб кетишига сал қолди

Абдуғани Жуманинг. – Бу ҳақиқий шеърият алломаси тўғрисидаги китобга мос. “Мен шоирман” катта-катта ҳарфларда, “Истасангиз шу” кичикроқ ҳарфларда ёзилса ва шоирнинг ҳайқириб шеър ўқиётган сурати берилса, бениҳоят гўзал бўлади!

Фикрлар устозгаям маъқул тушгандай бўлди назаримда.

– Ҳа, энди, бу – нисбий. Айнан бошимиздан ўтганиям, қисматимизам шу. Аммо сурат танлашда эҳтиёт бўлиш керак. Ёшлик ҳам, кексайган вақт ҳам ёмонмас-у, аммо, умумий ўрта ёшдаги ҳолат бўлса тузук. Ҳозиргисиям бўлади-ку, энди, 75га кирганда, мен шоирман, деб турса, унча ярашимли чиқмайди. Суратнинг муносибини танлаб, Абдусайдга кўрсатинг-да, ука, бу кишига маъқулини қўйинг. Ўрта ёш тўғри келяпти. Ўрта ёш, менинг назаримда, шоирликни белгилайдиган давр ҳисобланади.

– Устоз, хўп десангиз бир суратга тушиб қўяйлик, – фурсатдан фойдаланиб таклиф киритди Абдуғани Жума. – Яна ўн йиллардан кейин қараб, э-э, шу суратдаги бизми, дейсиз.

– Кейинги гапингиз яхши бўлди, – деб кулимсиради Абдулла ака. – Сурат деганиям бир тарих. Вақтида ёшлик қилиб, эътибор бермаганмиз. Кейин қарасам, Қайсин Қулиев, Давид Қўфилтинов, Чингиз оғалар билан тушган суратлар боракан. Йиртилиб, сарғайиб кетибди. Оммалаштирмаганимнинг сабаби, андиша қилганман, шуларнинг отига мингашиб олибди, дейишмасин, деб. Ваҳоланки, кейин ўйласам, бундай қараганда, улар инсониятнинг фаҳри-ку! Чингиз ака билан мен кейинги даврда жуда яқин эдик, единомишленнигимсан, дерди у киши. Жуда кўп дардлашардик.

Бир кун Абдуллажон, деди. Ҳа, десам, қизиқ-қизиқ гаплар кўп-ку. Бизнинг президент, Акаев менга, бу ўзбек деганинг тинмай байрам қип жатир, Навоийни бир

байрам қилади, Берунийни бир байрам қилади, Бобирни, Улуғбекни бир байрам қилади. Сенда бизга бировини товиб бер, дейди. Жўғини қайдин топаман, дедим. Кейин, сиз Манасни кўтаравуринг. Манасдай улуғ дoston дунёда кам. Шунини кўтаравуринг, дедим. Шулайми, деди. Шулай, дедим, дейди. Энди, дедим Чингиз оғанинг бу гапларидан таъсирланиб, сизнинг ўрнингизда Худони каромати билан мен бўлганимда, қизиқ бўларди, дедим. Не дер эдинг, деди. Мен, Президентингизга Манас билан Айтматовни кўтаравуринг, деган бўлардим, дедим. Кулворди. Ҳали кўрасиз, Манас билан икковингизнинг ҳайкалингиз Бешкекни қоқ ўртасига қўйилади, дедим. Ўтиб кетди дунёдан Чингиз акаям. Онда-сонда телевизорни бураб ёнимиздаги давлатларни кўриб тураман. Бир кун мундай қарасам, Бешкекни ўртасида икковининг ҳайкали турибди. Бечора, ўзи кўрмади-да...

– Башорат қилган экансиз-да! – ҳайратини яширолмади Абдуғани.

– Мантиқ, – изоҳлади Абдулла ака. – Энди, ўлиб бўлганидан кейин, ҳозир, дунёнинг қаерида, қайси қирғизни учратсанг, гадаийям, бойиям, сен қаерликсан, десанг, Чингиз Айтматовнинг юртиданман, дейди. У миллатнинг байроғи бўп қолди.

Устознинг бу ҳикояси ҳам кулгили, ҳам ачинарли эди.

– Шунақа дегандайин, – деб давом этди Абдулла ака. – Чингиз оға оламдан ўтганда биздан Анвар Жўрабоев борди жанозасига. Уям ўтиб кетди. Борсам дейди, ўтовдан чиқармай, қараб туришган экан Ўзбекистондан келади, деб, дейди раҳматлик Анваржон. Мен келдим, десам, хурсанд бўлишди, дейди.

– Боя италянлар ҳақида гаплашдик, – деди Абдулла ака. – Ана шу италянлар миллат. Мени СССР вақти чақиришди. Самолётдан тушган замон Дантенинг таржимони келди, деб ҳамма ўраб

олди, гуллар отади. Ўзи италянлар сайроқи бўлади, кўп гапирди. Лекин улуғ миллат. Инсоният камоли шулардан бошланган. Римдан. Кейин, яна самолётга чиққанимда, сизлардай тўртта йигит таржимон билан мени ўраб олди. Жаноб, дейишди. Ҳа, дедим. Сизга раҳмат, сиз ҳозир бизни бирлаштирдингиз, сизнинг қиёфангизда Данте бирлаштирди бизни. Бизга тўртта партиянинг раисимиз. Ҳаммамизда биттадан писталет турибди. Ҳозир чиқиб отишимиз ҳам мумкин. Лекин Данте деганда бирлашамиз. Миллат деганда бирлашамиз, сиз келдингиз, ҳаммамиз келиб, мана, биргаликда иноқ бўлиб ўтирибмиз. Данте учун, Ватанимиз байроғи учун бирлашдик. Чиққандан кейин яна ҳалиги гап, деди. Ана шуни миллат, дейди. Тўртта душман партия, битта столда ўтирибди. Данте учун. Энди солиштириб кўринг?..

– Абдулла ака, Навоий бобомизниям ўқияпман. Навоий бободаям бу ҳасрат боракан.

– Навоий бобонинг дарди сарой билан боғлиқ, – шу заҳотиёқ жавоб берди устоз. – Саройни айтолмаган, ўзи ишлайди, дўсти пошшо. Шунинг учун сарой деб отини айтолмаган. Сарой фитна, ифвонинг кони бўлган. Ана шу гап ҳозиргача бор. Ана шу сирни очсанг, бу гапни через-через қилиб етказишади, саройни ёмонлапти, деган айбни бўйнингга бўйинтириқ қилади. Навоий ҳозирам замонавий, демоқчиман.

Ҳанифахон янгамиз патнисда таом келтирдилар.

– Первий тайёр бўлдими? – ҳазиллашди устоз косаларни дастурхонга қўймоқчи бўлиб. Лекин Муҳаммад билан фотограф бараварига интилиб косаларни устоздан олдинроқ ушладилар.

– Янга, сизниям чарчатдик-да, – деди хижолат билан Муҳаммад.

– Ундаймас, устозларингиз сизларни кўрганда яйрайдилар, – деди янгамиз.

– Олинглар, – дастурхонга манзарат қилди янгамиз чиққанларидан сўнг устоз. – Шундай гаплар-да. Олинглар.

Суҳбат бир нафас тўхтади. Гапсўз жаранги кумуш қошиқларнинг чинни косаларга теккан товуши билан алмашди.

– Кеннойим маставани боплабдилар, – деди Абдуғани.

– Маъқулми? Ош бўлсин.

Ундоғ бўлса, бундан кейин маставахўрлик қиламиз деб “Бочка”га бориб юрмай, тўғри шуяққа келаверасилар, – Абдулла ака шу сўзларни айтаётиб косадаги қошиқни тақсимчага қўйди, сўнгра косани иккала қўли орасида ушлаб кўтариб, аста-аста хўплади. Хўплай туриб: – Сизларни билмайман-у, мен суяқ овқатни кўтариб ичмасам, ичгандай бўлмайман, деб кулимсиради.

– Товуққа дон бергандай, – дедим ва бир латифа эсимга тушди. Таомланишни тўхтатиб, айтиб бердим: – Парижними, Римними дунёга машҳур ресторанларидан бирида неча юз киши овқатланаётган экан. Иккита ўзбек ҳам бор экан уларнинг орасида. Эшмат, қара, хув тўрдаги столда ҳам битта ўзбек овқатланяпти, дебди биттаси. Иккинчиси ҳайрон бўлиб, қаёқдан билдинг, деса, биринчиси, косани кўтариб овқат ичишидан, дермиш.

Латифа устозга ёқди. Елкаларини силкитиб-силкитиб кулди.

– Американи томошаям қилгандирсиз? Қанақа экан? – сўради бир зумлик сукунатдан кейин Абдуғани.

– Яхши сўрадингиз. Ўзим айтмоқчи бўлиб турувдим. – Абдулла ака шундай деб ўтирган жойида бир қимирлаб олиб давом этди: – Мамлакатга кирган заҳоти кўзга ярқираб ташланадиган биринчи нарса бу – демократия, эркинлик. Ҳамма нарса ўз номи билан айтилади. Мисол учун, бизда ёлғончилик одамнинг энсасини қотиради. Лекин ҳамма шунга кўникиб қолди, биров

“гинг” демайди. Ҳатто, об-ҳаво маълумотиям нотўғри айтилади. Чунки у кимларгадир ёқиши керак эмиш: ҳаво очиқ, ҳештима ёғмайди, даздраствуйте! Қаранг, об-ҳаво бизнинг кайфиятимизга қараб қовоғини уйиши ёки уймаслиги керак экан. Олишиб ўтиринглар-да, – гап орасида манзиратниям унутмади Абдулла ака. – Техасда бир орол бор экан, оти бир нарса эди, кувём, юринг, Атлантика сувида бир чўмилиб қайтасиз, деди. Невараларим билан бирга бордик. Орол ўзимизнинг Сирдарёдай жой экан. Бир суткага бориб вилла заказ қилдик. Икки қаватли уйлардан бирига жойлашдик. Ҳамма нарса тайёр туради, ош-овқатингизни пишириб, еб-ичиб қайтаверасиз. Оролга паромда ўтилар экан. Шу орол халқининг ўз закони боракан. Кимки оролдагиларни авомсан, қоқоқсан, маданиятинг паст, иккинчи сортсан деса, ниҳоятда катта жаримага тортилар экан. Кейин ўша гуноҳкорнинг фамилияси компютерига ёзилар ва иккинчи марта киритилмас экан. Шундай аҳвол мабодо яна такрорланса, қаматиб юборилар экан суд қилиниб. Ҳали айтганимдай, Сирдарёдай жой, одамлар юрибди лунгида, яримьянғоч. Уларга қарасам, ҳалиги закун эсимга тушади, кўринганга ҳадеб салом бераман, ёки “хў-ў”, деб қўяман. Кейин битта шеър ёздим. Техасда шундай орол бор, халқини ҳақорат қилсанг катта жарима тўлайсан. Бу ёғида ўзимизнинг гаплар эсга тушиб, жуда-а қаттиқ бурадим, Тошкент кўчасида юрган олифта тирранча, даладан келган бир мўйсафид бобойни, сенсирайди, ҳақорат қилади “қишлоқи”, деб. Сени ота-бобонг, устозларинг бир кун бўлсам шу оролда ётиши керак, деб. Шу шеър анавида, интернетда чиқди. Болаларим айтди, қаранг, бирови жавоб ҳам ёзибди, деб. Қарасам, балодай ёзипти. Шо-

ирнинг таклифи ниҳоятда яхши, энди шу таклиф асосида қонун қабул қилиш керак, дебди. Мишинга тегибди шеър, дедим. Бу ёғини айтадиган бўлсак, фақат Америка эмас, ер юзида ҳам-манинг ҳуқуқида бу. Ўша ерда бирорта қора танлини ҳалигидай қилиб кўринг, калласини сапчадай узиб ташлайди, мени нимага камситасан, деб ёки бошқа. Мана бу тарбия.

Гап-гап билан косалар бўшагани билинмай қолди.

– Янгамиз соғ бўлсинлар, минг раҳмат! – биринчи бўлиб миннатдорчилик изҳор қилди Абдуғани.

– Аёлларимиз меҳмондўстликни, мазали таомлар тайёрлашни янгамиздан ўрганишлари керак. – давом этди Муҳаммад.

– Энди бу ҳаммаси, садағанг кетай, меҳмонларнинг шарофати билан, – деб илтифот кўрсатди устоз. – Меҳмон келавурса, таом тайёрлайвурса, одамнинг тажрибаси ошади. Шундан овқат ширин бўп боради. Меҳмон келмай қўйса, овқат ёввойилашиб кетади.

Устознинг бу камтарона лутфи ҳам жуда жойида айтилди.

– Янгам эллик ёшга тўлганида банкет қилиб берувдингиз...

– Ҳа, Ширин кафесида, – Абдуғанининг сўзи тугамай, уни тасдиқлаб қўйди устоз.

– Шунда кўп расмлар қип берувдим. Негативлари менда бор. Лекин янгамда бормикан?

– Турипти-турипти, янгангиз чақалоқни йўргаклагандай қилиб албомга белаб қўйибди.

Муҳаммад во-хо-холаб қаттиқ кулиб юборди.

– Ана-мана дегунча 15-20 йил ўтибди-я. Абдулла ака, бизнинг дуомиз ҳам чаккимас – ўтади, илойим, қўша қариб юрингизлар. Юрайлик, бизар ҳам ёнларингизда ҳавас қилиб.

– Бир куни бир майлисида ўтирибмиз, унда силар йўқ. Яшин ака бор, у киши союзимиз раиси. Бир маҳал, пастдан овоз чиқди: палончи-палончиев

ҳам президиумга сайланси-ин! Яшин ака кўзини пирпиратиб ўтирибди. Ўзи бўйи паст, кичкинагина, устига-устак кўзини қисиб олган, кўрмади. Мен кўриб ўтирибман, ҳалиги одам яна турди: “Яшин ака, президиумга палончиём сайланси-ин!” Залда бир юз одам ўтирибди. Яшин ака шовқинни эшитиб кўзини очиб, кўлидаги қалам билан олдидаги шишанинг қорнига мундай-мундай қилиб уриб-уриб қўйди, тинчлик сақлансин, дегандай. Фамилияси нима айтган одамнинг, деди кейин. Ҳа, фалонча. Чиқсин бу ёққа, деди. Чиқди. Қарасак, президиумга номзод ўша одамнинг ўзи экан. – Шундай ҳангомани эшитгандан кейин ҳам кулмаслик мумкинми? Шодон қаҳқаҳа анча давом этди. – Яшин ака пайқаганиям йўқ. Шундан фойдаланган ҳалиги. Унга союздан хат керак экан ўғлини армиядан олиб қолиш учун. Энг қизиғи, ўша хатни тайёрлаганлар тескари, яъники, армияга олинсин, деб ёзишибди. Ўқимасдан қўл қўявурадиган одати бор эди раҳматлик Яшин акани. Давр айланиб келиб, мен ҳам союзга раҳбар бўлиб қолганимдан кейин, шу кишининг креслосида ўтирибман, бир ҳол-аҳвол сўраб келай, деб бир куни бир банка асал олиб уйига бордим. Борсам, балкончасида ўтирган экан. Калта иштонда, олдига эскироқ аделнамо бир нарса ёпиб олган. Қўзғалганда адел сирғалиб тушиб кетади. Вағиллаб учиб-қўниб юрган пашшаларни кўрмайди, кўзини юмиб ўтирибди, кулиб. Дарров бориб пашшаларни ҳайдаб, тиззасидаги аделни тўғрилаб қўйдим-да, Яшин ака, мен келдим, палончаман, дедим. Э-э, келдингми, деди чиройи очилиб. Ҳа, шундай, дедим. Бу қизиқ экан, деди ўтирган жойида секингина қимирлаб, креслода ўтирганимда тинмай одам келарди. Тўқсон фоизини танимасдим. Энди ҳеч

ким келмайди, деди. Шундай бўлади, Яшин ака, дедим. Уяғини қўявуринг, сизга тоғнинг тоза асалини опкелдим, бир тотиб кўринг, дедим. Тоза асал деганинг нима, ажабланиб сўради у киши, асалнинг нотозасиям борми? Сизлар ҳозир, 90 йил яшаган, чақалақлиғидан халқнинг ичида бўлган одам наҳотки шуни билмайди деб, ўйлашларинг мумкин. Лекин билмасиди. Эсини танигандан бошлаб тирикчилиги ҳукумат магазинида ўтган, йўқчилик эсидан чиқиб кетган. Мен шуни билардим. Оқсоқолга шошмай тушунтирдим: асалари дегани бир қатра бол тўплаш учун ҳар куни камида ўттиз чақиримлар учиши, ҳар бир янтоқдан мунча-мунча бўлсаям асал топиб келиши сизга маълум, дедим. Эшитганман, деди. Асаларичилар шакарни қайнатиб шинни қилиб, тарелкачага солиб асаларининг олдиға қўяди. Ари буни кўради-ю, ҳар куни 30 километр учиб жинниманми, деб тайёр шакарни маза қилиб туширади-да, асал қилиб чиқаради, десам, тиззасига бир урди. Вой қизталоқ одамзодлар-ей, асалариниям бузган экан-да, дейди. Энди умрида уйда овқат пиширмаган Ҳалима опа келади, хизматкор икковига дастурхонни тузаб кутиб олади. Ҳалима опа уйдаги кухняга умрида кирган эмас. Ҳар куни меҳмонга чақирилади. Бир элликта қизча юради уйда. Бирови Ҳалима опани шогирди, бирови Яшин акани қариндоши ва ҳоказо. Яшин ака билан Ҳалима опа, Худо раҳмат қилсин, мен уларнинг фарзандидай бўлиб қолгандим. Уйда одамни жонидан бошқа ҳамма нарса бор эди. Лекин пишириш эсдан чиқиб кетган. Кейин Баҳодир деган ўғли бор эди. Ҳозир борми, йўқми, билмайман. Узун бўйли ўрис хотини бўларди. Баҳодир мен билан соз эди, урарди арақни. Бир куни Баҳодир ака, дедим, бирон жойда



ишлаганмисиз? Йўқ, деди. Нимага, десам, Ҳалима Носирова билан Комил Яшиннинг ўғли бўп кўринг, шунда биласиз, деди. – Яна хонада кулги кўтарилди. – Тарбия ўрисча-да, ялпизлаб ўтирмайди. Юзи Ҳалима опага ўхшаб кетарди. Бўйи Яшин акадан ўн барабар баланд эди. Яшин аканинг ўзи яхши одам эди, фақат давр шунақа қилиб қўйган.

Абдуғани устозга чой куйиб узатди.

– Укалар, сизларни вақтларингни кўп олмаяпманми? – деди чой хўплай туриб Абдулла ака. – Мен бекорчи, сизлар ишли одамсизлар.

Устозникида узоқ қолиб кетганимизни ана шунда англаб қолдик.

– Олис Америкада юрганда чойхона гурунглари кўп эсимга тушди, – деди хайрлашаётганимизда Абдулла ака. – Муҳаммаджон, ўзингиз бош бўлиб, шу савобли юмушни ташкил қилмай-сизми?

– Эртагаёқ ест қиламиз!

– Эртага эмас-у, лекин бир ёзилиб ўтирмасак бўлмайди. Сал ўзимга келволай, вақтини ўзим айтаман.

Бу суҳбат 2015 йил 16 ноябр куни бўлган эди.

Орадан уч-тўрт кун ўтди.

Китоб тақдирини ўйлаб, ҳар куни алланималарни интиқ бўлиб кутаман. Ахир, устознинг фикрлари мен учун ниҳоятда муҳим ва қадрли эди-да.

Ниҳоят, мени интизор қилган хушxabар Муҳаммад Исмоил орқали етиб келди.

– Ака! Дўрмонга келувдим. Ҳозиргина устознинг ёнидан чиқдим! – деган жарангдор овози эшитилди телефонда унинг. – Устоз китобингизни ўқибди...

– Нима дедилар? – саволга тутдим сабрим чидамай.

– Зўр! Ниҳоятда самимий ёзибди. Менинг шеърим қанча яшаса, бу китоб ҳам ана шунча яшайди, дедилар! Қолган гапларни чойхонада ўзига айтаман, дедилар. Табриклайман!

Абдулла аканинг бу баҳоси мен учун энг олий мукофот эди. Севинчдан бошим осмонга етди.

– Чойхонани тезлаштирайлик ундай бўлса! – қистадим Муҳаммаджонни.

– Аввалги гап – вақтини ўзлари айтар эканлар.

Афсуски, Абдулла Орипов билан чойхонада гурунглашиш пешонамизда йўқ экан. Устоз даволанишни давом эттириш учун яна Америкага кетдилар. Ва... Бошқа юзма-юз ўтириб суҳбатлашиш насиб этмади...



# Искандарнинг шохи бор!..

Таниқли шоир Одил ХОТАМОВ билан суҳбат



— Сизда адабиётга ҳавас қачон уйғонган, матбуотдаги илк чиқишларингиз, сўнгра, биринчи китобингиз ўқувчилар қўлига етиб борган дамларни бир эслаб ўтсангиз.

— Бу саволингиз менга олис болалик йилларимни яна бир марта эслатди. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларидаги мактаб дарсликлари, бадий китоблар, айниқса, халқ эртаклари кўз олдимга келди. Ўша пайтлардаги имло қоидаларига биноан “ўқувчи” сўзи “ўқучи”, “билан” сўзи “блан” тарзида ёзилар эди.

Уй тўридаги тоқчаларни отам ўқиган, энди ўқийдиган китоблар эгаллаган. Ҳали ҳарф танимаган тўрт-беш ёшларимда уларни менга Зулфия опам (мени кўтариб катта қилган холам Зоҳида Мама-назаровани ҳаммамиз Зулфия опа дер эдик) ўқиб берардилар. “Уч оғайни ботирлар”, “Муқбил тошотар” ва бошқа халқ эртаклари менга ёд бўлиб кетган.

Қаҳратон қишда ҳафталаб, баъзан ойлаб ерларни шудгор қилишга кетган отам керосин, солярка ҳиди ўтириб қолган кийимларини алмаштириб, ювиниб, сандали (танча)га ўтирар, чой

ичиб бўлгач, бироз мизғиб оларди. Кейин тоқчадаги китоблар сандали устига тушарди. Отам ўзбек тилида, мен ҳали тушунмайдиган рус тилидаги китобларни аввал бир варақлаб, сўнг ўқишга киришардилар. Ўқиб-ўқиб ухлаб қолардилар. Отамнинг устига кўрпа ёпиб қўярдим.

Тўғри, у пайтларда “адабиёт” сўзининг луғавий маъносини тушунмаганман. Тенгдошларим қатори мен ҳам ҳарф таниб, савод чиқардим. Мактабда она тили, математика, физика, кимё, биология фанлари қатори адабиёт ҳам ўқитиларди.

Онам ҳар икки гапларининг бирига мақол, турли ибораларни қўшиб ишлатардилар. Масалан, “Бунга соя ҳам керак эмас, ҳамсоя ҳам...” каби.

Қачонки, адабиёт ҳақида ўйласам, онам билан Зулфия опамнинг куёшдай чехралари кўз олдимга келади.

Демак, адабиётга илк ҳавас болалигимда уйғонган. Мактабни шу қадар яхши кўрар эдимки, қайтишда кимдир мени судраб уйга олиб кетаётгандай туюларди. Икки кўзим орқада: мактабда...

Биринчи синфни битиргач, ёзги уч ойлик таътил мен учун ит азобига айланди. Кунда-куноша бориб мактабимни, синфимизни, ўтирадиган биринчи партамни кўриб келаман. “Партангни ҳидлаб келдингми?” деб қўярдилар опам.

Охири, “Мактабимни соғиндим” сарлавҳали “шеър” ёзиб юбордим денг.

Зулфия опам мактабда ёшлар етакчиси эдилар. Менинг ажи-бужи ёзган “шеърим” мактаб деворий газетасига чиқиб, овоза бўлиб кетди. Ўша йиллари ҳамқишлоғимиз, бўлажак шоир Сулаймон Раҳмон мактабимизнинг тўртинчи ёки бешинчи синфларида ўқирдилар.

— Шу “шеър”ни ўзинг ёздингми ёки опанг ёрдамлашдингми?

Сулаймон аканинг саволига жавобим шу бўлди:

— Ўзим ёздим. Мактабимни соғиндим-да!

— Яхши! Кўпроқ шеър ёдла!

Туман газетасида чоп этилган биринчи мақолам пахта йиғим-теримида қатнашган чолу кампирлар ҳақида эди. Исми шарифлари газетада чиққан боболару момоларнинг менга айтган раҳматлари ҳамон қулоғимда.

Худонинг берган куни туман газетаси таҳририяти йўлини чуқур қилар эдим. Ёзиб борган уч-тўртта “мақолам”дан биттаси чиқса ҳам мен учун байрам. Адабиёт фани ўқитувчимиз Узоқ ака Хайитов мени қўллаб-қувватлаб турадилар. У киши туман газетасининг қишлоғимиздаги энг фаол мухбири. Маҳмуд Саъдий таъбири билан айтганда, “шеър” деб аталган “тимтимак”ларимнинг барчаси таҳририятга борган хатларнинг рўйхатини оширган, холос...

Тошкентда ўқиб юрган йилларимда бекободлик дўстларимдан бири икки-учта машқ шеъримни оққа кўчириб, Бекобод тумани газетасига олиб борган. Рауф Парфи кўпинча “Бу воқеа қачон содир бўлди?” деб кўярди. Алқисса, мен учун бу “тарихий” воқеа 1970 йил 9 май куни юз берди... Ўшанда 20 ёшда эдим.

Биринчи тўпламим 1985 йили Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида (“Булоқ кўз очди” жамоа тўпламида) “Кечки майсалар” номи билан чоп этилган. Ўша йиллари шеър ёзиш масъулияти жуда юксак, тўплам чиқариш эса ўхху-у!

Фарғона вилоятидаги бир неча мактаб ўқувчилари ушбу камтарона тўпламдаги шеърларимга муносабат билдиришган. Пойтахтимиздан, бошқа вилоятлардан бўлган ҳаяжонли телефон кўнғироқлари... Ўзимча осмону фалакда учиб юрган кунларим... Адабиётшунослардан бири баъзи камчиликларимни ёзиб, бироз танобимни тортиб қўйган. Тортинчоқлигим туфайли тенгдошларим орасида ҳаёт неъматларига кейинроқ эришганман.

Хуллас, ёзаверсам, гап кўп.

**— Қандай устозларнинг таълимини олгансиз? Улар турмуш тарзингизга, ижодий фаолиятингизга қандай таъсир этган?**

— Аввало, дунёдан ўтган устозларимнинг азиз руҳларини

Аллоҳим ўз раҳматига олган бўлишини тилайман.

Отам, онам, Зулфия опамни, адабиёт муаллимларимиз — Узоқ Хайитов ва Норқул Аҳмедовлар биринчи устозларимдир. Университетда Бегали Қосимов, Файбуллоҳ ас-Салом, Ботирхон Акрамов, Талъат Солиҳовларнинг ўй-хаёлларимиз, орзуларимизга қанот боғлаган узундан-узоқ маърузалари... Озод Шарафиддинов, Умарали Норматовларнинг донишмандона давра суҳбатлари... Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева мушоиралари...

Курсдошларимиздан бирининг таъбири билан айтганда, Талъат Солиҳов домламинг Мопассаннинг “Дўндик” ҳикоясини моҳир жарроҳ сингари “операция” қилиб, ҳикоя қандай ёзилишини кўрсатиб берганлар.

Улар менинг ҳамду саноларимга, олқишларимга, боринг, ана, мақтовларимга муҳтож эмас.

Бегали Қосимовнинг илм-фан ривожини йўлидаги фидойилиги тилларда дoston.

Шогирдпарвар Файбуллоҳ ас-Салом домламингдан олган инсонийлик сабоқларимиз бизга ҳозир ҳам асқотмоқда.

Ботирхон Акрамов эса (мустабид тузум даврида) жонини гаровга қўйиб, Пайғамбаримиз ҳадисларининг мазмун-моҳиятини онгу шууримизга сингдирганлар.

Талъат Солиҳов, Файбуллоҳ ас-Салом чет эл адабиётининг зукко билимдони сифатида биз учун ҳамон тирик.

Озод Шарафиддиновнинг “сопини ўзидан чиқарувчи” енгил юморга, кулгига бой ўғитларию суҳбатларини унутиб бўлар эканми...

Ёшларнинг севимли устози Умарали Норматовнинг юраги, бутун илмий ва бадий фаолияти меҳр булоғига қиёс...

Устоз Эркин Воҳидов адабиётда улкан мактаб яратиб кетди. Бу мактаб халқимизнинг келажакда

ҳаётга қадам қўядиган миллионлаб фарзандлари учун юксак инсонийлик дорулфунуни бўлиши аниқ.

Шак-шубҳасиз, Абдулла Орипов шеърининг миллионлаб қадри, шаъни, орияти учун тикланган ҳайкал — бадий обида.

Талабалик йилларимизда Рауф Парфи ижодидаги ватанпарварликка, миллионлаб фарзандликка, мажнунона фикрлаш тарзидаги тафаккур салоҳиятига ҳавасимиз юз эмас, минг чандон эди, ҳозир ҳам.

Менга қолса, Ҳалима Худойбердиева шеърни эркакчасига ёзади. Ҳозирги айрим “тимтимак”лардан Ҳалима опанинг бир мисраси авло. Худо хоҳласа, ҳадемай ўзининг етмишинчи баҳорига қадам қўядиган опанинг асарларида буюк Тўмарис меҳри, Широқ шиддати-шижоати мужассам...

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, раҳматли Қосим Ҳасановдан касбга, оилага, дўстларга садоқатни ўрганганман. Таҳририятимиз дарвозаси ёнида устоз Қосим аканинг мраморга ишланган сурати бор.

Сайди ака Умиров домламинг билан ҳозир ҳам гоҳо телефон орқали ҳол-аҳвол сўрашиб турамиз, гоҳида эса ватанпарвар фотограф Абдуғани Жума устaxonасида ҳозирги адабий жараёнларнинг у бошидан кириб, бу бошидан чиқамиз.

Ҳаётимда ул-бул “нимарсалар” қоралашимда камина учун ғоят азиз бўлган бу инсонларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Туғилажак фарзандга отанани танлаш имконияти йўқ. Шогирдда эса... Мабодо, Худонинг кудрати билан қайтадан дунёга келадиган бўлсам, яна шу азиз устозларимнинг этагидан маҳкам тутардим.

**— Одил Ҳотамнинг ижодхонаси қандай олам? У асарларини қандай яратади? Ижод жараёнингиздаги изтироб ва севинч ҳақида сўзлаб берсангиз...**

– Тўғриси, бу саволингизга жавоб қайтариш мен учун бироз эмас, жуда ноқулай.

Бир неча йил илгари пойтахтдаги ижодкорлардан бири оғзини тўлдириб шундай деб қолди:

– Устозим уйимизга келганида “Ижодхонангни кўрсатасан?” деб туриб олди. Олиб кирдим. Ранг-кути учиб кетди: “Менинг ижод намуналарим – асарларимни нега иш столингга қўймадинг? Улар сен учун адабиёт дарслиги-ку! Мана бу бурчакка Афродита ҳайкалини қўй! Уйга ўтсанг, дунёга машҳур рассомларнинг асарлари рўйхатини бераман. Камида ўн-ўн бештасини танла! Энг сўнгги модадаги гилам ҳам келтир. Ҳар куни икки дона атиргул бўлсин! Келинга айт, кунда-куноша эринмай уларни

алмаштириб турсин!” дедилар. Ер ёрилмади, ерга кириб кетмадим. Устоз топшириқларини бажардим, фақат Афродита ҳайкали топилмади. Бир шогирдимнинг отасига заказ бердим. Икки-уч кунда тайёрлаб етказди. Устозим айтганларидай – “бу ҳайкалча илҳом манбаи”.

... Оббо!.. Ана, бўлмасам... менда бунақа музей– ижодхона йўқ, ўзимга яраша ижодий оламин бор, холос.

Кечирасизу “асарларим” дейишга тилим бормаяпти. Нимани қойил қилиб ёзиб қўйдим, ўзи... Тўғри, бир неча тўпламим чоп этилган.

Шеър қоғозга қандай тушади? Баъзан бир мисра ёки биттагина сўз ҳақида йиллаб ўйлайсиз... Гоҳо кутилмаганда...

Ижодий оламнинг дарвозаси ҳам, таъбир жоиз бўлса, пойдевори ҳам, боринг, ана, ҳавоси ҳам СЎЗ... Яқин дўстингизга, қадрдонингизга айланган китоблар. Беназир устозларнинг ўғитлари. Кўп йиллик тажриба... Мен учун буюқ тарихимиз, бугунги улуғвор эврилишлар, атрофимиздаги одамларнинг орзу-армонлари, биз етишга илҳақ бўлган келажак қоғозга тушадиган битиклар бешигидир.

Ижодий жараённинг ўзига хос изтироблари, севинчлари хилма-хил, унутилмас... Антон Чехов сиёҳдон ҳақида роман ёзиши мумкинлигини айтганидек, улар хусусида ёстикдай-ёстикдай китоблар ёзса бўлади. Борингки, шундай китоблар ёзилди ҳам денг, аммо санокли кишилардан бошқа ҳеч кимга уларнинг кераги йўқ.





Ҳар бир ижодкорнинг ўз ижодий олами бор, бўлган, бўлади.

**— Айтинг-чи, шу пайтгача чоп этилган китобларингизнинг сони, умумий адади қанчага етди? Уларнинг ҳаммасидан кўнглингиз тўлганми?**

— Шу пайтгача менинг номим билан бешта шеърий тўпلام, битта ҳужжатли қисса чоп этилган. Ўндан ортиқ жамоа тўпلامларини ҳисобга қўшмадим. “Онажон” тўплами бир неча йил мобайнида уч марта нашр этилди.

Шу ўринда ўтган асрнинг 80-90-йилларида шоирнинг биринчи китоби 10 минг нусхада, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа машҳур шоирларимизнинг тўпلامлари 35 минг нусхада, улкан адибларнинг романлари 80 минг нусхада чоп этилгани бор гап.

Неча йиллар илгари ёзувчи Ашурали Жўраев таниқли шоир Хуршид Даврон асарларининг адади бир миллион нусхадан ортгани ҳақида ҳазилнамо бир нарсга ёзган эди.

Кейинги йилларда “Шарқ” нашриёт–матбаа концернида таниқли шоирларнинг асарлари беш минг нусхада босилмоқда. Умуман олганда, ҳозир халқ шоирларию халқ ёзувчилари ҳам китоби адади билан мақтанолмайди.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказиладиган “Истеъдод мактаби” республика ёш ижодкорлар семинарида нашрга тавсия этилган “Биринчи китобим” рукнидаги тўпلامлар “Ижод” фонди томонидан молиялаштирилиб, 20 минг нусхада чоп этилиши ёш ижодкорларимизга қанот бўлаётгани шубҳасиз.

Нашриётларда йилдан-йилга китобнинг нархи ошиб бораёпти.

Ҳозир интернетдан дунёдаги таниқли адибларнинг истаган асарини санокли дақиқаларда чиқариб олиш имконияти бор.

Бир замонлар пойтахтимизда бир йил Осиё, Африка ва Лотин

Америкаси кино ижодкорлари фестивали бўлиб ўтса, кейинги йили худди шу қитъалар ёзувчи ва шоирларининг халқаро анжуманлари, мушоиралари ташкил этилар эди. Келган ёзувчи ва шоирлар китобларининг адади 200-300 нусхадан ортмаслигини кўриб, таажжубдан ёқа ушлар эдик.

Сўзларимни ажойиб адиб ва адабиётшунос Аҳмад Аъзамнинг “Тил номуси” (Тошкент “Akademnash”, 2013) китобидаги мисол билан давом эттирсам:

“Саксон еттинчи йилмиди, ёзувчилар уюшмасига Париждан “Акссион поэттик” деган журнал вакиллари келди. Улар билан танишдик, суҳбатлашдик. Гапдан гап чиқиб, қайсимиздир бизда Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповнинг шеърий тўпلامлари саксон-юз минг нусхада чоп этилишини айтган эди, французлар анграйиб қолди.

“Сизларда қанча нусхада босилди?” – деб қизиқдим, э-э, буларни тоза уриб кетган экан-ку деган маънода. Улардан бири: “Юз-икки юз нусхада. Буни ҳам шоирнинг ўзи чоп қилдиради, ёру дўстларига таркатади, ўтса, яна чиқаради. Катта тираж беш юзга боради-да”, – деди. Мен ажабланиб: “Дунёга машҳур шоирларингиз ҳам шу аҳволдами?” – деб сўрадим.

“Ҳа, мен буюкларни айтаяпман”, – деди. “Шеърият бундай бўлса, прозанинг аҳволи қандай? Масалан, Францияда яшаётган Нобел мукофоти лауреати Семейюэл Беккет асарлари қанчадан босилди?” – деб сўрасам, “Беккетни уни тушунган одамларгина ўқийди. Булар ҳам кўп эмас. Беккет театри ҳам бор, унга эллик-олтмиш хос мухлисларгина тушади”, – деди. Мен Чингиз Айтматовни сўрадим, “Унинг асарлари катта тиражларда босилар экан-ку сизларда ҳам?” деган саволимга: “Ҳа, Айтматов катта тиражда босилади. Лекин у бестселлер”, – деб гапни лўнда қилди” (81-82-бетлар).

Ўзимни жабрдийда қилиб

кўрсатмоқчи эмасману кейинги йилларда ўндан ортиқ шеърий ва насрий тўпلامларимни турли нашриётларга олиб бордим. Нархи осмонда. Орадан йиллар ўтиб, уларнинг деярли барчасини қайтариб олдим. Фарзандларимни ўқитдим, оила, рўзғор ташвишлари, дегандай. Айрим катта-катта пулдор ташкилотлар раҳбарларига шеър бағишлаб китоб чиқаришга эса ҳеч уқувим йўқ. Бу билан шундай қилаётганларнинг устидан кулмоқчи эмасман. Адабиёт ҳар қандай шахсий манфаатлардан устун ва холи бўлиши керак-ку, ахир...

“Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида, “Шарқ зиёси” ва бошқа газеталарда мунтазам қатнашиб келаман. Машқларни қанда қилганим йўқ.

Шу пайтгача чиққан китобларим ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Уларни тўғри қабул қилдим. Ҳар кимнинг ўз қаричи бор, албатта.

Мақтаниш ёки катта кетиш эмас-ку, раҳматли шоир дўстим Назар Шукур хотирасига бағишланган “Юксакдаги дарахт” ҳужжатли қисса ҳақида Қашқадарёда, Навоийда, пойтахтимизда анча-мунча самимий муносабатлар билдирилди. Хатоларим ўзимники, агар бор бўлса, ютуқларим, озми-кўпми, китобхонларники. Бу тўпلامларимдан кўнглим тўлди, дегани эмас.

**— Хотираларда ўқиймиз: бир вақтлар шоирлар варанглатиб шеър ўқишган, тингловчилар олқишлаган. Бугун бу ҳол йўқ. Бунга баъзилар ҳозир шеърни ҳамма ўзича – телефонда, компьютерда ўқийди, эшитади, деб изоҳлаши мумкин. Лекин бошқа ҳолат ҳам бор: бугун даврада шеър ўқишга кўпчилик ийманади. Шуни сиз ҳам сезганмисиз? Бунинг сабаби нимада?**

— Ҳа, айтганингиздек, бир вақтлари шоирлар варанглатиб

шеърлар ўқишар эди. Ўтган асрнинг 70-йилларида бир машҳур шоир Тошкентга келиб, “Залда беш минг киши бўлмаса шеър ўқимайман” деб туриб олади.

Билмадим, Тошкентда қандай, лекин жойларда мушоиралар, олқишлар ҳамон авжида. Масалан, Навоий давлат педагогика ва кончилик институтларида шундай. Бу олий таълим даргоҳлари ўқитувчиларининг аксарият қисми шоир. Уларнинг шоирликка асло даъвоси йўқ...

Айтганингиз тўғри: ҳозир ҳамма телефонда, компьютерда ёзади, ўқийди, тинглайди.

Қуйидаги мисол жойига тушадими-йўқми, билмадим. Бир пайтлари университетдаги домламиз – масалчи шоир Мухтор Худойкулов янги масал ёзиб, бизга ўқиб бергани ёдимда. Унинг мазмуни шундай: “Бир курка тўқай тўрида учиш назарияси бўйича бургут полапонларига узундан-узук лекция ўқийди. Семестр якунида имтиҳонларни аъло ва яхши баҳоларга топширганларнинг қувончи чексиз. Домланинг ҳам кайфияти зўр. Нега аъло бўлмасин, ахир, шогирдлар ҳаво сокин ёки турли даражада шамол турганда неча градус бурчак остида қанот ёзиш кераклигини яхши ўзлаштириб олишди.

Курка хурсанд ҳолда сўнги саволини ўртага ташлади:

– Кимда қандай савол бор?

Охирги қатордаги эндигина тухумдан чиққан полапон ўнг қанотини кўтаради. Устоздан ижозат бўлгач, савол беради:

– Домла, ҳаммаси яхши бўлдию, шу...

– Хўш?

– Би-и-ир учиб кўрсатмадингиз-да, устоз!

Домланинг ҳамон шашти баланд:

– Учишни бошқа домладан ўрганасизлар!

Шу билан семестр якунланади...”

Вилоятимизга бир шоир келди. Теша тегмаган саволлар, қутилмаган жавоблардан ҳамма ҳайратда.

Тадбир ниҳоясида зал адоғидан бир қиз шоирдан шеър ўқиб беришини илтимос қилди.

– Ҳамманг мана бу китобимдан сотиб олгансан, тўғрими?

– Ҳа! – залнинг турли жойларидан узук-юлуқ товушлар эшитилди.

– Уйга бориб, ёнбошлаб бемалол ўқийверасанлар! Мен аэропортга шошаяпман!

Ҳар-ҳар жойда шап-шуп чапаклар... Шу билан шоир бирорта ҳам шеър ўқимай келган жойига жўнаворди...

Агар зерикмаган бўлсангиз яна бошқа бир мисолни айтсам...

80-йиллар ўрталарида бир тўйга бордик. Тўйни қайси бир тумандан келган 35-40 ёшлардаги киши олиб борди. Ишонасизми, қарийб икки-уч соат давом этадиган давра шиддатли шеърлар билан бошланди. Таклиф этилган созандаю хонандаларнинг тоқати тоқ. Тасаввур қилинг: “отарчи”лар “қистир-қистир”дан қолишаяпти. Раққосалар алаmidан аччиқ-аччиқ шароб ичмоқдалар. “Состав” “каттаси” тўй эгасига ўдағайлайди.

– Сизларга келишилгани бўйича тўлайман! – дейди тўй эгаси. – Мен бу йигитга ҳавасим кетиб олиб келганман. Қаранг, Эркин Воҳидовдан, Абдулла Ориповдан қандай зўр шеърлар ўқияпти!

– Биз қанча навалдан қоляпмиз! – жазавага тушади “катта”.

– Бўлмасам... Ҳозир, шунисини тугатсин! Ўзим айтаман!..

Шу орада чироқ ўчса бўладими... Давра раиси микрофонсиз шеър ўқийверди. Кейин товуши чиқмай қолди. Давранинг эркаклар ўтирган томонида “жангу жадал” авжида: шақару шуқур!!!

– Шеърни зўр ўқир экан-эй! – дейди бирови.

– Оч қоринга шеър ёқадими, ҳа, жигар...

Яна шақара-шуқур...

Ярим соатлар ўтди, чироқ ёнди. Мусиқа варанглаб, “Лаълихон” ҳаммани даврага чорлади: “кишан-кишан” бошланди. Қолганлар аланглайди: ҳалиги шеър ўқиган давра раиси кўринмади. Битта-иккитаси тўй эгасидан сўради, у елка қисди.

Раққосалар давра айланишга тушишди. Пуллар дарёси... Бунинг оти – “навал”...

Орадан анча вақт ўтиб, кимдир гап топиб келди. Ҳалиги йигит ҳув наридаги “Жигули” ичида маст бўлиб ётган эмиш... Эртасига маълум бўлди: бу ишни “отарчи-санъаткорлар” уюштиришибди... Шу-шу ўша йигит қайта тўйга чиқмайдиган бўлди...

Менимча, бугун кўпчиликнинг шеър ўқишга ийманишининг сабаби...

**– Ёзиш қачон эҳтиёжга айланади? Шоир учун ёзолмай қолиш нима?**

– Эшитгансиз... Искандарнинг шохи бор!.. Ёзиш ана шундай ўжар эҳтиёжга айланиши керак. Усмон Носирнинг сўнги кунларини хаёлан кўз олдингизга келтиринг... Менимча, ёзолмай қолиш шоир учун Усмон Носирнинг сўнги кунидир.

Шу пайтгача ёзганларим олтин суви югуртирилган байтлар эмаслиги ўзимга аён.

Шоир ёзолмай қолишидан Ўзи асрасин.

**– Адабиётнинг, ижоднинг, илҳомнинг илоҳийлиги ҳақида нима дейсиз? Шоирга илҳом қанчалик зарур?**

– Бунга Алишер Навоийдан, Лев Толстойдан, жаҳонга машҳур бошқа ижодкорлардан истаганча мисоллар келтириш мумкин. “Худо юқтирмаса, мол бозорига даллол ҳам бўлолмайди” деган мазмундаги гап бор. “Истеъдоднинг 99 фоизи меҳнат” деган ҳикматни эшитгансиз. Қолган бир фоизи юқоридан.

Бани башарга сув билан ҳаво, олов билан тупроқ қанчалик зарур бўлса, шоир учун илҳом ҳам худди шундай... Ўткир Ҳошимовнинг “Асар илҳом билан яратилиши керак” деган мазмундаги гапани яхши биласиз. Менимча, илҳом ҳолати ижодкорнинг қайсидир маънода Оллоҳга яқинлашишидир. Мендан ошириб таърифлайдиганларнинг ҳалолли бўлсин.

**— Бугунги кунда кўпчилик ижодкорлар, айниқса, ёшлар ижодида мадҳиябозлик кучайиб кетгандай. Ёш қизчалар, дейлик қўғирчоғи мушуги, ҳа, ана, дугонаси, онаси ҳақида ёзиши табиий-масми? Наинки, ватанпарварлик, унга жон фидо қилишни қаламга олса... Бу ҳол сохталликни келтириб чиқаришга ва алал-оқибат туйғуни ўтмаслаштиришга хизмат қилмайдими?**

— Бошқаларни билмадим, менбоп савол. Бунинг ҳаётий сабаби бор, албатта.

Гап шундаки, қарийб қирқ йилдан буён таҳририятимиз ҳузуридаги “Чашма” адабий тўғараги машғулотларини ўтказиб келаман. Тўғарагимизнинг собиқ аъзолари туманимиз, вилоятимиз, республикамиз миқёсидаги турли матбуот нашрларида, радио ва телевидениеда, бошқа соҳаларда қизғин фаолият кўрсатишмоқда. Кўпчилигининг неча-неча китоблари, таржима асарлари ёруғлик юзини кўрган. Улардан бир неча нафари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Тўғарагимиз аъзоларининг аксарият қисмини шоира, қизлар ташкил этади. Агар вақтингизни олмасам, журналхонни зериктирмасам, иккита мисол келтирсам майлими?

**— Марҳамат!**

— Раҳмат! Йигирма йилча илгари 2–ёки 3-синфда ўқийдиган бир қизалоқни отаси таҳририятимизга етаклаб келди:

— Қизим Ватан ҳақида шеърлар ёзган. Ўшаларнинг тўрт-бештасини Тошкентга юбормоқчиман!

— Ҳали шошмай тулинг, вақти бор! Қизимиз тўғарақдаги акаларига, опаларига етиб олсин. Қўли келгач, Сиз айтмасангиз ҳам нафақат Ватан ҳақидаги, балки бошқа шеърий машқларини ҳам ўзим республика газета ва журналларига юбораман! — Сўнг қизалоққа юзландим:

— Уйингда олма дарахти борми?

— Сизга неччи кило олма керак! Ҳозир келтириб бераман!

— деди у.

Орадан икки-уч кун ўтиб яна келди:

— Шеър чиқарадиган жой билан гаплашдим, “юборинг” дейишди.

— Онаси, олма дарахти, қўғирчоғи, товуғи, мушукчаси ҳақида ёзсин, демоқчиман.

Ота безовталанди:

— Нима, Ватан ҳақида ёзмасинми? Нега унга қаршилиқ қиласиз?

— Қизимиз улуғ Ватан туйғусини ҳозирча сиз ёки менчалик ҳис қилмайди-ку.

— Сиз нимани ҳам тушунардингиз! — деди отаси.

— Ҳали ҳам кеч эмас, юборманг! Қўли тўғри бўлсин! Шошқалоқлик қилманг!

— Э!..

Эртасига у менга кўнғироқ қилди:

— Юбордим!

— Оббо!..

Икки-уч ҳафталар ўтибми, у сувга тушган латтадай бўлиб келди...

— Хўш?

— “Шеърларингизни олдик, ёзаверинг!” деган жавоб хати келди.

— Шу билан қизингиз истейдодли бўлиб қолдими?

— Совға-повға юборишадими, деб ўйлаган эдим.

У индамай чиқиб кетди... Қизи тўғарагимизга қайта қадам босмади...



Иккинчиси эса қуйидагича: мактаблардан бирининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари иккита папкани столимга қўйди:

— Еттинчи синфда ўқийдиган бир қизимиз зўр шеърлар ёзиб, тўплам тайёрлаган. Мана буниси лотинда, буниси кириллда. Отаси нашриёт билан гаплашган. Сўзбоши ёзиб берасиз. Китоб қилиб чиқарамиз!

Папкаларни очдим...

— Домла, шошмаяпсизми?

— Йўқ, нимаиди?

— Мен ҳозир...

Кўшни кабинетга ўтиб шоир, таржимон Вафо Файзуллоҳнинг “Жон йўли” шеърий тўпламини келтирдим-да, папкалар устига қўйдим:

— Буниси лотин имлосида, буниси кириллдагиси!..

Муаллима аввалига ҳайрон қолди, сўнг китобларни варақлади, папкаларни очди, солиштириб кўрди. Ҳалиги қиз китоб муқовасидаги муаллиф ўрнига ўзининг исми шарифини қўйган, тўплам номи ўзгарган. Қисқаси, китобни нуқта-вергулигача кўчириб олган.

— Кечирасиз!..

Муаллима кўзда ёш билан чиқиб кетди. Кейин эшитсам мактабга қизнинг ота-онасини чақиртириб, муҳокама қилибди...

Афсуски, бундай мисоллар битта-иккита эмас.

Шундай ҳолда ҳис-туйғулар қандай ўткирлашсин? Ҳар қандай шароитда ҳам ёшларга тўғри йўл кўрсатиш бизнинг вазифамиз. Улардан умидимиз катта.

— **Адабиётнинг жамиятда туган ўрнини сиз қандай тасаввур этасиз ва адабиётимизда қандай аънаналар давом этишини, қандай иллатлар барҳам топишини истар эдингиз?**

— Кўнгилга ўтиришадиган савол, унга жавоб қайтаришим шарт ва зарур, албатта.

Эрнест Хемингуэй “Чол ва денгиз” асари учун олган ўша Нобель мукофотини. Нега айнан шу қисса учун? Негаки, бу мўъжаз асарда инсон матонати улуғланди.

Адабиёт – адаб, одоб. Адабиётсиз жамият бир қадам ҳам олға силжимади. Менга қолса, жамият улкан машина бўлса, адабиёт уни ҳаракатга келтирувчи куч.

“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Навоий”, “Улуғбек хазинаси”, “Юлдузли тунлар” асарлари миллий адабиётимизнинг ноёб дурдоналари. Уларда аънаналаримиз бетакрор ёрқин бўёқларда муҳрланган. Табиат тасвири, қаҳрамонлар портрети...

Кейинги йилларда яратилган айрим насрий асарларда қаҳрамоннинг асл қиёфасини илғай олмайсиз.

Раҳматли Аҳмад Аъзам вафотидан бир ҳафтами-ўн кун илгари кўнғироқ қилиб қолди.

— Нималар ёзаяпсиз? – сўрадим ундан.

— Ҳа, шу, соғлиқ...

— Хабарим бор, лекин сиз бекорчи эмаслигингизни яхши биламан.

— Бир нарсалар қоралаяпман, жўра. Асар диалоглардан иборат бўлади. Табиат манзаралари ҳам, қаҳрамонлар портрети ҳам суҳбат жараёнида очилиб бораверади...

Аҳмаднинг бу қўлёзмаси ниҳоясига етганми-йўқми, билмайман.

Тўғриси, ҳозир яратилаётган асарларнинг айримлари жаҳон адабиётининг баъзи намуналарига тақлиддан бошқа нарса эмас.

Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад асарлари бундан мустасно. Ҳақиқий миллий асаргина ўз эътибори, қадрини топади, ўша машҳур масалда айтилганидай: “Тарихда мисоллар жуда кўп бунга...”

Дарвоқе, иллатлар ҳақида... Ўрик, гилос, олмалар пишиши билан оиламиз бекалари улардан мураббо тайёрлаб, қишга олиб қўйишади. Агар “банка” талаб даражасида қайнатилмаган, мewa-чева яхши ювилмаган бўлса, вақти-соати билан ўша “банка” қопқоғи албатта “отилади”. Мабодо, қопқоқ отилмасдан аввал кимдир уни истеъмол қилса, заҳарланиши, шубҳасиз. Хоҳ каттами-кичикми, бундай “асар” ўқувчи қалбини заҳарлаши табиий.

Мазмуни ҳамду санолардан иборат, ялтироқ муқоваларда чоп этилган ана шундай “китоб”ларни кўрганимда Абдулла Қаҳҳорнинг “Бу асарни “дўппимни ҳидлаб-ҳидлаб ўқидим” деб ёзгани ёдимга тушади. Жасоратли адабиётшунос олим, ҳозирги замонавий тил билан айтганда, битта таҳлилий мақола билан ана шундай “китоб”ларнинг “жойини кўрсатадиган” Озод Шарофиддиновни эслайман...

Қани Озод акадай адабиётшунослар!

Биз улкан тараққиёт асри фуқароларимиз. Айни шу кунларда Саҳрои Кабирда улфатлари билан гап-гаштак, масалан, пивохўрлик қилиб ўтирган Мажнуннинг (Худо кечирсин!) Такламакан чўлларида сочини қирқтириб, қошларини тердириб, (Астағфурulloҳ!) дугоналари билан “кола” ичиб турган Лайлига SMS орқали севги изҳор қилишини бир тасаввур этиб кўринг... Бу ақлга сиғадими?..

Гапни кўпайтирмай. Менимча, иллатлар ҳақида адабиётшунослар гапиргани маъқулмикан... Чумчуқ сўйса ҳам...

— **Бугунги ўзбек адабиётини янада ривожлантириш учун нималар қилиш зарур деб ҳисоблайсиз?**

— Менга қолса, айрим ёзувчи, шоирларимиз манманлик, кибру ҳаво, маҳаллийчилик осмонидан бир замонлар уларни улғайтирган ерга қайтиб тушсалар...

Ойдаими-йилдами, озиб-ёзиб вилоятлардан пойтахтга бир бо-риб қолган, нашриётлар эшигида саргайиб турган ижодкорларга ҳам одамдай муомала қилсалар, ҳеч бўлмаса, ўзбекчилигимизни унутмай, одамдай саломлашишга одатлансалар... Ҳаддингиз сиғиб, бир замонлар сизга таниш бўлган ижодкор ҳузурига борасиз... У эса... “осмонни ушлаб” турибди. Агар у кўйворса борми...

Давлатимиз томонидан адабиётимиз равнақи учун кенг имкониётлар яратиб берилмоқда.


Шоир, ёзувчи, умуман, ижодкорлар халқни эзгуликка бошловчи кишилар эканлиги аён ҳақиқат. Гоҳо “Ижодкорларнинг ахлоқ кодексини тузиш керакмикан?” деган хаёлларга борганимни билмай қоламан.

Нима бўлганда ҳам худо ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин! Ҳар ким ўз ажали билан ўлади. Ҳар ким ўз қўли билан ёзади.

Қолгани – ВАҚТнинг олий ҳуқмида...

Ҳурмат қилиб суҳбатга чорлаганингиз учун минг раҳмат!..

**Суҳбатдош – Фиёсиддин ЎНАРОВ**



# МАҲБУСНИНГ ИККИНЧИ ҲАЁТИ

Новелла



Неъмат АРСЛОН

1

Ҳар доим аввал ўзини ясайди Шодия. “Аёл олдин пайдо бўлган, чунки у эркакни туғади”, дейди. Ишонаман. Ҳақиқатан ҳам аёл бўлмаса эркак туғилмайди-да... Кейин мени ясайди ва кўрпача устига ётқизиб қўяди. Мана, Шодия ёнимда ётибди. Эғнида кўк бахмалдан нимча, сариқ шоҳидан этаги узун кўйлак, унинг остида мисқолгарди деган матоҳдан терлик. Докадек юпка, чорхона гулли бу матоҳни мисқолгарди деб аташарди аёллар, балки ҳозир ҳам аёллар лафзида бордир бу сўз, аммо болалигим ва ўсмирлигим ўтгандан кейин қайтиб кўрмадим бундай матоҳни.

Икки дона супурги чўпи, бир дона тугма ва бир уюм олақуроқ латтадан иборат менинг вужудим. Ҳавас ва завқу шавқ билан қарайман унга. Қора тиринкадан тикилган шимим ҳам, йўл-йўл кандир кўйлагим ҳам ўзимга қуйиб қўйгандай. Фақат юзимдаги сирлилик ўзимни бироз чўчитади. Оппоқ, жуда оқ, қордай менинг юзим. Оқ супур устида “Х” белгиси. Бу белги икки қатор қизил, уч қатор яшил ва тўрт қатор қора ипак қатими-

дан иборат. Маҳумлик ва тақиқ аломати бор бу белгида. Агар тугма топилмаса, Шодия менининг юзимни гулхайри мунчоғидан ясайди. Биз қалдирғочкулча буталари остидаги соя-салқин уйда яшаймиз. Бу уйни ўзим кўрганман. Эшик-дерзаси йўқ, том тепаси очиқ, фақат уй атрофи лой девор билан ўраб олинган. Уй тўрида олақуроқ кўрпа-ёстиклар икки қатор қилиб териб қўйилган. Бизни оҳанрабодек ўзига тортади фақат бармоқларимизгина сиғадиган бу уй.

Шодия одатдагидай бугун ҳам уйни супуриб-сидирди, нонушта ҳозирлади ва дастурхонга омин ўқилгандан кейин мени ишга кузатиб қўйди. Ишхонам икки қадам наридаги дарахт тагида. Мен сотувчиман, магазинда ишлайман. Вазифам нималигини аниқ билмаганим сабабли дарахт ортида бироз ўтираман-да уйга қайтаман. Биз “келин-куёв”миз. Тик турган ҳолда овқатланганимиздан сўнг хона ўртасида осмонга қараганча қўлларимизни кенг ёйиб ётамыз, ёки хона тўридаги тахмонга сунганча тик турамыз. Шодия тугма билан супурги чўпидан эркак ва

аёлни, сўнгра бир гала бола-чақаларни “халқ” қилган, яъни вужудга келтирган. Инсонни бунёд этиш унчалик қийин эмас: супурги чўпининг бир учига тугмани қўяди-да, бармоқлари билан қисиб ушлаганча бир парча оқ супур билан тортиб ўрайди: одамнинг юзи шундай ясалади. Қўлни яшаш бироз қийинроқ. Юзни ва қўлни ўз ўрнига ўрнаштиргунча мен ўзимнинг “оёғимдан” тутиб тик ҳолатда ушлаб тураман. Кандир, тиринка ва сатин қийқимларидан кўйлак-иштон кийдирилганидан кейингина мен одам суробига келаман. Ва шундан кейингина эркакка айланаман.

Шодия дунёда энг латофатли “аёл”. Айниқса, бошга киядиган заррин қасаваси жуда безакдор. Унинг қўғирчоқлик ҳаётини кўзда тутяпман. (Ҳаётда эса бечорага аёл бўлиш насиб этмади). Хуллас, ўзи яратган аёлни атлас қийқимларидан тикилган кўрпачага ётқизиб қўярди-да, сўнгра мени “бунёд этарди”. “Бу сен бўласан”, дерди ҳали кийим киймаган ва демакки одам қиёфасига кирмаган чўпнинг учидан ушлаб туриб. Ва лабларини қимтиганча ишга

киришарди. Нозиккина бармоқларининг чаққон ҳаракатига қараб турарканман, ўз шаклу шамо-йилимининг чиройли чиқишини истардим. Менга “тиринка” деган дағал матохдан иштон кийгизарди. Оёқларимни ушлаб кўрар, этагимни кўтариб шимимни ип билан маҳкам боғлар ва ётқизиб қўярди. Сўнгра ёнимдан ўзи жой оларди. Унинг либослари майин ва чиройли, сочлари кўнғир ва мафтункор. Бошида нафармон рўмол, унинг тагида сербар қасава. Шодия бундай нарсаларни ясашга уста. Бир бўлак латтани икки қатларди-да, ўртасига қаттиқроқ қоғоз парчасини қўйиб, қўғирчоқнинг пешонасига тортиб боғлар ва устидан рўмол ташлаб қўярди. Мехр билан безанган келиннинг қиёфаси менга Шодиянинг ўзидан ҳам жозибалироқ кўринар ва унинг ёнида жон-жон деб ётардим.

Бугун мен ҳар қачонгидан ҳам савлатлироқ ва кўркароқман. Эгнимда ола тўн, белимда са-

риқ рангдаги шоҳидан белқарс, бошимда кўк матохдан салла, иштоним ҳам бинойидек. Биз юмшоқ тўшак устида қўлларимизни икки ёнга ёзганча чалқанча тушиб ётибмиз. Энди Шодия ҳам, мен ҳам йўқмиз. Фақат қўғирчоқлар бор. Биз уларни ҳаракатга солиб турувчи кучмиз, холос. Қўғирчоқларнинг ҳаёти – ҳақиқий ҳаёт. Агар инсонга айлансак, бизни ҳаракатга солиб турувчи қўғирчоқлар таъсирига тушиб қоламиз.

2

Ё Парвардигор! Қаердаман ўзи?! Бир умр қўғирчоқ бўлиб қолсам бўлмасмиди? Ахир, менинг бошқа тилагим йўқ-ку. Битта чўп, бир дона тугма ва бир уюм латта. Ҳеч кимнинг ҳақини емайман, ҳеч кимга ҳасад қилмайман, мансаб деб елиб-югурмайман. Шунда мени ушлаб кетиша олмасди. Қўғирчоқлар учун на суд, на милиция бор. Улар ҳатто солиқ ҳам тўламайдилар.

Турманинг зах ва совуқ хонасида бурчакка тиқилганча чўнқайиб ўтирарканман, ҳаётимнинг энг бахтли лаҳзаларини эшлашга уриндим. Сон-саноксиз юзлар, башаралар, чехралар, афту ангорлар орасидан бир нарса ойдек балқиб кўринди. Танидим уни ва ҳаяжонланиб кетдим. Бутун вужудим “Шодия” деган сўз таъсирида яйраб, яйралиб ҳаво каби енгил тортиб, қўшилиб кетди коинот зарраларига. Мен бор овозим билан қичқирганча унга талпиндим: “Шодия!.. Шодия!..” Турма деворлари шаффоф тортиб мен ҳибсдан озод бўлдим ва ўзимни гуркираб ўсиб ётган ва жўшқин гуллаган қалдирғочкулча буталари орасида кўрдим. Мен яна қўғирчоққа айландим.

... Ўша ҳолатда – гўёки осмонни бағримга босмоқчи бўлгандек – қўлларимни кенг ёйиб чалқанча ётибман. Осмон эса узоқ, тубсиз ва беғубор. Беғубор... ҳақиқатан ҳам беғуборми болаликнинг ос-

Расмларни Оловиддин Собир ўғли чизган.



мони?! Ёки қачонлардир кимдир айтгану ҳамон ўзгаришсиз келаятган таърифми? Шодия ҳам ёнимда худди менга ўхшаб осмонга тикилганча ётибди.

– Эртага ишга борасизми? – дейди Шодия.

Индамай бош силкийман. Инсон табиатан ялқовликка мойил. Гоҳида бирор саволга “ҳа” деб жавоб беришга ҳам эрингандай бош силкиб қўя қолади. Яна Шодиянинг овозини эшитаман:

– Қайтишда нон олиб келинг...

Хўрсиниб қўяман. Рўзғорни таъминлаш учун эр сифатида темтиниб юрганимнинг ифодаси бу. Зеро, биз нондан бошқа егуликлар ҳам бўлиши мумкинлигини ғира-шира тасаввур қилсак-да, рўзғорнинг боши нон деб тушунамиз. Бироз жимликдан сўнг Шодиянинг хавотирга тўла овози эшитилади:

– Кеча... “Муаззамжоннинг пили сурати” хола келувдила...

Томоқ қириб қўяман. Бунда нозилик оҳанглари борлигини пайқайди Шодия ва индамай кутади.

– Янами?

Кўкрагим узра ёйилиб ётган сочларининг силкинишидан унинг “ҳа” маъносида бош силкиётганини англайман. Бу хола кунора келиб туради. Унинг Муаззам деган қизи бор. Картон қоғозга чизилган филнинг сувратидан бошқа бирорта жонзот уларга ҳамроҳ эмас. Бу ғариб оиланинг бор мулки ана шу фил суврати. Хола шу сувратни кўксига маҳкам босганча остонада пайдо бўлади. Боши ўнг елкасига эгилган, вужуди қаҳратонда қолгандек қунишган, лаби титраб турибди. Шу сабабли лабларидан учаётган нимжон сўзлар ҳам титроқ:

– Холанг айлансин Шодияжон... – Токи кўзлари намлангунча, баъзида икки томчи ёш милдираб тўкилмагунча сукут қилади хола, сўнгра давом этади: – Муаззамжоннинг пили сувратини олиб бир кафтгина ун берсанг...

Шодия ярим пиёла унни холага тутуди. Хола сувратни узатади. Шодия уни олмайди. Хола ерга эгилганча йўлга тушади. Кейинги кунларда хола келмай қўйди. Охирги марта “пили суврат”ни олиб келиб бир бўлаккина нон олиб кетганди.

– Муаззамжоннинг пили сувратига нима бўлдиқан? – сўрадим нимадандир хавотир олаётганимни яширмай. – Фили қочиб кетмадимикан?

Шодия елка қисди. Бир муддат бир-биримизга тикилганча жим қолдик. Сўнгра “хабар олиб келай қани”, деганча шоша-пиша йўлга тушди ва кўп ўтмай қайтиб келди. Кўзлари жиққа ёш. Хола оламдан ўтганини англадим.

### 3

Қулф ва калитнинг шақир-шуқирдан ўзимга келдим. Темир эшик даранглаб очилди. Икки нафар миршаб мени суриб-сурғалаб йўлакка олиб чиқди. Ҳар иккала томони темир эшиклар ва панжаралардан иборат нимқоронғи даҳлиз бўйлаб бордик. Елкасида поғони бор икки киши ўтирарди хонада. Пешоналарида қизил юлдуз. Саволга тутишди.

– Отинг нима?

– Остон.

– Фамилиянг?..

– Султонов.

– Неча йилга қамалгансан?

– Етти йилга.

– Нима айб қилгансан?

– Магазиндан, давлат магазинидан нон ўғирлаган, – жавоб берди менинг ўрнимга турма бошлиғи.

– Ўзим учун эмас, очдан ўлаётган бир бечора аёл учун... эри фронтда эди.

– Кимнинг магазинидан?

– Ўзим ишлардим ўша магазинда.

– Ҳимм... растрата!

– Шундай, – жавоб қилди яна менинг ўрнимга турма бошлиғи. –

Етти тийин камомати бор...

Кейин мени ҳовлига олиб чиқишди. Бу ерда юзга яқин, балки ундан-да кўп одам саф тортиб турарди. Темир йўл вокзалида ҳам тумонат одам. Ҳаммаси қамоқхона кийимида. Биз узоқ йўл босдик. Қаерга олиб боришаётганини ҳеч ким билмасди. Поезддан тушиб солдатлар қуршовида пиёда кетдик. Ҳаммаёқ оппоқ қор. Бутун вужудим титрарди совуқ қаҳридан. Ниҳоят бир тепалик олдида тўхташга буйруқ берилди. Шу ерда тепаликни айлантириб окоп ва траншеялар кавлашга киришдик. Тун тинч ўтди, аммо тонг отиши билан уфқда қорайиб душман аскарлари кўринди. Ва ҳадемай тепалик томон бостириб келаверишди улар. Шунда бизни окоплардан қувиб чиқаришди ўзимизникилар. “Олга!” деган буйруқ бўлди. Қўлларимиздаги бел ва пишанларни ўқталганча югура кетдик... Бамисоли кўрқинчли туш. Визиллаб учарди ўқлар, ингранганча йиқиларди одамлар. Мен ҳам йиқилдим... Юзтубан ётибман. Жароҳатим у қадар оғир эмас, шекилли. Шундай бўлса ҳам индамай ётавердим. Ажнабий бақариқ-чақариқлар. “Халт!” деган биргина сўз ёдимда қолди. Кимдир этиги билан қаттиқ туртди ва қичқирди: “Ауфштейн! Ауфштейн!” Хавф-хатар тугилганда ҳатто тулки ҳам ўзини ўлганга солади. Индамай ётавердим. Ўлган деб ўйлади, шекилли, устимдан босиб-янчиб ўтиб кетди бир гуруҳ солдат. Секин бошимни кўтаргандим йигирма қадамча нарида турган офицерга кўзим тушди. Қўлида тўппонча. Ҳеч шубҳасиз, мени пайқади ва тириклигимни ҳам билди. “Швайн!” дея дарғазаб бўлди немис офицери ва тўппончасини ўқталганча мен томон кела бошлади. Ажойиб бир фикр миямга келди шу лаҳзада. Барибир ўламан. Орадаги масофа тўрт-беш метрлар қолганда ўрнимдан сакраб турдим. Ва

қўлимни олдинга чўзиб, бор ғазабимни овозимга жойлаб баланд овоз билан қичқирдим:

– Ҳай Итлиф-фф!

Бир дам довдираб қолди офицер. Гитлерга соғлиқ тилаб турган кишини отиб ташлаш керакми-йўқми, шу ҳақда ўйларди, афтидан. Ва ниҳоят, пошналарини қарсиллатиб бир-бирига урганча шошиб жавоб қилди:

– Хайл!..

Ўнг қўлида қурол борлиги сабабли шошилишда чап қўлини кўтаргани ва бундай ҳаракат билан қонунни бузгани ёдига тушиб ғазаб билан вишиллади:

– Швайн!

– Ахтунг, панцер фрфлокт! – дея хайқирдим бор овозим билан. Аммо бу сўзлардан бирортасининг ҳам маъносини билмасдим. Чўчиб атрофга аланглади офицер. Ҳақиқатан ҳам бақириқ-қақириқлар авжига чиқиб, чанг-тўзон ва қора тутун борлиқни қоплаб, тепалик ортидан қаторлашиб келаётган танклар кўринди. Ўзбекиона таъриф билан айтганда ит эгасини танимасди. Олиб кетишди мени автомат қўндоғи билан турткилаганча. Аввал машинада, сўнгра поездда бегона юрт томон кетиб борардим. Тили, қиёфаси, дунёқараш, боринги, туриш-турмуши бутунлай бошқача, одамлар. Муқуллари ўйнаб турган баҳайбат бир немис қабул қилиб олди мени. Бу ер дала ҳовли эди афтидан. Дарахтзор, баланд девор, бир томони ўрмон.

...Мана, уч ойдирки, шу ерда чўчка боқаман. Бу бадхўр жониворлар учун бирорта тилнинг қадри ҳам, аҳамияти ҳам йўқ. Шундай бўлса-да, “швайн, швайн, халт!” дейман уларга қараб. Немис кулади. Ва “гут-гут” лаганча сигарета тутатади. Ишимдан мамнун. “Якши”, деб қўяди ҳар замон. Биламанки, ҳаётим шунинг қўлида. Ишлаб турган одам ҳамманинг кўзига яхши кўринади. Ана шу ақидага амал қиламан. Тинмай-

ман. Ҳамма жой саранжом-саришта. Орадан яна бир ой ўтиб Ҳанс мени уйига олиб кетди.

#### 4

Ўзим ҳам, меҳнатим ҳам унга маъқул бўлганини тушундим. Дарвозадан киришимиз билан бир гуруҳ ёш аёлларга кўзим тушди. Унча ёмон эмасди кўришим. Ҳанс меҳнат ҳақимга пойабзал ва костюм олиб берган. Шу боис аёллар олдида унчалик хижолат чекмадим. Улар зўр қизиқиш билан кузатарди мени. Афтидан, Ҳанс уйига хабар қилган, уйдагилар ва кўни қўшнилар асир тушган “қизил солдат”ни кўриш иштиёқида тўпланган эдилар. Ҳанс аёллар олдида мени намойишкорона олиб ўтаркан, қармоғига энг катта лаққа балиқ илинган овчи қиёфасига киргани назаримдан четда қолмади. Бадавлат одам эди, афтидан, менинг соҳибим. Иккаламиз боғни айланиб томоша қилдик. Олмалар ширага кира бошлаган. Аммо узумлар ҳали хом. Молхонани ҳам кўрсатди менга. Қарийб ўн беш-йигирма қорамол жойлашадиган оғилда фақат битта хўкиз боғлаб қўйилган. Вазни ҳам чамамда бирор тонна бор. “Ҳаммаси сеники, ҳатто Астерий ҳам”, деди Ҳанс бақувват қўли билан хўкизга ишора қилиб. Назаримда немислар ҳазилга у қадар уста эмас. Ҳанснинг ҳазили ҳам жиддийроқ туюлди менга. Бу тилда сўзлар шиддатли, товушлар кескин, талаффуз аниқ. Душман билан немис тилида гаплашмоқ керак деб бекорга айтилмаган. Шунга қарамай, Гёте ва Шиллернинг шеърларидаги нафосат ва нозикликни ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Яна бир жиҳати борки, немисларда буюк олим ҳам, буюк шоир ҳам ҳамиша муштини ишга солишга тайёр. Шарқона тавозе ва яна нимадир йўқдай бу халқда. Тилининг кескинлиги ҳам шунданми

деб ўйлайман. Хуллас, энди менинг катта боғим ва катта хўкизим бор. Ва лафзимда фикримни тушунтиришга етгулик немисча сўзим бор. Ҳанснинг юзига қараб уруш тарозуси қай томон оғаётганини англашга уринаман. Ёнига яқинлаштирамайди мени Астерий. “Шар” дейишади бизнинг Мираки томонларда бунақа жониворларни. Билмадим, қандай ўйинлар кўрсатаркан мабодо ечилиб кетгудек бўлса бу шохдор жонивор.

Бир ойдан кўпроқ вақт ўтди орадан. 21 июль. Бекамиз Аглаида хонимнинг таваллуд куни. Боғ ўртасидаги ўтлоқда зиёфат дастурхони ҳозирланди. Меҳмонлар қарийб йигирма киши бор. Ҳанс ва бир мункайган чолдан бошқа ҳаммаси аёллар. Оқшом палласи жой талашаётган майналардек чуғурлашарди улар дастурхон атрофида ўтириб. Бу пайтда мен дарахт устида туриб олма терардим. Ногоҳ оғил эшиги қарсилланганча очилиб кетди ва Астерийнинг баҳайбат шохли боши кўринди. Ўтлоқ саҳнида ўтирган одамларни кўрди жонивор ва ўйноқлаганча шиддат билан югуриб кела бошлади. Чор тарафга қочди саросимага тушиб қолган меҳмонлар. Шу келишда базм столини тагидан шохи билан илиб осмонга кўтарди хўкиз. Ва идиш-товоқларнинг жаранг-журинги садоси остида олға югурди. Қий-чув кўтарганча паноҳ истаб уй томон қочиб боришарди аёллар ва болалар. Шохи атрофини ва пешонасини охир бурчагига, занжир боғланган қозиққа ёки бошқа бирор учли нарсага ишқалаш одати бор бу жониворларнинг. Астерий ҳам занжир сиқувидан озурда бўлган ва қичиётган шохларининг тубини ана шундай ишқалайвериб занжир ҳалқасини узиб юборган ёки бўшатган эди, афтидан. Хуллас, Астерий қочиб бораётган издиҳом орасидан Ҳанснинг ўн уч ёшли қизини танлаган ва қизнинг лоларанг юбкасидан бошқа ҳеч



нарсa кўринмасди унинг кўзи-га. Қиз қаттиқ чинқирганча мен олма тераётган дарахт тагидан жон ҳолатда югуриб ўтди. Кўзи қонга тўлган Астерий уни таъқиб этиб келарди ҳамон. Қиз қочиб бораётган томонда эса нажот эшиги берк. Кўшни уйнинг баланд деворидан ошиб ўтиш иложсиз. Астерий ҳадемай унга етади ва қудратли шохлари билан... Ногоҳ унинг рўпарасида ҳай-ҳайлаганча Ҳанс пайдо бўлди. Аммо шу лаҳзада нафақат филдай Ҳанс, балки Африка фили бўлса ҳам шохига илиб отишдан қайтмасди Астерий. Шундай бўлди ҳам. Бир ҳамла билан йўлидаги тўсиқни итқитиб ташлаб, қизил юбка томон йўлини давом эттирди. Оний лаҳзаларда рўй берди бу воқеа. Ва мен нима қилаётганимни ўзим ҳам англамаган ҳолда дарахт шохидан ерга сакрадим, балки йиқилиб тушгандирман. Мана, ҳўкиз Астерий ва одам Остон юзма-юз. Оёқларини ерга тиради шиддат билан югуриб келаётган Астерий ва рўпарасида турган жонзотнинг кимлигини, нималигини, кучини ва бошқа жиҳатларини аниқлаб олмоқчидай таққа тўхтаб, ногоҳ осмондан тушган жонзотга қараганча бир зум қотиб қолди. Албатта, унинг ййлаб олиши учун бир дақиқа эмас, балки бир сония етарли. Шундан кейин шохи билан илиб осмонга отади мени ва яна йўлида давом этади. Албатта, бундай паллада энг машҳур испан матадори ҳам ҳеч нарсa қилолмас ва унинг қўлидаги пичоғию қизил латтаси ўзининг қонига беланган бўларди. Оёғини ерга тираганча бошини баланд кўтарди Астерий, қаттиқ пишқирди. Ва мени мўлжалга олди. Бу лаҳза астерий учун ҳеч нарсa, аммо мен учун жуда қимматли. Қочишга улгурмайман. Ўзимни бир ёнга ташлаб йиқилиб қолишга улгурган тақдиримда ҳам Сафина омон қолмайди. Сафинанинг ўлими – менинг ўлимим. Шундай ҳолат юз берса, мен

ҳам тирик қолмайман. Ҳанс мени омон қўймайди. Чунки Астерийга қараш менинг ихтиёримга топширилган. Унинг занжирини мендан бошқа яна ким ечиб қўйиши ва бу қизиқ томошани ҳўкизбоқардан бошқа ким ҳам уюштириши мумкин!? Ана шу фикрлар миямда яшин тезлигида чарх ураркан, қўлим ҳам яшин тезлигида ҳаракатга келди ва мен икки бармоғим билан Астерийнинг бурун каррагидан тутдим. Ва қаттиқ қисдим. Агар билсангиз, ҳўкизларнинг



ахелис товони, яъни энг заиф жойи – бурун карраги. Мен ҳеч қачон бундай қилиб кўрмагандим, аммо қассоб амакимнинг шу йўл билан ҳар қандай ҳўкизни бўйсундиришини кўп кўргандим. Бошини илкис кўтарганча тек қотди Астерий. Биринчи бўлиб Ҳанс ўзига келди ва қандай мўъжиза рўй берганини билиш учун ўрнидан туриб кўрқа-писа биз томонга бир неча қадам қўйди. Англадимки, қўлимнинг ҳар қандай нозик

ҳаракатига ҳам бўйсунди энди бу баҳайбат махлуқ. Ва мен тантанавор бир алпозда ҳўкиз бошини Ҳанс томон бурдим. Ранги оқариб кетди унинг ва беихтиёр ортга тисарилди. Энди уй деворининг ташқи бурчаги билан зинапоя ортида тўпланишган ва беркинган жойларидан мўралашарди аёллар. Мен Астерийни оғил томон етакладим ва майса билан қопланган ҳовли бўйлаб тантанавор киёфада аёллар ёнидан олиб ўтдим. Оғил-

дан чиқишим билан меҳмонлар ва хонадон соҳиблари даврасига тушиб қолдим. Ҳанс ҳамон титраб-қақшаётган қизини қучоқлаб турар ва унга тинчлантирувчи қандайдир суюқлик ичирарди.

– Сиз испанмисиз? – сўради ўттиз ёшлардаги латофатли бир хоним табассум билан. Қўрқувдан ўтакаси ёрилаётган оломоннинг биринчи саволи шу бўлди.

– Найн, их бин узбекиш. – Жавоб қилдим нафақат қутурган ҳўкиз устидан, балки бу оломон устидан ҳам тўла ғалабага эришганимни ҳис этиб немис тилида.

– Ўзбекларда сеҳргарлар кўпми?

– Матадорлар-чи?

– Балки сиз бирон-бир дуо ўқигандирсиз?

– Қандай дуо ўқидингиз?

– Астерий сизни тушундимиз?

– Агар Астерий яна чиқиб келса, шундай қила оласизми?

Бу саволдан кейин гўё Астерий яна чиқиб келадигандай кўрқув билан ҳамма оғил томонга қаради.

– Я, я, – деб оғил томон юра бошлагандим, “найн, найн” деганча бир аёл мени маҳкам қучоқлаб олди. Кейин бирдан хурсандчилик бошланиб кетди. Ҳанс столларни яна жойига ўрнатди ва қайтадан дастурхон ҳозирланди. Энди мен давра тўрида, Аглаида хонимнинг ёнида ўтирардим...

5

Уч йил ўтди орадан. Сафина энди ўн етти ёшда. Уруш тугаган. Сафинанинг амакиси, яъни мени асирга олган офицер жангдан қайтмади. Унинг русларга асир тушганлиги ҳақидаги хабар Ҳансни ва унинг оиласини чуқур қайғуга солди. “Бўлар иш бўлди, энди сен укам ўрнида укамсан, Ҳерманнинг хонасида яшайсан”, деди кунлардан бир кун Ҳанс. Жуда ноқулай сездим ўзимни ва бу таклифга рози бўлмадим. Ҳерман яшаган хонани унинг уй-му-

зейига айлантиришди. Кейин билсам, Ҳерман дурустгина шоир экан, унинг ёзган шеърларини ўқиб таъсирландим ва баъзиларини ўзбек тилига таржима қилиб Сафинага ўқиб бердим. Бизнинг тилимиздаги “ҳаё” деган сўз қизга жуда ёқиб қолди. Бунча майин, бунча оҳангдор дея қайта-қайта такрорлар ва бу сўз маъносини сўрарди. Афсуски, немис тилида бу сўз мазмунини меъёрига етказиб тушунтира олмадим. Шундай бўлса-да, мени кўрдими, худди саломлашгандай “ҳаё-ё-ё” деб қўядиган бўлди қизгина. Немисларда ҳам худди бизникидай “х” товуши бор. Шу сабабли бу сўзни жуда чиройли қилиб айтарди Сафина. Бўлиққина, сербурим ва серчизик ҳамда ҳиссиётга тўла ва жуда сезгир лаблари худди ҳуштак чалаётгандай йиғрилар, қошлари ҳам муҳаббат мавсумида рақс тушаётган қора илончалардай бир-бирига яқинлашиб бош кўтарганча титраб турарди. Одатда биз боғдаги баҳайбат дуб соясида ўтирар ва турли мавзуларда суҳбатлашардик. Ана шундай суҳбатларнинг бирида яна ўзбеклар тўғрисида сўраб қолди. Бизнинг қизларимиз кўпроқ қизиқтирарди уни.

– Ўзбек қизлари қандай бўлади, кимга ўхшайди?

– Сенга. “Ҳаё” деганда худди бизнинг қизларга ўхшаб кетасан.

– Ибо десам-чи?

– Ўхшайсан.

– Ноз десам-чи?

– Ўхшайсан.

– Таман-но десам-чи?

– Бўлиб айтма. “Таманно” де...

Аммо қулоқ солмасди у ва аёллар аффектига, одатига, юз ифодасига хос сўзларни сўрайверарди. “Иффат”, “фиروق”, “карашма” каби сўзларни қийналиб бўлса ҳам талаффуз қилар ва аёллар руҳий ҳолатини ифодаловчи сўзларнинг бу қадар кўплигидан ҳайратланарди ҳам. Кўп ақлли ва билимли эди қизгина. Боғ адоғи-

да сайр қилиб юриб ногоҳ қалдирғочкулча бутасига дуч келиб қолдим бир куни. “Қалдирғочкулча! Қалдирғочкулча!” деган нидо отилиб чиқди бўғзимдан ва мен ёввойи гиёҳ пойига тиз чўқдим. Ёнимда Сафина борлигини тамом унутгандим шу лаҳзада. Тамом ёлғиз эдим. Қалдирғочкулчани бағримга босдим, унинг бинафшарангга мойил гулларини беқарор бир тарзда ҳидлай бошладим. Вужудимдан сирқиб келаётган ҳиссиётлар қайноқ ёшга айланиб кўзларимдан оқаётганини сезмасдим.

– Нима бўлди сенга, Остон?! – ҳаяжонини босолмай қичқириб юборди Сафина.

Гул бутасини яна ҳам маҳкамроқ қучоқладим мен.

– Остон!.. Остон!.. Остон!..

– дея елкамдан қучар ва вужудимни гул бутасидан ажратиб олмоқчидек силкиларди қизгина. Индамай ўрнимдан турдим. Қизга қарашга юзим чидамади. Ўнғайсизландим. Ва таскари қараганча муштларим билан кўзларимни ишқалаб туравердим. Кейин анча жойгача индамай бордик.

– Нима бўлди? Нега йиғладинг? – дея яна сўроққа тутди Сафина.

– Сенга тушунтира олмайман, – дедим чуқур хўрсиниб.

6

Қандай қилиб унга тушунтирсам деб ўйлаб юрдим. Бизда ҳам шунақа гиёҳ ўсади, болаликда унинг тагида ўтириб ўйнардик, қўғирчоқлар ясардик, Қалдирғочкулча уруғидан мунчоқлар қилиб, қўғирчоқларимиз бўйнига тақиб қўярдик десам, ўша кунги ҳолатимни оқламайди ва қизнинг кўнглида ғубор қолади. Ана шундай хаёллар билан бир куни оғилхона бурчагида ўтириб қўғирчоқ яшашга киришдим. Латта-путта қийқимлари кўп эди бу ерда. Жуда чиройли чиқди қўғирчоқ. Аёл кўринишида, кийимлари

пўрим, бошида бинафшаранг қасава, унинг устидан сариқ шоҳи рўмол. Этаги узун парпари кўйлаги ва қора хошия тутилган кенг энги айниқса жозибали. Белида заррин камар... Эртага қўғирчоқни унга совға қиламан. Дарвоқе, эрта унинг сўнгги имтиҳони. Ўлкашуносликми ёки музейшуносликми бўйича университетга имтиҳон топширяпти. Туни билан хонасида чироқ ўчмади. Нурафшон деразага қарай-қарай ухлаб қолибман. Эрталаб уйғонганимда Сафина шаҳарга жўнаб кетганди. Орадан уч кун ўтиб қайтди. Бутун оила уни табрикладик, шунда мен бошқалар олдида совғамни топширишга журъат этмадим ва қулай фурсат кутдим. Боғ адоғида хилват гўша бор. Чирмовиқ гуллар билан ўралган яшил томча. Сафинанинг севимли гўшаси. Хонадон аҳлида шубҳа туғдирмаслик учун ҳадеганда у ерга боравермасдим. Астерийга ўт олиб келиш баҳонасида ёлғизоёқ йўлак бўйлаб яшил томча томон юрдим. Ёғоч скамейкада ўтирарди у. Кўзлари юмиқ, киприклари ёйилган қуш қанотидай бўлиб юзига соя солиб турибди. Қизил чорхона матоҳдан тикилган кўйлагини скамейкага ёйиб ташлаган... Шарпамни пайқаб кўзларини очди ва илкис ўрнидан турди. Нимадандир қаттиқ хаяжонланарди. Худди кўзларини юмиб хаёлига келтирган ҳолат энди рўпарасида тургандай. Қиз худди мени бағрига босмоқчи бўлгандек қучоғини кенг ёйди-ю, бунга журъати етмагандай яна жойига ўтириб олди.

– Сафина, сенга совғам бор...

Киприклари пирпираб кетди унинг ва савол назари билан кўзларимга тикилди.

– Мана!

– Вой. Ажинача! Ажиначагинам!

– Қўлимдан олди қўғирчоқни ва бағрига босди. Кейин ўзидан узоқроқ тутиб қаради. – Қаердан

олдинг? – деди таажжубланганини яширмай.

– Ясадим.

– Ростданми? Ўзинг ясадингми?

– Ҳа,

– Мен учунми?

Бош силкиб тасдиқладим.

– Оти нима бу ажиначанинг?

Қўғирчоққа ном кўйиш ҳақида ўйлаб кўрмагандим. Нима дейримни билмай тараддудландим. Турли, туман исмлар келди хаёлимга, аммо улардан мосини танлашим қийин кечди. Ва бироз давом этган сукутдан кейин қўғирчоқнинг номини айтдим:

– Шодия.

– Шодия?.. Йўқ, Ажинача бўлақолсин... – деди Сафина ўтингансимон.

– Хоҳишинг...

Майса устига чўзала тушиб парпираб нур таратаётган деразага қараб ётдим. Шу сонияда унинг нима қилаётгани, нималарни ўйлаётгани ва қандай ҳолатда турганини кўз олдимга келтиришга ҳаракат қилар ва жўшқин хаёлларга берилардим. Ниҳоят дераза пардасида навнихол қомати акс этди унинг. Қўлида ниманидир тутиб турибди. Юрагим ҳаприқиб ўрнимдан туриб кетдим. Қўғирчоқ! Ўша мен совға қилган қўғирчоқ! Сафина қўғирчоқни дам бағрига босар, дам унинг либосларини силаб-сийпалар, дам кўксига босиб боласини овуатаётган онадек у ён-бу ёнга тебранарди. Лабларининг ҳаракатига қараганда алла ҳам айтмоқда эди, афтидан...

7

...Шундан кейин орадан кўп йиллар ўтди. Германиядан қайтганимдан кейин яна қамашди мени. Яна қийноқлар ва сўроқлар... Гапнинг қисқаси, 1955 йили озодликка чиқдим. Қишлоқлар қиёфаси ҳам, ҳаёт ҳам тамом ўзгариб кетибди. Ҳеч ким танимади мени. Қишлоқ қабристонини атрофида

айланиб юрган бир қариядан Шодиянинг қабрини сўрадим. Биз майсалар гуркираб ўсиб ётган кичкина тупроқ тепача олдида тўхтадик.

– Мана шу.

– Янглишмаяписизми?

– Аниқ биламан. Ўни қабрга кўйишаётганда отамнинг орқасидан эргашиб келгандим. Қўлимдаги тол чўпни олиб белги бўлсин деб қабр бошига қадаб кўйгандилар отам. Мана ўша чўп кап-катта дарахт бўлибди.

– Нега “бўлибди” дейсиз, ўзингиз бу ерлик эмасмисиз?

– Аслида шу қишлоқликман. Урушдан олдинроқ қамалиб кетгандим.

– Қандай айб билан?

– Ёмон вақтлар эди, очарчилик... дўконда ишлардим. Бир аёлга бир кафт ун билан бир бўлак нон берганим учун растрата қилиб қамаб юборишган...  
– “Муаззамжоннинг фили суврати” дейишмасмиди ўша аёлни?

– Ҳа, шундай дейишарди.

– Балки сиз Султон Остондирсиз?

Чол менга қизиқсиниб қаради. Ва индамай кўйнидан бир уюм латта олиб қабр тепасидаги тошга суяб кўйди. Қарасам, чиройлигина қилиб ясалган қўғирчоқ. Мен Сафинага ясаб берган қўғирчоқнинг айнан ўзи! Мен ҳам шундай қилдим. Қўғирчоқлар икки томчи сувдек бир-бирига ўхшарди. Бўйи баста ҳам, кийимлари ҳам...

Ногоҳ қулф-калитнинг шақир-шуқиридан ўзимга келдим. Темир эшик даранглаб очилди ва назоратчининг погонли елкаси кўринди.

...Неча йиллардан бери турманинг зах камерасида ётган маҳбуснинг хаёлига нималар келмайди дейсиз...



**Озод ШАРАФИДДИНОВ,**  
Ўзбекистон Қаҳрамони

## “Кўкламойим” туғилди

Муҳаммад Юсуф деган шоир шеъриятга қандай кириб келганини адабиётимиз сезмай ҳам қолди. Аммо у тезда ҳаммани ҳайрон қолдириб, оғизга тушиб кетди. Унинг ижоди ҳақида гап кетганда, кўпинча кўшиқларини тилга оладилар. У кўшиқ ёзган ҳам, ўзини кўшиқчи шоир ҳисоблаган ҳам эмас. Унинг ёзганлари ниҳоятда долзарб мавзуда, ўта жиддий, аммо халқ тилига жуда яқин ва равон тилда ёзилган. Шунинг учунми, ҳофизлар уларни кўшиққа солиб юбордилар. Бу кўшиқлар кўшиқчиликни ҳам баланд поғоналарга олиб чиқди. Қанча-қанча ҳофизларни элга танитди.

Муҳаммад Юсуф кўшиқлари билан эмас, аввало, халқ дардини баралла айтган, юрт муҳаббатини ҳеч кимга ўхшамаган мисраларда таърифлаган шеърлари билан танилди, шуҳрат қозонди.



Муҳаммаднинг шеърлари бир қарашда жуда содда, жўн ёзиладиганга ўхшаб туюлади. Аммо унга ўхшатиб ёзиб кўринг-чи? Кўлингиздан келмайди! Унинг осон ёзиладиганга ўхшаб кўринган мисралари мухлисларини йиғлатди, кулдирди, ўз оғушига тортиб олди.

Одамлар унинг шеърларини ҳаяжонсиз ўқимайдиган, китобларини дўконлардан қидириб юрадиган бўлдилар.

Муҳаммад Юсуф Худо берган қобилият эгаси эканлигига ўзим гувоҳ бўлганман. Бир даврада Чўлпоннинг “Кўклам” шеъри тўғрисида гап борди. У менинг таърифимдан таъсирландими, ичкари хонага кириб кетди-да, 10-15 дақиқа ўтгач чиқиб, кўлимга “Кўкламойим” шеърини тутқазди. Уни менга бағишлаганини айтди. Шеърни ўқиб, кўзимдан ёш чиқиб кетганди ўшанда.

Муҳаммаджон камдан-кам туғиладиган истеъдод эгаси бўлиш билан бирга, камдан-кам шоирда учрайдиган хислат эгаси – шуҳратдан қочадиган камсуқум инсон эди. У шуҳратнинг эмас, шуҳрат унинг ортидан қувиб юрарди.

Муҳаммаджоннинг ёшлик, йигитлик йиллари Тошкентдай

шаҳри азимда ўтди. У шу ерда омадини, бахтини, шон-шуҳратини топди. Шошнинг болохоналарида “шоир” деган унвонга эришди:

*Мени шоир қилган лойсувоқ  
Болохоналаринг бор бўлсин.*

Ва бу юртдан бир умр бурчдор эканлигини ҳис қилиб яшади:

*Қирқ йил қуллуқ қилсам ҳам агар,  
Узолмасман сендан қарзимни.*

Муҳаммад Юсуф – бахтли, омадли шоир. Унга мустақил юртини, озод халқини кўриш насиб этди. Юртининг энг улуғ байрамларида унинг кўшиқлари баралла янграйдиган бўлди. Ўзбекистон ҳақидаги шеърини ёшлар ҳатто ўз мадҳияларига айлантириб юбордилар. Шу ўринда хурматли Юртбошимизнинг бир камсуқум шоирга шахсан эътиборини айтмай бўлмайди. Шоир Муҳаммад Юсуфга Президентимизнинг меҳрлари бобомиз Улуғбек ҳақидаги кўшиқни эшитган пайтларидаёқ тушган эди. “Халқ шоири” унвонини ҳам мамнуният билан унга ўзлари топширган эдилар.

**Муҳаммад ЮСУФ,**  
Ўзбекистон халқ шоири

## Кўкламойим

Озод ШАРАФИДДИНОВга

*Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим:  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.  
Қор кўйнида сени кўмсаб ўкиндим,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.*

*Кўнглимга кўк бинафшалар сочилсин,  
Кокилига толпопукдан соч илсин,  
Бойчечакка борар йўллар очилсин –  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.*

*Фасл боши ҳам охири ўзингсан,  
Мажнунларнинг йўлдоши ҳам ўзингсан.  
Лайлиларнинг сирдоши ҳам ўзингсан,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.*

*Кел-да энди соғинтирмай одамни,  
Сен йўғингда бир ғам босди елкамни,  
Қорлар кураб кўмиб келдим отамни...  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.*

*Кўкинг билан кийинтирай даламни,  
Оёқяланг суюнтирай боламни,  
Ўзинг олгин кўксимдаги аламни,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.*

*Гинам йўқдир кузда кетган оққушдан,  
Ийманмасин қайта эшик қоқишдан.  
Қумри билан бирга чиқдик биз қишдан,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.*

*Жон устида асраб юрай кўкни мен,  
Тўйиб-тўйиб кўзга сурай кўкни мен,  
Яна сенга етаманми-йўқми мен,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим.*

*Дил яйрасин дала-даштинг ясаниб,  
Ялпизларинг сув бўйига ястаниб.  
Икки мисра байт битай бир мақтаниб,  
Кўкламойим, кўкингдан бер бир чимдим!..*





Абдуғани СУЛАЙМОН

# Кўнгил жақикати билан юзма-юз

Бир тунда уйқум қочди. Ётган жойимдан турдим-да, севган шоирларимнинг китобларини бир-бир варақлай бошладим. Ора-сира хаёлга толаман. Бир улкан савол миямда тинимсиз айланади: “Нима учун аксарият шоирлар машхурликка интилади?” Хатто аллақанақа модернизм, постмодернизмда мукка тушиб ёзиб, ўзини дунёга кўз-кўз қилгиси келадиганлар ҳам талайгина.

Ёнимда уйиб қўйган китоблардан бири тап этиб ерга тушди, хаёлим бўлинди. У китобни қўлимга олдим. Бу Муҳаммад Юсуфнинг шеърий тўпламларидан бири эди. Меҳр билан китобни очдим. Ундан тупроқнинг ширин ҳиди келарди. Шеърларини ҳузур қилиб ўқий бошладим. Анчадан буён мени қийнаб келаётган кўзимнинг хиралиги ҳам эсимдан чиқди. Бу шеърлар ҳеч қандай “изм” ларга сифмас, жайдарича қилиб айтганда, кўнгилизм шеърлари эди.

Шунча шоирпарастлигимга қарамай, нимагадир Муҳаммад Юсуф билан учрашиш менга насиб этмаган. Кўнглимдаги ана шу армонни унинг шеърлари билан юпатгим келади:

*Тошканда...тоғларни соғиндим,  
Яшил ўтлоқларни соғиндим,  
Сув бўйида чордона қурган  
Момақаймоқларни соғиндим.*

*Кечагина ёмғирда ивиб  
Юрар эдим капалак қувиб,  
Шудрингларга юзимни ювиб,  
Болалик чоғларни соғиндим...*

Юқоридаги мисралар Муҳаммад Юсуфнинг “Соғиндим” номли шеърдан. Жуда содда, раван.

Шу қадар равонки, дилингизга бемалол бостириб киради, кўнгил билан оромижонлик қилади. Руҳингизга шеърдаги ҳарорат тез юқади. Ва ана шу ҳарорати билан покликка интиласиз. Шеърнинг яна бир жойида шоир “Қўли қадоқларни соғиндим” дейди. Ҳа, у тоза ҳисларни, ўз кўнглини соғинади. Муҳаммад Юсуфнинг шеърларидаги соддаликда ҳаётнинг барча ранги товланади. Ана шу ранглар товланиши ўлароқ ўз қалбингизни қайтадан кашф қилгандек бўласиз. Ростини айтиш лозим, шоир қўл урмаган мавзу қолмаган.

Унинг “Турғунлик” деб номланган шеърида собиқ шўро тузумидаги зулм сурати акс этган. Шоир бу шеърида жуда оддий, айна чоғда тифи ўткир халқона киноядан фойдаланади:

*Совуқ дейсизми?*

*Ҳа, қаҳратон,*

*Қўлчалар қуйинда қотган нон.*

*Аммо нима қилсин, пахта – шон,*

*Биринчи синф болалари.*

*Пахта терар йиғлаб, бахти кулганлар,  
Омади кулганлар, аҳди кулганлар.  
Пуфак боболарин қаҳрамон қилганлар,  
Биринчи синф болалари.*

*Фақат бир илтимос, муаллимлари  
Бурнин артиб турса бўлгани,  
Иштонин кўтариб қўйишса бас шу –  
Пахтанинг плани тўлгани...*

Бундай шеърни фақат миллат дардини юракдан ўтказа олган чинакам фидойи шоиргина ёза олади.

Муҳаммад Юсуф шеърятини баландпарвоз гапларни инкор этади. Аксинча, шеърда тасвирлаётган манзарага мос юки оғир халқона ибораларни шу қадар моҳирлик билан ишлатадики, бу эса ҳар қандай ўқувчининг юрагини уйғотиб юборади.

Биринчи синф болаларининг, маъсум, чиллашир гўдакларнинг совуқда қийналиб пахта тераётгани пайтидаги азоби қалбингизни ўртайди. Беихтиёр, мустабид шўро тузуми ва унинг ниҳоясиз зулмини қарғашга тушасиз.

Ватанпарварлик руҳини ҳамма ҳар хил тушунади. Аммо, ростини айтишим керак, шоирнинг “Турғунлик” номли шеъри ҳақиқат томонида туриб Ватаннинг, унинг болаларининг қисматидан сўзлайди. Бу шеър ҳар бир ўзбек боласини истиқлолни қадрлашга, Ватанни суйишга ўргатади, десак хато бўлмайди.

Муҳаммад Юсуф Ватан ҳақида дилининг қонини сирқиратиб ёзади:

*Мен дунёни нима қилдим,  
Ўзинг ёруғ жаҳоним,  
Ўзим ҳоқон,  
Ўзим султон,  
Сен тахти Сулаймоним.  
Ёлғизим,  
Ягона дейми,  
Топинган кошонам дейми.  
Ўзинг менинг улуғлардан  
Улуғимсан Ватаним.*

Бир қараганда шеър оддий сўзлар, барчамизга таниш иборалардан тузилгандай туюлади. Аммо ҳулоса чиқаришга шошилманг. Чунки шоир қалбидаги туйғулар қўшиқдек бошланади. Ва аста-секин авж пардага кўтарилади:

*Ким Қашқарни қилди макон,  
Ким Энасой томонда,  
Жалолиддин – Курдистонда  
Бобуринг – Ҳиндистонда.  
Бу қандай юз қаролиғ деб,  
Ётарлар зимистонда.  
Тарқаб кетган тўқсон олти  
Уруғимсан, Ватаним.*

Муҳаммад Юсуф шеърятинида бобуро на руҳ бор. У кўнгил дунёсини ошкор ва очик кўради. Ватанни эса ўзгача ишқ билан севади. Ва ҳар бир мисрасини тарих шафағига ошно этади:

*Ўғлим десанг осмонларга  
Фирот бўлиб учгайман.  
Чамбил юртда Алпомишга  
Навкар бўлиб тушгайман.  
Падаркушдан пана қилиб,  
Улуғбекни қучгайман.*

*Ғичир-ғичир тишимдаги  
Сўлиғимсан, Ватаним.*

Шоир назокатли сўзлардан кўра, халқнинг дилини топа олгучи дўлвор ҳақиқатнинг айтимларини хуш кўради. Шунинг учун ҳам барча шеърлари ўқувчи қалбига тез етиб боради. Қолаверса, санъат аҳлининг меҳру эътиборини ҳам тортган бу шеърлар.

Муҳаммад Юсуфнинг муҳаббат мавзусидаги шеърларида қайғу билан бахтнинг, висол билан ҳижроннинг уйғунлашиш ҳодисасини кузатамиз:

*Санам сочингдан ҳам шайдоларинг кўп,  
Ҳуснинг ошиқлари, адоларинг кўп.  
Ниманг кўп кўйингда – гадоларинг кўп  
Аммо мен биттаман, мен биттадурман.*

*Суймоқ бу-гулханда куймоқ азали,  
Мен шаҳар эркаси, сен тоғ гўзали.  
Эслаб юр ёдинга тушган маҳали,  
Шайдоларинг кўпу мен биттадурман.*

Баъзан бу шеърлар бахшилар баётига менгзайди. Гўё шоир юрак торларини чертиб, туйғуларини куйга солиб куйлаётгандек бўлади. Сиз уни ўқимайсиз, гўё дилингизга яқин бир қўшиқни тинглаётган ҳолатга тушасиз. Муҳаммад Юсуфнинг шеърларини ўқиш ва ўқиш асносида шунга амин бўласизки, у халқ ижодини, ҳикматли ибораларини яхши билган. Унинг “Биз бахтли бўламиз” шеърининг оҳанги тоза ҳаво янглиғ кўнгилга бостириб киради. Оҳанг ичида куйлаётган алангали умид нафаси руҳингизга гўзал кунлар илинжини ўтқазиб кетади:

*Майли-да, кимгадир  
Ёқса  
Ёқмаса.  
Уларга қўшилиб  
Йиғлашармидик.  
Биз бахтли бўламиз  
Худо хоҳласа,  
Худо хоҳламаса,  
Учрашармидик.*

Бахтли бўлмоқ – бу дунёга келган ҳар бир инсоннинг энг катта тилаги. Ошиқ зоти борки, висолни бахт деб билади. Ана шу оддий ҳақиқатни шоир ниҳоятда сўлим иқрор билан, кўнгида чўкиб ётган дарду армони билан ошкор этади:

*Мен эса  
Ошиғинг сенинг –  
Энг ғариб.  
Тундан сўз  
Қарз олиб  
Тонгга тутгучи.  
Сенинг ёнингда ҳам*



*Сени ахтариб,  
Сенинг ёнингда ҳам  
Сени кутгувчи.*

Шеърни ўқиш асносида кўнги́лгиз тоза нафасга тўлиб, янги бир умид мавжини туясиз. Бахтли бўлмоқнинг илинжида юракка беркинган ишқни қуёшга кўз-кўз қилгиз келади.

Яна бир ўринда шоир севгилисини қуйидаги мисралар билан юпатади:

*Йиғламагин  
Гуноҳим не деб,  
Айбинг –  
Онанг сени  
Чиройли туққан.*

Жуда самимий, халқона юпатиш. Ва яна халқимиздаги “Чиройлилар кўп йиғлайди”, – деган нақлга ҳам ишора бордек, назаримизда. Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари юракни йиғлатиб ёзилганга ўхшайди. У мудом табиатга талпиниб, ундан янги мўъжиза ахтаради. Атрофидаги одамлардан излаб топмаган асл туйғуларни гоҳ капалақдан, қизғалдоқдан, гоҳ жайрону кийиклардан топади. (Албатта мажозий маънода).

*Тугилгандан мен шўрликнинг бағрим қон,  
Бир жисмимда талашади икки жон.  
Жон талашсам, теппада чарх урган ул,  
Капалақлар одамлардан меҳрибон...*

*Гулга қўнса, қанотлари ботмайди,  
Ожизларим бировга тош отмайди.  
Бир кун яшар – бир-бирини сотмайди.  
Капалақлар одамлардан меҳрибон...*

Шоир капалақларда бутун армонларини, орзуларини, тоза истакларини кўради. Ва улар билан дарди ҳол қилади. У жисмида талашаётган икки дунё азобини, хоин “дўстлар”дан дилда қолган доғни, ганимлар қўлидаги тошнинг оғриғини, тепасида чарх ураётган капалақлар меҳрида енгади, гўё. Муҳаммад Юсуфга хос бўлган борлиқдан тилсим излаш

ва кўнглини ана шу тилсимга ишониш авжи барча шеърларида жаранглаб туради. Унинг “Қизғалдоқ” шеърида ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин:

*Қизғалдоғим, қирдан бўлак кошонанг йўқ,  
Кокил ёйсанг, ердан бўлак тош ойнанг йўқ.  
Ўксиб-ўксиб турганингда ўзим бориб,  
Пешонангдан ўпай десам, пешонанг йўқ.*

*Олдинга мен боролмасам, ўт гуноҳим,  
Бир йўқлаб қўй, мен дунёдан ўтган чоғим.  
Қабрим узра ҳилпираб тур, қизғалдоғим,  
Муҳаммаддан бўлак дўсти девонанг йўқ.*

Йўл четларида, лойсувоқ томларда, қиру дала-ларда қип-қизил бўлиб лов-лов ёниб очилгувчи қизғалдоқни деярли барчамиз кўрганмиз. Аммо бир оддий гул сифатида унинг ёнидан бепарво ўтганмиз. Муҳаммад Юсуфнинг кўнги́л нигоҳи ана шу биз оддий санаган гулда янги бир туйғуни, ўзгача ишқни кўради. Уни ўз синглисидек юпатади, эркалайди. Ва қалбидаги мангу бир фиғонни ундан яширмайди:

*Қизил юзинг қон дилимга турар тегиб,  
Менингдек сен ғарибнинг ҳам парвонанг йўқ.*

Шеърни ўқиб, дилингиз қаърида кимдир ўкириб-ўкириб йиғлаётганини эшитасиз. Ва беихтиёр унга ҳамдард бўлгиз келади.

Шоирнинг “Эрка кийик” номли шеъри ҳам жуда самимий. Шеър юракка меҳр туйғусини солади. Шоир баробарида сиз ҳам кийикни эркалагингиз, унга дарддош бўлгиз келади:

*Шамол эмас, изинг қувиб юрди камон,  
Сайёд менинг кулбамни ҳам қилди вайрон,  
Сенинг жонинг, менинг жоним омонат жон,  
Эрка кийик, майли бир эркаласам.*

Шеър бошдан-охиригача ёруғ бир дардга чулганган бўлиб, кўнги́лга тез етиб боради. Олов саҳроларнинг оташ нафаси кўксингизга урилиб, қарахт тортган ҳисларингизни уйғотади. Ва шу ўринда Муҳаммад Юсуфни табиатга талпинтирган куч табиийлик, самимиятнинг соғинчи эмасмикан, деган ҳаёлга борасиз. Хуллас, унинг шеърлари сизни бўлакча мушоҳада қилишга ўргатади. Шоир деярли барча шеърларида ўзини, кўнглини, табиатини тафтиш қилади. Унинг қизи Нозимага бағишлаб ёзган “Узр” номли шеъри ҳам шулар жумласидандир:

*Шухратга ўч бўлсам керак мен гумроҳ,  
Ёлғон бўлса керак дилда нолам ҳам.  
Тўпори байтларим битар пайтим гоҳ,  
Кўзимга кўринмай қолар болам ҳам.*

*...Улар шеър ёзмасин ҳеч менга ўхшаб,  
Мендан нафи кўпроқ тегар элимга.*



*Шоҳ асар бўлса ҳам тупурдим ўша,  
Боламни йиғлатиб ёзган шеъримга.*

Муҳаммад Юсуф “тўпори байтларим битар пай-тим гоҳ”, деган мисраси билан қайсидир маънода ўз шеърларининг туб маъзига таъриф бера олган, деб ўйлаймиз. Унинг ўхшаш ибораларида халқона тўпорилик бор. Бу, албатта, яхши маънода. У шоир сифатида на осмонга, на заминга сиғади. Баъзан ўз-ўзини тушунолмай қийналади:

*Ўйлайман, ўйлайман, ўйларим узун,  
Қўлим қисқа, севгим бўйлари узун.  
Энди сен мен учун энг узун эртак,  
Энди мени ёмон қийнар бу юрак.*

“Муҳаммад Юсуф ўзбекнинг ҳалол, содда, кўнгилчан шоири эди. У ёлғон, хушомад, хиёнат билан ҳеч қачон келиша олмасди”, – деган гапларни кўп эшитганман. Унинг ана шу феъл-атвори шеърларида ўз аксини топган:

*Ҳозир кўзим юмаману ерга ётиб,  
Юрагимни суғураман қон йиғлатиб.  
Йўлбарсчалар есин уни касирлатиб,  
Юрагимни йўлбарсларга едираман...*

Ёлғонлардан юраги зада бўлган шоирнинг яккаш иқрори бу. Ниқобли дунёга шоир юракнинг исёни бу.


Ўзбекнинг ҳақиқий чапани шоири Муҳаммад Юсуфнинг ижоди ҳақиқий ошиқ кўнгилдан кўчирмадир. Шунинг учун ҳам бу шоир ижоди барчага сеvimли. Унинг ҳақиқат томонида туриб келтирган иқрорлари жуда гўзал:

*Шоирлик мен учун асло орзумас,  
Шу ҳам иш бўлдим йигит бошимга.  
Ҳамма шоир зотин йиғса арзимас,  
Онамни соғиниб тўккан ёшимга.*

*Аммо юрагимни қийнар бир азоб,  
Қўй десам, қўймайди, тутқазар қалам.  
Мен кетмон сўрасам, тутади рубоб,  
Куйлайман жонимдан ўтганда алам.*

*...Бўлди  
Шеър ёзмайман.  
Мен энди одам,  
Оддий одам бўлиб яшай бошлайман.  
Кўнглимга ачиниб агар ёзсам ҳам,  
Тунда ёзиб тонгда ўтга ташлайман.*

Шеърни ўқиб етмиш икки томирингиз жимирлаб кетганини сезасиз. Чунки сиз бу лаҳзада шоирнинг ҳақиқати билан юзма-юз бўлдингиз. Чунки сиз шоирнинг кўнгли ичидаги баҳайбат армонни кўриб қолдингиз. Ҳа, Муҳаммад Юсуфнинг шеърлари ҳар қандай лоқайд кўнгилни ҳам ўз ҳақиқати билан ларзага солади.



Муҳаммад Юсуфнинг “Осмоннинг охири” номли мансураси ҳам жуда таъсирчан. Шоир бунда қадим бир фалсафани жонлантиргандай гўё. Осмоннинг охири қаерда эканлигини билгиси келади. Албатта, бу маъжозий бир йўл. Мансурани ютоқиб ўқийсиз. Дилингизга ширин бир туйғу юқади ундан. Бу асар мастоналикда ёзилгандек туюлади сизга. Инсон ўзидан озод бўлгандагина, яъни озод ҳислар томон юз ўгиргандагина шундай ҳолатга тушади. Шоир “Дунёдаги ҳамма нарса одамга яқинлашиши билан ўзлигини йўқотади”, – дейди ақлнинг тажовузкорлигига ишора қилиб. Ҳа, шоир бу дунёдан поклик истайди, оқибату меҳр излайди.

Унинг “Кўҳна қудуқ” номли достони шундай бошланади:

*Мени тонгда ширин уйқудан уйғотишди,  
Қарасам – уйқудан ширин одамлар.  
Боролмайман дедим гудраниб,  
Ўзларинг кетаверинглар энди.  
Мени уйғотган одам буюк ҳофиз эди.  
Менинг борар жойим эса буюк Бухоро эди.  
Бухоро мендан хафа эди.*

Достоннинг дебчасидаёқ достон қадим Бухорога сафар ҳақида эканлигини англайсиз. Асарда бу ша-риф шаҳар бошдан ўтказган истилолар дард билан баён этилади. Унинг нураб бораётган деворларидан кўҳна тарих қиссасини ўқийди шоир. Мустабид шўро

тузуми даврида нураб, қаровсиз қолган Бухоронинг холига боқиб қийналади шоир:

*Қандай гўзал эдинг Бухоро,  
Осмонўпар гумбазлар аро.  
Мен зиёрат қилиб оввора,  
Тополмадим бир соғ минора.*

*Бухоро лол, Бухоро ҳайрон,  
Арки вайрон, Меҳроби вайрон.  
Лаби ҳовуз қирғоғи вайрон,  
Ибн Сино арвоҳи сарсон.*

Шоир қачонлардир кўркамлиги билан дунёни хайратга солган Бухорои шарифнинг собиқ шўро тузуми давридаги ҳолатини камситилган миллат ҳолатига қиёслайди:

*Тоқатга ўхшайсан, сабрга,  
Қадри бору лек беқадрга.  
Ёмғирлар ёғмаган адирга  
Оролсиз кўкламга ўхшайсан.*

*...Кўлинг очиқ, кўзларинг юмуқ,  
Сен менинг отамга ўхшайсан.*

Муҳаммад Юсуфга хос бўлган мардона нафис туйғулар “Миш-миш” номли шеърда баландроқ жанрлангайди:

*Майда миш-мишлардан зирқирар товон,  
Унганмиз-ку асли битта тупроқдан.  
У кун шёримни тинглаб бир нодон,  
Мени мақтаб кўйди: фалон қишлоқдан.*

*Айтинг, хафа бўлай мен яна кимдан?  
Биров давлат қурар, биров уй тиклар.  
Асли бир халқлигин билару зимдан  
Нечун бир-бировин кўролмас улар.*

Шоир миллатни бирлашишга чақиради. Бир-бирини суяшга, Ўзбекистон деган Ватан учун яшашга даъват этади. Зотан, миллат бир-бирининг дардини англагандагина, бир-бирини қўллагандагина буюк халқ бўлишини таъкидлайди. Ва дилида туғён кўтарган ҳақиқатни баралла ҳайқиради:

*Майда миш-мишлардан битта безган мен,  
Занглаган ханжардек ўтди у жондан.  
Танишиб кўяйлик, шеърни ёзган мен –  
Муҳаммад Юсуфман, Ўзбекистондан!*

Халқимизда “Бўлинганни бўри ер” деган нақл бор. Маҳаллийчилик ҳам миллатнинг қудратини сўндиради. Унинг халқ бўлиб юксалишига тўсқинлик қилади. Ана шу эътирофни шоирнинг “Халқ бўл, элим” номли шеърда ҳам кўриш мумкин:

*Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,  
Қумлар босиб қуримасин дарёларим.  
Алломишга алла айтган момоларим,  
Руҳини шод этай десанг, халқ бўл, элим.*

Муҳаммад Юсуф руҳи баланд, забардаст шоир сифатида она халқига, юртига садоқат билан қаради. Элининг маънавиятини оловли шеърлари билан юксалтиришга хизмат қилди. Бир фарзанд сифатида эса Ватанни ҳеч кимникига ўхшамаган ишқ билан севди. Гарчи бугун орамизда у бўлмаса-да, оташнафас шеърлари, дилни ром айлагувчи қўшиқлари билан халқимизнинг кўнглида яшаяпти. Шу ўринда кўнглимизда бир армон сим-сим оғрийди. Ва нега у қуйидаги сатрларни битди деган оғриқли савол кўнглимизни яралайди:

*Тузалмайди дардим менинг,  
Ўлсам керак.  
Тупроқ билан оға-ини,  
Бўлсам керак.*

*Ўлим нима? Бу ҳам битта,  
Сайр, она.  
Ўғлинг қаро ерга кетди,  
Хайр, она.*

*Мен ҳаётда ўлимга тик,  
Боқиб ўсдим...  
Қани менга аталган жой,  
Кетдик, дўстим.*

Балки шоир ўз қисматини башорат қилгандир. Аммо нима бўлганда ҳам сўзда жон борлигини, сўз ҳар қандай истакни жонлантиришини англаш лозимиди, деган азобли ўйлар менга тинчлик бермайди.

Ва яна йиллар шамолини кесиб ўтгувчи шоир кўнгли унинг шеърларида ҳали-ҳануз нафас олаётганидан юпанч топаман. Ногоҳ кўнгли пок, меҳрибон, ростгўй шоирнинг овози ерданми-кўкданми жаранглаб келгандек бўлади:

*Ўтар қанча йиллар тўзони,  
Юлдузлар кўз ёши самони.  
Ўтар инсон яхши-ёмони,  
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.*

*Қорачиғда порлаган ўша,  
Иқболига чорлаган ўша,  
Дунёни тор айлаган ўша,  
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.*

Ўзи эътироф этганидек, қанча йиллар ўтмасин, Муҳаммад Юсуфнинг шеърлятига бўлган халқнинг меҳр-муҳаббати, ишқи сўнмайди. Зотан, унинг шеърларида ҳақиқат жамоли, самимият иқболи билан юзма-юз келамиз.

# Кўклам қуйи

Ҳикоя



**Фозил ФАРҲОД**

*Тоғам Ўқтам Тожи  
ўғлига бағишладим.*

Шумхабар бемаҳал овул ора-  
лаган бўридай хаёлим ва ҳаётим-  
ни остин-устун қилиб юборди.  
Кўрада ҳуркиган қўйлар орасида  
совлиқни йўқотган кўзидай нима  
қиларимни билмай қолгандим.  
Ер ўқидан чиқиб кетгандай эди.  
Ҳаммаси эрталабки соат саккиз-  
да дўхтирлар қўлимга қандай-  
дир қоғоз тутқазганидан кейин  
бошланди. Ажабсиниб унинг  
нималигини сўрадим. Ташхис,  
дейишди. Ҳеч нима англамай:  
“Буни нима қиламан?” дедим  
елка қисиб. Шунда улардан бири  
кўзини каравотимга ёндош тумба  
устидаги гулдонга солинган лолаларга  
тикиб: “Дўстим, нима десам  
экан, бу ошқозонности безингиз-  
даги ўсма сурати, сиз оғир касал-  
ликка чалингансиз!” деди зўрға,  
кейин нигоҳларини алвонранг  
лолалардан узмай, чуқур нафас  
олди-да, эшитилар-эшитилмас  
қилиб қўшиб қўйди: “Афсус!” Ялт  
этиб дўхтирга қарадим. Унга юз-  
ланганимни сезиб, кўзини жавон  
томонга олиб қочди. Кўзларни

қувиб етдим. Ажабки, нигоҳлари-  
миз шкаф ойнасида тўқнашди.  
Қарашларимнинг даҳшатини  
кўзларида кўрдим. Кўзини олиб  
қочаётганини билдирмасликка  
қанчалик уринмасин, пистирмага  
тушган куёндай иложсиз қолган-  
ди. Барибир бардоши етмади,  
нигоҳини дераза томонга бурди –  
олис-олисларга беркитгиси келди.  
Жим қолдик. Бошқа дўхтирлар  
хабарни эшитгач бўладиган ўзга-  
ришни томоша қилиш учун мен-  
дан кўз узишмасди. Шунда улар-  
дан бирига: “Бу хабар ёлғон-а?”  
дегандай илтижоли тикилдим.  
У бош силкиди, бу тасдиқмиди,  
инкормиди – билолмадим. Биров  
юзимга тарсаки туширгандай  
бўлди. Гўё уйқудан уйғондим.  
“Мен соппа-соғман”, деб, ўрним-  
дан кўзғалмоқчи эдим, дўхтир:  
“Сиздаги касаллик анча олдин  
бошланган, лекин яширин кечган,  
кечаги хуруж бўлмаганида буни  
сираям билмасдик”, деди дераза-  
дан кўзини узмай. “Менга жавоб  
берасизларми, уйимга кетсам  
майлими?”, дедим ўрнимдан ту-  
риб. “Ҳа, бугунча жавоб берамиз”,  
деди шумхабарни етказган дўхтир  
жилмайиб. Буни унинг ойнадаги  
аксидан кўрдиму яйраб кетдим.

“Ҳазилни қийиб кўяркансиз-а?”  
деб кулиб юбордим. Дўхтир тағин  
жиддий қиёфага кирди-да: “Мен  
ҳазиллашганим йўқ, қўлингизда-  
ги ташхисга қараб гапиряпман,  
буниси рецепт, даволанишга  
тайёргарлик кўринг!”, дея яна  
бир қоғоз узатди. Унинг охириги  
гапи менга “Ўлимга тайёргарлик  
кўраверинг!” дегандай туюлди.  
Айтилган гаплар ҳазилмаслигини  
англадим. Улар билан қандай хай-  
рлашганимниям билмай эшикка  
йўналдим.

Йўлакка чиқдим-у, нима-  
нидир йўқотгандай бесаранжом  
ҳолга тушдим. Унинг нелигини ўй-  
лаб бироз туриб қолдим. Изимга  
қайтиб, палата эшиги олдида  
дўхтирларнинг ўзаро гурунгини  
тасодифан эшитиб қолдим:

– Янги ускунамизга ишонадиган  
бўлсак, бечоранинг бир кунлик  
умри қопти, эртага тонггача бор-  
майди!

Музлаб кетдим. Музлаблар  
кетдим. Танамдан реза-реза совуқ  
тер чиқди. Кўксимга недир сан-  
чилгандай бўлди. Дўхтир худди:  
“Эртага пойтахтимизда ёмғир  
ёғади”, деган хабарни етказётган  
“об-ҳавочи”дай хотиржам гапир-  
ди-я! Танаси бошқа дард билмас,



деб шуни айтишсалар керак-да!

Хонага қайтганимни кўриб улар бирдан оғзига талқон соволишди. Бир-бирига маъноли қарашганини сездим. Ҳеч нарса демадим. Дея олмадим. Улар вағир-вуғурлашиб менга далда берган бўлишди, бироқ қулоқларим кар бўлиб қолганди. Эсанкираганимдан кўлларим ичкиликка муккасидан кетган одамнинг кўлларидай титрардики, камзулимнинг тугмаларини қадай олмасдим.

Қаердандир пайдо бўлган ҳамшира стаканда сув узатди. Қалтироғим шиша идишдаги сувни-да чайқатарди. Стакан лабларим ва тишларимга теккач-да титроғим босилмади. Ҳолатимга ажабсиниб термилиб турган ҳамширага қарадим. У ғоят чиройли эди. “Эртага ўласан!” деб ҳукм ўқилгандаям одамзод гўзаллик қошида ожиз қоларкан. Қалтироқ бироз босилди. Амаллаб бир хўплам сув ютдим.

Эртага бўлмаса-да қачондир барибир ўлим ғолиб чиқишини ўйлаб, сал ўзимга келдим. Шунда камзулимнинг тугмалари осонгина қадалди. Қарасам, ботинкамнинг ипи боғланмаган экан,

боғични боғлашга сал қийналдим. Бу табиий эди. Доим уйдан чиқиб кетарканман, аёлим боғичларни боғлашимга йўл қўймасди. Юмушни доим ўзи завқ билан бажарарди. Уст-бошимни тузатиб, йўлакдаги ойнага қарадим. Рўпамда ҳали сочиға оқ қўнмаган, юзига ажин ораламаган, ҳаётга ташна ўттиз беш ёшли навқирон йигит гавдаланди. Ота-онам, ука-сингилларим, ўғлим ва аёлимнинг менсиз кунлари қандай ўтишини ўйлаб титраб кетдим. Шунда ҳамширанинг: “Соатингиз!” деган сўзи хаёлимни қочирди. Ҳа, боя унутган нарсам шу экан. Қиз маъюс жилмайди-да, соатни тақишга ишора қилди. Уни тақдимку беихтиёр милларига қарадим. Неча бўлганини кўра олмадим. Умрим дақиқа сайин озайиб бораётганини ҳис қилдимку кетишим кераклигини англадим.

Йўлак деворидаги одамларни ҳар хил касалликдан огоҳ этувчи чақириқлар бемаъни битиклардай эди. Мана, эсини таниганидан бери иситмаламаган ва укол нималигини билмаган одам ажал билан бақамти бўлиб турибди-ю, бу ёзувлар инсонни ўлимдан қандай сақласин? Ҳаммаси Худонинг амри билан бўлади.

“Эй, Худойим! Олдинга шунча гуноҳ билан қандай бораман-а?”

Юрагим орқага тортиб кетди. Ташқарига отилдим. Ёмғир севаларди. Ҳавони симирдим. Ўпкамга ҳар куни миллион-миллион марта кирадиган ҳавонинг ғоят мусоффолигини бошқача туйдим. Сув остида узоқ қолиб, ташқарилагач ютоқиб нафас олган одамдай эдим. Ўзим билан ўзим гаплаша бошладим:

“Айтгандай, бугун ойнанинг нечанчи куни?”

“Кеча 28 февраль эди”.

“Унда бугун биринчи март!”

“Демак, баҳорга ўтибсан-да!”

Шунда соатимнинг санани кўрсатувчи ойначасига қарадим. У 29 феврални кўрсатарди. Ихтиёрсиз жилмайдим.

“Кабиса йили!”

“Қишнинг охири куни”.

Умрим яна бир кунга узайгандай бўлди.

“Баҳорнинг биринчи куни эса эртага”.

“Эртага...”

Эртага эрталаб уйқудан уйфонмаслигим, эрта ҳеч қачон келмаслигини ўйлаб юрагим увушиб кетди. Шунда ортимдан келган товуш хаёлимни бўлди: “Кечирансиз, ёмғирда ивиб қоласиз, буни олинг, кеча шошганимдан ўзимникини тополмай, акамнинг соябонини кўтариб келувдим. Мени эса салдан кейин ўзлари мошинада опкетади”.

“Кеча” сўзидан кейин овозни танидим ва ҳамшира менга гапираётганини сездим. Ортга ўгирилдим. У айбдордай кўзини опқочди. Соябонни узатаркан, юзимга югурик нигоҳ ташлади-да, ортага бурилиб, тез-тез қадам ташлаб кетди. Қарашларидаги менга нисбатан дардкашлик ва ачиниш ҳиссини қанчалик яширишга уринмасин, барибир шахло кўзлари сездириб қўярди.

Соябонни ёймадим. Чунки ёмғир ёғаётгани парвойимга келмасди. Боз устига азалдан ёмғирда соябонсиз сайр қилиш менга ёқарди. Осмонга тикилдим. Шунда ҳамма-ҳаммаси эсдан чиқди. Ҳаётни яхши кўриб кетдим. Яшашга бўлган иштиёқим шу даражада кучайдики, ҳатто у дунёсидан қайтишга тайёр эдим. Ҳаёт нақадар ширин, нақадар завқли, нақадар улғувор-а! Ёмғир кўз ёшимдай юзимдан оқа бошлади. Бу ҳол қанча давом этди, билмадим, лекин касалхона ҳовлисида узоқ туриб қолган эдим.

Негадир шошилмасдим. Аниқроғи, бугун шошилмай яшагим келди. Балки шунда ҳаёт маъносини кўпроқ англаман. Шу пайтгача шошилиб нимага эришдим? Оқибатда барибир ўлим билан юзма-юз бўлиб турибман. Кейинги ўн йилимни сарҳисоб

қилдим. Эсда қоларли ҳеч қандай кун ёдга келмади. Қоғозлар орасида ўтган ўн йил-а! Шунда йилларим маъносиз, рангсиз туюлди. Шу ўй билан бекатга етибман. Гўё мени ўлим сари тезроқ элтиб қўйиш учун автобус ҳам боришим биланоқ кеп қолса бўладими. Уловга чиқиб, ўзим яхши кўрадиган орқа ўриндиққа чўқдим. Инсоннинг ҳар куни, ҳар дақиқаси, кези келса, ҳар сонияси қадрли ва қайтмас эканини ҳис қилдим. Эҳ, шуни аввалроқ ан-гласам бўлмасмиди! Энди қолган ҳар дақиқамни қадрлайман! Неки қилгим келса, фақат ўшани бажараман! Бошқа бари бекор! Бугун режа тузмайман! Ишга бормайман! Газета менсиз чиқар! Ҳамма-ҳаммаси кўнгил амри билан бўлади! Фақат кўнгил амри билан!

Ойнага бош қўйдим. Кўзим очик турарди-ю, аммо дунё қоронғи эди. Шаҳарнинг баланд бинолари юракка санчиб қўйилган совуқ пичоқ дастасига, жимжимадор шошқин мошиналар танамни эзгилаб бораётган саратон хужайраларига ўхшарди. Етаклашган йигит билан қизни кўриб Садоқат билан илк танишган кезларим эсимга тушди.

...Талабалар ётоқхонасининг ошхонаси. Овқатимни олиш учун совуткични очишим билан тўғралган кўкат солинган ликопча лап этиб ерга тушди. Идиш-ку синмади, лекин кўкат сочилиб кетди. Нима қиларимни билмай қолдим. Шунда қозон бошидаги қорамағиз қиз: “Нарсангизни олиб кетаверинг, ўзим йиғиштириб оламан, кўкат ўзи эски экан-ку!”, дея мени хижолатдан қутқарди. Ўшандаёқ юрагимда ажиб илиқлик пайдо бўлди ва у тақдирим эканини англаганман.

Келишимни юраги сезганми ё деразадан кўриб турганми, кўнги-роқни босмасимдан аёлим эшикни очди-ю:

– Ассалому алайкум! – деди мийиғида кулиб.

– Ваалайкум ассалом!  
– Яхши келдизми, навбатчилик яхши ўтдимми?

– Худога шукр! Ўзинг яхшими?  
– Раҳмат! Ювиниб олинг, чой кўйгандим, дамлаб бераман!

Хотиним кўзимга доимгидан яхши кўриниб кетди.

– Биласанми, Садоқат, сен дунёдаги энг яхши аёлсан!

– Бугун бошқачасиз? – деди у чой дамларкан.

Ювиниб, ошхонага кирдим. Куймаланаётган аёлимни кўриб, ўзимни бахтли сездим. Ортдан бориб секин кучдим. “Дарров соғиниб қолдизми?”, деди ийманиб. Юзини кўрмасам-да ёқимли жилмайганини сездим. “Сени соғинмай бўларканми, тентак-кина!” дедим сочини ҳидлаб. “Ғийқ” этган эшик овози мени сергаклантирди. Қўлларимни тортиб олдим. Ўғлим кўзларини ишқаб, “дада”, деб менга интилди. Тизанладим<sup>1</sup>. Келиб бўйнимдан кучди. Боламнинг белидан маҳкам кучоқладим. Кўзимдан ёш куйилиб кетди. “Дада, йиғла-япсизми?” деди ўғлим буни сезиб. “Йўқ, ёмғирда сочим хўл бўлувди, шунга...”, дея алдадим ёшимни артарканман. “Ўғлим, бор, бет-қўлингни ювиб кел-чи, даданг билан чой ичамиз”, деди хотиним ўзи сезмаган ҳолда мени ноқулайликдан қутқариб. Ўғлим чопиб ваннахонага кирди. Мен хонтахта ёнидаги доимги жойимга чўқдим. Аёлим чой қайтараркан, юзимга тикилди-ю:

– Сизга нима бўлди, кўзиз қизарибди? – дея ерга қаради.

– Чарчадим, навбатчилик оғир ўтди, – деб юзимни ундан олиб қочдим. Ўғлим келиб, мени хижолатдан қутқарди. Онаси олдимизга таом келтирди. “Ўзингам ўтир”, дедим. У қўлидаги юмушни қўйди-да, ёнимга ўтирди. Нонушта қилдик. Оилам билан сўнги бора дастурхон атрофида ўтирганимни ўйламадимам. Чой ичдик. Гапни нимадан бошлашни билмай, ка-

ловландим, охири зўрға: “Бугун қишлоққа жўнайсизлар!”, дедим. Ўғлим “уррэ”, деб қичқариб юборди. Садоқат саволомуз қаради. “Хизмат сафарига кетяпман, тез кунда изларингдан бораман, баҳонада энамнинг рўзғорига қарашиб келасан”, дедим. Аёлим аввалига унамагандай бўлди, қовоғимнинг уюлганини кўриб “хўп”, дея бош ирғади.

Балконга чиқиб, сигарета тутатдим. Деразани қия очиб, ташқарига термилдим. Ёмғир бир маромда севаларди. Ялонғоч дарахтлар ҳаётнинг ўткинчилиги ҳақида ўй сураётгандай эди. Санай бошладим. Бир, икки, уч...

“Эртага тонггача бормайди!”

...ўттиз тўрт, ўттиз беш.

Дарахтлар-да ҳазиллашаётгандай ўттиз бешта чиқди. Шу уйда ижарада турганимдан бери уларнинг ўттиз бешта эканини пайқамабман.

“Эртага тонггача бормайди!”

Ўттиз олтинчи дарахтни жавдираб қидира бошладим. Шунда чопиб келиб, оёқларимдан кучган ўғлимнинг: “Дада, ўзингизам борасизми?” деган сўроғи фикримни бўлди. Уни кўрмасин, деб қўлимдаги сигаретни ташқарига отдиму:

– Эртагаёқ изларингдан етиб бораман”, – дедим.

– Алдамайсизми? – дея ўғлим оёқларимни маҳкам кучди.

– Дадалар алдамайди! – дедим унинг бошини маҳкам кучоқлаб, кейин қўшиб қўйдим: – Қишлоққа боргач, бобонг, момонг, онангнинг гапини икки қилма! Тушундингми?

У қўлларим орасидаги бошини ирғиди. Ота-бола шу кўйи узоқ туриб қолдик.

Уларни автобекатдан мошинага чиқаздим. Ойлик олганимни айтиб, хотинимга кўпроқ пул бердим.

– Бунча пулни нима қиламан? – деди ажабланиб Садоқат.

– Ортиқчаси бўлса, отамга берарсан, – дедим беихтиёр кулиб.

<sup>1</sup>Тизанламоқ (шевада) – чўккаламоқ.

– Ўзингиз бориб олиб келасиз-а?

– Ҳа, индинларга етиб борсам керак...

Мошина кўзгалди. Ортимга қайрилдим. Энди чини билан йиғлаб юбордим. Фақат овозим чиқмасди. Катта-катта қадам ташлаб кетиб борардим. Шу кетишда: “Ўғлим билан хайрлашмаганим яхши бўлган экан, бўлмаса ўзимни тута олмасдим”, деб ўйладим. Хайрлашиш, чиндан хайрлашиш кўрқинчли бўлишини шу дам ҳис қилдим. Айниқса, сенга меҳр улашганлар билан хайрлашиш оғир экан.

Ёмғир тинибди. Ўзимга келиб, дўстимга кўнғироқ қилдим. Ишда экан. Олдига ўтишимни айтдим. Боришимга рози бўлди. Таксига ўтириб, ўн беш дақиқада унинг ишхонасига етдим.

Сўрашгач, ишхонаси ҳовлисидаги ўриндиқлардан бирига ўтирдик. У ёқ-бу ёқдан гаплашдик. Ўзимиз яхши кўрадиган ошхонага тушликка бордик. Икки хил овқат айтдик. Таомлар доимгидан ширин эди. Дўстимнинг ҳай-ҳайлашига қарамасдан, ҳисобни ўзим тўладим. Бундан бироз ранжиди. “Келаси гал тўларсан”, деганимдан кейин чеҳраси сал очилди. Ишхонасигача жим бордик. Лекин қандай гап бошлашни билмасдим. “Қобил, эртага эрталаб бизни кига кел, мени кузатиб кўясан!” дедим охири. “Қаёққа кетаяпсан?” деди ажабсиниб. “Узоққа”, – дея кулдиму кўшиб кўйдим: “Қишлоққа – уйимга...” Кўйнимдан дўхтирлар берган қоғозларни чиқариб унга узатдим. У лом-мим демай қоғозларга узоқ термилдию ийманибгина сўради:

– Қачон билдинг?

– Бугун!

– Ташхислар доимам тўғри чиқавермайди!

– Лекин бу энг янги ускуна хулосаси экан! – дедим синовчан.

У индамади. Бироз жим турди-да бирдан жонланиб:

– Юр, оғайни, сени шаҳардаги энг яхши врачга обораман! Ҳар қандай янги аппаратам, энг зўр дўхтирам адашиши мумкин-ку? – деди.

– Кўй, ошна! – дедим хотиржам.

– Ҳеч қаёққа кетмайман! Бугун ёнингга бўламан! – деди қатъий оҳангда.

– Илтимос, Қобил, бугун ўзим учун яшамоқчиман! – дедим уни совитиш мақсадида.

У бўйнимдан маҳкам кучоқлади.

Ошнам билан ҳеч қачон бу қадар яқин бўлмагандик. Дардимга шерик бўлгани учун дўстимдан миннатдор бўлдим, ишига қайтишини илтимос қилиб, уйимнинг иккинчи калитини узатдим. Аввалига олишни истамади. Хўрсина-хўрсина кўлимдагини олдию мени яна бағрига босди. Зўрага “Ота-онамни йўқлаб тур!” дея олдим, холос. Ортиқ бу ерда қолмаслигимни англаб, ошнам билан хайрлашиб йўлга отландим. Унинг охири марта менга термилган кўзларида чўкаётган одамга ҳеч қандай ёрдам қўлини чўза олмай изтироб чекаётган инсон қиёфасини кўрдим.

Пиёда юргим келди. Қаерларгадир бордим, нималардир қилдим. Ҳеч бири эсимда йўқ. Эслганим, кўзимни очсам, қандайдир ўриндиқда ўтирган эканман. Кўзим илинган экан. Атрофимни идрок этсам, айланиб-айланиб адиблар боғига келиб қолган эканман. Қарасам, уларнинг ҳаммаси ўриндиқда ўтирибди. Нега? Бу ҳақда шу пайтгача ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Боққа шунчаки келиб-кетаверибман-да. Бошқа боғдаги шоиранинг ҳайкалини-да кўз олдимга келтирдим. Уям ўриндиқда ўтирибди. Қатағон замонида юрак ҳовучлаб қалам тебратган ижодкорларимизнинг жисман, руҳан толиққанини ҳайкалтарош яхши фаҳмлабди. Қойил!

Боғдан чиқиб кетарканман бояги совуқ гап ногаҳон эсимга тушди:

“Эртага тонггача бормайди!”

Нақадар совуқ сўзлар! Шунда телефоним жиринглаб қолди. Сесканиб кетдим. Йўл бўйидаги ўриндиққа чўқдим. Чуқур-чуқур нафас олиб телефонимнинг ойнасига қарадим: “Онам”. Бир неча кундан бери онамни йўқламаганимни, ҳатто эсдан чиқариб кўйганимни ўйлаб, ўзимдан нафратланиб кетдим!..

“Болажоним, ўзингмисан?” дедилар саломимни кутмасдан. Овозимга имкон қадар қувонч оҳанглиридан кўшиб гаплаша бошладим. Сўрашгач мени саволга тутди:

– Негадир кўнғлим ғаш, кеча тушимгаям кирибсан, соғлигинг яхшими ўзи?

– Худога шукр, яхшиман! Эна, бугун келинингизни олдингизга жўнатдим.

– Вой, болам-эй! Яхши қилибсан-да! Ўзинг қачон келасан, ўзинг?

– Бир-икки кунда бориб қоламан, эна.

– Тани-жонинг соғ бўлсин, илойим!

– Раҳмат, эна! Дуо қилиб туринг!

– Икки кўлим доим дуода!

– Эна!

– Ҳа, жоним болам!

– Бодом гулладими?

– Эҳ-ҳэ! Сўрама, болам! Кўриб кўзинг қувнайди! Эҳ, болам-а! Ўша шаҳарингдан уч-тўрт кунгинага ортиб, бир келиб-кетсанг, ҳаммасини ўзинг кўрардинг! Ҳаммамиз сени соғиндик, соғиндим!

– Бораман, эна!

– Тезроқ келақол!

– Эна! Ҳалиги...

– Гапиравер, жон болам!

– Йўқ, ўзим, ҳеч нарса! Майли, бўлмаса!

– Тани-жонинг соғ бўлсин!

Алоқа узилди. Юрагимнинг бир четиям чирт узилди. Издан чиққан

поезддай нима қиларимни, қаерга боришимни билмай қолдим.

Ўриндиқ ёнидаги энди куртак ёзаман, деб турган дарахт шохларига боқиб болалигимни эсладим. Адирларда майсалар бош кўтарган чоғи. Болалигимда қизлар гуллаган бодом шохини синдириб олиб, чаккаларига таққанлари, Боботоғ адирлари бағрида чопиб қўй боққанларим эсимга тушди. Қалбимда занг қоплаган ям-яшил ҳаётга қайта жон ина бошлади. Хаёлим беихтиёр ўша кунларга улоқди.

...Синфдош қизнинг сочидан тортиб йиғлатганларимни эсдан чиқариб бўларканми?! Қўшнимизнинг боғидан олма узиб еганларимни хотирамдан ўчириб ташлай оламанми? Ёз кунлари туш пайти уйдагиларнинг кўзини шамғалат қилиб ялангоёқ лойқа сувга чўмилишга борганларим ҳаётимнинг энг ширин лаҳзалари экан. Иссиқ тупроқда ётиб олиб, куёшда қорайганларим-чи! Болалигим ҳозир менга ҳар қачонгиданам яқин эди.

Ундан-да кичиклигимда бобом яшил мошинасида мени катта шаҳарга олиб борганини эсладим. Универмагда ичига одам сиғадиган ўйинчоқ мошин кўзимга яхши кўришиб қолса бўладими. Ўшани олиб берасиз, деб ерга ўтириб олиб, тир-тир енгарлик<sup>1</sup> қилиб, бутун универмагни оёққа турғизай деганман ўшанда. Уйга қайтаётди меники бўлиши керак бўлган нарса тобора ортда қоларкан, йиғим янада кучайган, шунда сўнги илинж – шўпир бобомнинг сочидан тортдим. Чўлнинг ўртасида тақа-тақ тўхтадик. Мошинадан туширилдим. Эллик-юз қадамча ортда қолгач, баттар йиғлаб мошинанинг ортидан чопганимни эслаб... юзимга кулги оралади.

Қишлоғимни қаттиқ соғинганимни ҳис қилиб телефон титишга тушдим. Интернетдан сунъий

<sup>1</sup>Тир-тир енгарлик (шевада)– қайсарлик.

йўлдош харитасига кирдим. У турган жойимни кўрсатарди. Амаллаб қишлоғимни топдим. Ҳар гал уйга қайтаётганда мени кучоқ очиб кутиб оладиган Бўйрабобим кафтдай эди. Баданимга чумоли ўрмалагандай бўлди. Туғилган тупроғингни осмондан кўриш бошқача бўларкан. Харитадан бобо уйимни кидирдим. Болалигимнинг кўп қисми ўтган уй кўзимга бошқача кўринди. Нарироқдаги ота уйимда илиқликни ҳис қилдим. Мана, томорқамиз, дарахтларимиз, уйимиз. Хаёлан уйимизнинг томига кирдим. У ерда китоблар, кийилмай қолган кийимлар, яна бир қанча буюмлар бор эди. Шифтда тағин нимадир осилиб турибди. Нима экан-а? Ахир бу бешик-ку! Мени, укаларимни, сингилларимни катта қилган бешик! Онажоним тебратиб тепасида бизга аллалар айтиб берган бешик! Мен туғилганда қувонган бобом қора толдан ясаган мустаҳкам бешик!

Харитани бармоқларим билан йиғдим. Бўйрабоб тағин кафтдай бўлиб қолди. Қишлоқ адоғидаги оқ нуқталарнинг нима эканига қизиқиб, ўша жойни яқинлаштирдим. Не кўз билан кўрайки, оқ нуқталар қабристон эди. Бир муддат жим қолдим. Кўмилган қариндошларимизни эсладим. Харитадаги қабристон билан хаёлимдагисини солиштирдим. Қабристон кенгайиб қолгандай эди. Чинданам, мен билган қабристонда бирорта бўш жой қолмапти. Қўшилган жойни яқинлатдим. У ерда ўн-ўн бешта қабр кўзга ташланарди. Мен учун ҳаммаси янги. Қишлоқда бўлмаганимда кимлар оламдан ўтди экан? Уйдан кетганимдан бери анча вақт ўтганини ҳис қилдим. Эрта-индин қабрлар ёнида янги қабр пайдо бўлишини ўйлаб юрагим увишди. Ўйларим чувалашиб қолди. Харитани тезда йиғдим. Қабристон кичрайиб, қишлоқ ичида йўқолди. Ўрнимдан кўзғалдим.

Совуқ хаёллар билан китоб дўконига келиб қолибман. Ичкарига кирдим. Ўқимаган китобларимни олдим. Почтага бориб уларни ота уйим манзилига жўнатма қилдим. Китобсуяр синглим учун. Акаси ўқиёлмаган китобларни ҳеч бўлмаса у ўқисин! Фақат Қуръони Каримни ўзим билан олиб қолдим. Шуурумда шифокорнинг совуқ гапи акс-садо бериб, юрагимни титратиб юборди:

“Эртага тонггача бормайди!”

Лекин тонггача улгуришим мумкин-ку!

“Худога шукр!”

Уйга шошдим. Почтадан чиқсам, қош қорайибди. Шу яқиндаги масжиддан келаётган шом азони қулоғимга доимгидан айрича эшитилди:

Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!..

Ёмғир кучайганди. Кун бўйи ёнимда олиб юрганим – ҳамшира берган соябонни энди очмасам бўлмайди. Боғичини бўшатиб, уни ёйдим. Ўнта тиргаги бор бошпана бошимни тўсди. Уйга пиёда кета бошладим.

Сўнғ қанча юрганимни, нималар қилганимни, уйга қандай келганимни эслолмайман. Билганим, мутолаа жараёнида чиндан яшаётганимни ҳис қилдим. Тонгга яқин уйку элита бошлаганида эса ўзимни икки дунё оралиғида туйдим. Қайтиб кўз очмаслигимдан кўрқмай қўйдим. Ўқиганларим ёмғир томчиларининг шитир-шитирига қўшилиб умримда эшитмаган товуш – кўкламнинг ёқимли куйи янглиғ миямда айланарди. Ўйласам, куй ҳаётнинг ўзига ўхшаш экан. Куй ибтидо ва интиҳо ўртасидаги кўприклигини англадим. Куйдан бўлак ҳеч нарсани идрок этолмасдим. Юрак уришларим-да, нафас олишларим-да, сассиз сўзларим-да, сўнгсиз ўйларим-да куй бўлиб қолганди. Мен куйга айлангандим. Борлигимни эгаллаган ёқимли куйни не тонгки тонгда эшик қўнғироғининг жаранги бўлиб юборди...



Адхамбек АЛИМБЕКОВ

# ЯПРОҚ ҲИКОЯЛАР

Бугунги тезкор замонда одамлар қисқа фурсатда кўп ишларни қилишга уринадилар. Замондан орқада қолиб бўлмайди. Шу маънода қисқа ҳикоялар ёзишга уриндик. Қолаверса жаҳон адабиётида қисқа ҳикоялар ёзиш тажрибаси бор. Тўғри-да, бир қаторли шеърлар бўлганда, нега бир-икки гапдан иборат ҳикоялар бўлмаслиги керак. Асли ҳикоянинг моҳияти бир жумлада зуҳур этади-ку. “Ҳар қандай асар, одатда, бир сўз учун ёки бир сатр, бир фикр учун ёзилади” – деганди устоз Тальят Солиҳов. Бизнинг япроқ ҳикояларимиз ҳам шу йўлдаги изланишлардандир. Изланиш айб саналмас.

## Беқадрлик

– Мен сени телбаларча севаман, – зорланди йигит.  
– Аҳмоқларнинг севгиси керакмас, – кибрланди қиз.

## Никоб

– Қанчадан буён кўришмадигам, ғамлашмадигам, тинчмисан, дўстим?  
– Э... вақт йўқ, – кўнглидагини яширди иккинчиси.



## Артист

– Суйганидан кўнгли озорланган қиз зорланди: – наҳот шу пайтгача айтганларингиз ёлғон бўлса?  
– Фонограмма эди – сурбетланди қаршисидаги.

## Садоқат

– Сени мenden ҳеч нима айира олмас, тўсолмас!  
Кўз ёшларим пардасидан ўзга.

## Меҳрибон

– Бир бориб бобойни кўриб келмоқчи эдим, – виқор-ла деди супермаркетда бозорлик қилиб юрган Бойвачча тасодифан кўришиб қолган танишига. Ажнабий русумли машина Меҳрибонлик уйи олдига келиб тўхтади.





## Ғурур

– Санамларнинг, гўзалларнинг баданини менга қиёслайдилар, – гурурланди сарв. Танасининг тошдек қаттиқлиги иши йўқ.



## Очиқлик

Унинг қулоғи ғийбатларга, оғзи нобоп сўзларга очиқ эди. Оқибат кўзлари ҳам очиқ кетди.

## Китоб

Ақлингга қараб таъсир қиладиган (сўз айтадиган) самимий дўст.



## Нега

Қуёш нур таратмаса ҳаёт йўқ. Аммо осмон беазаги юлдузларни кўринмас қилиб қўяди.

## Барҳаётлик

Одамларга наф келтира олишда зуҳур этади.

## Тўроҳлик

Гулнинг тикани: “Боғбон мени суйганидан суғорар”, – дея кўнглин чоғлар.

Гул туфайли сув ичганин билмас.

## Олижаноблик

Пул тўла ҳамён топиб олганда суюниш эмас, ҳамён йўқотганга ачинишда.

## Телефон

– Қўл телефони, роса омадинг келди. Урф бўлишда чемпионсан. Аммо одамларни яқинлашти-япсанми ёки аксинча?



## Меъёр

Кўзгудаги ўз латофатига маҳлиё кўзлар, кўзгуга тақаб қаради ва ҳеч нима кўрмади. Жаҳлдан улоқтирди ва кўзгусиз қолди. Меъёрни билмаслик душманам, ўксинди кўзлар.



## Тўсик

Кўзнинг нуруни кесиб бўлғайму. Фақат сенинг жамолинг.

## Нега издан чиқмас?

Ер шари коинот чексизлигида муаллақ айланиб юради. Нега бир издан чиқиб кетмай ёки мунтазам бир томонга, ё турли томонларга оғиб кетмайди. Сабаби тинмай ўз ўқи атрофида айланишидир. Ўзлигини топган инсондек йўлини йўқотмайди она ер.



## Қувим

Ёруғликдан узоқлашган сари соя каттаверади ва оқибат йўқолиб кетади. “Катталик” ортидан қувим юрганлар, соянгга ҳам разм сол.



## Шошқалоқлик

Бир-икки кунлик илиқ кунларнинг шабадаси дарахт куртакларини хўп эркалади. Майинликдан хушбахт бўлган ғунчалар эртарақ лаб ёрдилар. Афсус, кейинги кечадаги қора совуқ уларни уриб кетди.



**Нурилла ЧОРИ**

# Дуога очилган қўллар

*Яратгандан юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик сўрайди*

...Бодомга ҳавас қилиб ўрик гуллаган. Кўклам ёмғири дашту далаларга яшил гилам тўшаб, болаларнинг қийқириғига эш қўй-қўзиларнинг бараши кўнгилларга кенглик бахш этган.

Изиллоқнинг адоғидан шарқираб оқаётган Тагисарой ариғи бўйида уч-тўрт ёш йигит ер ковлаётгани қўшни лолазорликларга ҳам кўришиб туради. Толмас тегирмончи пешонасига кўлини қўйиб, узоқ тикилди, тин олди: “Изиллоқликлар йилбоши сайлини бошлабди-да. Бизникилар нега ҳалигача жим?” дея хаёлидан ўтказди ва ўз ҳамқишлоқларини койиган бўлди...

Ер ковлаётганлар қатори кенгайиб, ўтин ёришга тушганидан аён бўлдики, улар ўчоқ қазишаётган экан. Қишлоқдан икки-уч одам бўлиб келаётганларга болалар ҳам эргашган, “ҳа” дегунча қишлоқ аҳли жам бўлди.

Тол чўпдан от минган болалардан бири “тулпорини кишнатиб” чопиб кетди. Ортидан иккинчи, учинчиси “бедов”ини чоптирди. Кўз очиб-юмгунча киши билан эгнидан ташламай келган иссиқ чопони улоққа айланди.

Ўчоқ бошидаги ошпазлардан бири қурбонлик қилинган жонлиқнинг қулоғини мўйлови сабза урган ўсмирлар томон “Қулоқчўзма”, дея отиб юборди. Бу томошани қаранг! Бири қулоқни олиб қочган, қолганлар унинг ортидан қувган. Ким етса, қочганнинг қулоғидан тортади – токи қулоқни ерга ташламагунча. “Қулоқчўзма”га ташланган қулоқ энг чаққон, энг чопқир ўсмирнинг қўлида қолади. Фолибни эл тақдирлайди. Қўлни дуога очиб қутлайди.

Бунни қарангки, дуо бериб фолибни мукофотлаган боболар ҳам шу куни болага айланиб, неваралари билан “чиллик”, “ошиқ” ўйнайди. Қизиғи, невара чиллик урса, саксон ёшли нуроний уни олиб келгани лўкиллаб югуради. Ошиқ ўйнаб фарзандларига ютқазаетган боболарнинг: “Биз-ку умримиз давомида гоҳ фолиб, гоҳида мағлуб бўлиб ўтдик. Ҳой, сизлар ҳеч қачон мағлуб бўлманглар!” деган тилагида ҳам эзгу ният, ҳам талаб балқиб туради.

Жажжи болакайни варраги тортиб кетади. Болаларнинг шодон ҳайқириғидан эл кўзи мусаффо осмонга қадалади. Осмон тўла

варрак, йўқ, варрак эмас – орзулар, умидлар, эзгу ниятлар!

Чиллик ўйнаган боболар чанқайди. Кўпкари чопган “чавандоз”нинг қорни очади. Варраги кўкка парвоз этаётган болакай онасини турткилай бошлайди... Кимдир: “Йилоши пишдимми? Пешин бўлди-ку!”, дея овоз беради.

Таом дастурхонга тортиладиган чоғда бутун қишлоқ – момолардан тортиб келинларга қадар, бўйқизлардан то азадорларгача шу ерга жам бўлади. “Ош каттадан, сув кичикдан” деганларидай таом ёши улуғлардан бошлаб болакайларгача тарқатилади. Тамадди қилганлардан бирортаси ҳам қишлоқ имоми Султонмурод махсум, азиз-авлиёлар ва аждодларининг руҳларига бағишлаб Қуръон тиловат қилиб, “Қишлоқ аҳлига аҳил-иноқлик, инсофу диёнат, сихат-саломатлик, юрт тинчлиги-ю тўкинлигини, бу йилги деҳқончилиги-ю чорвасига, жамийки ҳосилига қут-барака” сўрамагунча жойидан жилмайди.

Бу одатдаги бир эҳсон оши эмас, балки азал-азалдан кўкламни уйғониш, оламнинг янгиланиш ва яшариш, табиатнинг қайта туғилиш чоғи, ҳаётнинг янги бир

мавсуми бошланиш палласи деб билган элнинг аънаси. Шунинг учун фарзандталаб киши ҳам, бемор ҳам, бирор эзгу ишни бошлаётган тадбиркору ишбилармон ҳам, зурриётларининг иқболидан умидвор ота ҳам бундай фурсатни қўлдан чиқармай, эл дуосини олишга шошилади.

Қишлоқ оқсоқоли Маҳмуд ака ташаббусни бой бермасдан элни кенгашга чақиради: “Эй аҳли Изиллоқ, бугун бир неча масалани кенгашиб олишимиз зарур. Сизларга, аввало, қишлоқ фаоллари, имоми, мактаб маъмурияти ва фермерларнинг айтар сўзи, талаб ва истаги бор. Қишлоқимизга экинларни суғоришга келадиган сув уч қишлоқдан ўтади. Буни барчангиз биласиз. Аммо шу ариқни қазिश ва тозалаш ишларида ҳамма баробар қатнашмади. Ўзини орқага тортиб турганлар, бир кун вақт ажратмаган кишилар ҳам эртага шу ариқдан сув ичади. Бу уят!”



– Ҳашарга чақирдим, – деб гап бошлайди Турсунпўлат полвон.

– Ўтган йили тоғдан сув келгани йўқ, ҳашарда нима қиламан, деганлар ҳам орамизда бор. Шукрки, бу йил қиш яхши келди. Худо хоҳласа, сувимиз мўл, экинларимиз серҳосил бўлади. Аввало, ниятни яхши қилиб, эл юмушидан қочмай қатнашиш керак.

Оқоқол яна сўз олади:

– Қувондиқ укамиз орамиздан ёш кетди. Ўғли Ёдгорбек ҳали мактабга чиққани йўқ. Унинг оила-сига маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ёрдам кўрсатилаяпти. Биз-чи? Биз нима ёрдам қила олдик? Ёш ўсмир йигитлардан талабим – унинг томорқасини суғоришга!

– Тўғри таъкидладингиз, оқсоқол! Мана, Қулмирза укамиз ҳам икки йилдирки, хорижда. Болалари ёш. Келин томорқасига полиз етиштиролмай, ўт экиб қўйган. Помидор, бодрингдан тортиб сабзи, пиёзни ҳам шаҳарликлардай бозордан сотиб олади. Негаки, шу экинларни томорқасида экса, моли ёзнинг кунда оч қолади. Биз бўлсак, Қулмирзанинг аёли, болалари бир кунлик чўпонлик навбатини ўтказа олмаслиги сабаб, уларни навбатга қўшмаганмиз. Унинг молини кўплашиб боқсак, рўзгорининг бутлигига, дастурхонининг тўкислигига ҳисса қўшган бўламиз. Тўй қилса, яхши кунларни нишонласа, шу элга беради, – деб сўзига якун ясади Ҳошимхон.


– Яхши эслатдингиз, Ҳошимхон. Шу тўйларимиз тўғрисида гапим бор эди, – дея давом этади Султонмурод махсум. – Ўтган йили қишлоқда бир-биридан чиройли, тартибли тўйлар қаторида дабдабозликка берилиш ҳолатлари, кимўзарга, мен сендан камми қабилида тўй ўтказишлар, ичкиликни ҳаддан зиёда, ҳатто ёшлар олдида ҳам қўйишлар бўлди. Бу билан ўз фарзандларимизни, ортимиздан қоладиганларимизни ичкиликка, унинг ортида

турган ахлоқсизликка ундамаяпмиз, деб қани, ким айта олади? Бу йилги тўйларимизда бундай ҳолатларга асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу, аввало, тўй ўтказадиган кишининг фойдаси. Ундан сўнг шу элнинг.

– Одам саломатлигига тамаки ва спиртли ичимликларнинг салбий таъсир кўрсатиши азалдан маълум. Ёш авлодни бу иллатдан холи қилиш учун соғлом турмуш тарзига эришиш лозим. Бунинг учун мактаб ва коллеж ўқувчиларини дарсдан бўш пайтларида спортнинг оммавий турларига жалб этсак, маъқул бўларди, – деди Камолиддин муаллим.

Шу тариқа бир неча маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қишлоқдошлар кенгашиб олишди. Бундан кейинги йилбошиларда фермер хўжаликлари раҳбарлари қаторида, қишлоқ врачлик пункти шифокори, туман электр таъминоти бўлими ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг вакилларини ҳам жалб этиш, пировардида эл фаровонлиги, тотувлиги, оилалар мустаҳкамлиги, навқирон авлод вакиллари орасида соғлом турмуш тарзининг қарор топишига замин яратиш борасида қишлоқ фаоллари, нурунийлар томонидан қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди, режалар кенгашиб олинди.

Доно халқимизнинг “Эр йигитни эл қўллайди”, “Кўпнинг дуоси Хизрнинг назарича бор”, деган нақллари, балки шундай шукуҳли кунлар сабаб айтилгандир. Яққабоғ тумани “Янги ҳаёт” қишлоқ фуқаролар йиғини таркибида аҳил-иноқлик билан бир-бирига маслакдош, ҳамфикр, суянч ва таянч, қавму қариндош бўлиб келадиган Изиллоқ аҳлининг йилбошисига ҳавас қилган Толмас тегирмончи лолазорликларни йилбоши ўтказишга, ўз эли билан йил давомида қилинадиган эзгу амаллар хусусида кенгашишга ундади.



Ги де Мопассан

## Мурғанин

# қўли

Ҳикоя

Бир куни кечқурун, бундан саккиз ой муқаддам, дўстимиз Луи Р.нинг хонасига бир неча собиқ синфдошлар йиғилдик. Пунш ичдик, чекдик, адабиёт ва рассомлик санъати ҳақида гап сотдик, одатда ёшларнинг гурунгларида айtilадиган ҳазил-мутуйибалар бўлди. Бир пайт туйқусдан эшик ланг очилиб, болалиқдаги бир дўстим хонага қуюндай бостириб кирди.

– Хўш, қани, ким айтади, мен ҳозир қаердан келдим? – қичқирди у.

– Гаров ўйнашим мумкин, Мабилдан! – деди кимдир.

– Йўқ, кўринишингдан кайфинг чоғ, ҳарқалай, бирор жойдан қарзга пул ундиргансан ё бувангни дафн этиб қайтдингми? Ҳа, топдим, соатингни гаровга қўйгансан, мўлжалингдаги нархда, – деди бошқаси.

– Менимча, сен жиндай отгансан, – деди учинчиси. – Луиникидаги пуншнинг ҳидини олиб, томоғингни яна ҳўллагинг келиб қолган.

– Йўқ, тополмадинглар, мен П.дан келдим. Нормандиядаги П.дан. Бир ҳафта бўлдим у ерда, мана ўзим билан бирга бирода-римниям олиб келдим, рухсат

этинг, жаноблар, уни сизга таништирай!

У шу сўзларни айтиб чўнтагидан териси шилинган одам қўлини чиқарди. Қўл ниҳоятда қўрқинчли эди: қоп-қора қуриб қолган бармоқлари узун, майишиб кетганга ўхшарди. Фавқулодда бақувват мушакларнинг юқори ва қуйи қисмида шилинмай қолган, пергаментга ўхшаб кетадиган тери парчалари тарам-тарам, бармоқларининг учидан сарғимтир ўткир тирноқлар туртиб чиқиб турарди. Бу манзарадан шундоққина жиноятнинг ҳиди анқирди.

– Тасаввур қилинг, – ҳикоя қила бошлади дўстим, – яқинда вилоятга донғи кетган бир қари жодугарнинг қўқир-сўқирларини сотишди. Жодугар ҳар ҳафтанинг шанбасида супургисига миниб, жинлар базмига отланар, жодугарлик билан шуғулланар экан: сигирларга кинна солганида жониворларнинг сути кўм-кўк кўкариб, думлари худди авлиё Антонийнинг надиминикидай тиккасига буралиб кетаркан. Ўша қари алвасти мана шу қўлга жуда меҳр қўйган экан.

Унинг айтишича, бу қўл ўзининг қонуний хотинини боши

билан қудуққа ташлаб юборгани (дарвоқе, буни шахсан мен жиноят деб ҳисоблайман) ва бунгача ўзларини никоҳлаган руҳонийни жомнинг арқонига осиб ўлдиргани учун 1736 йили қатл этилган донғи кетган бир каллакесарга мансуб эмиш. Ана шу қўшалок жасоратни амалга оширганидан сўнг бу муттаҳам беҳад оғир жиноятларга қўл уради, ўзининг хийла қисқа ва айни пайтда саргузаштларга тўлиб-тошган умри мобайнида юзлаб сайёҳларни шилади, монастирда йигирматача руҳонийни тутунга қамаб бўғиб ўлдиради, аёллар монастирини ҳарамга айлантиради.

– Нима қилмоқчисан бу жирканч матоҳни? – деб сўрадик биз.

– Ҳе, жин урсин, ижарачиларни бир қўрқитай. Буни мен эшикнинг қўнғироғига дастак қилиб бойлаб қўяман.

– Дўстим, – деди новча, тепса тебранмас инглиз Генри Смит, – кўп ҳовлиқаверма, менимча, бу қўл янғича усулда консерваланган гўшт, холос. Мен сенга ундан шўрва қайнатишни маслаҳат бераман.

– Ҳазилни бас қилинглар, жаноблар! – деди ширакайф талаба-табиб сиполик билан норози

оҳангда. – Сен эса, Пер, менинг оқилона маслаҳатимга қулоқ осгин-да, майитнинг бу аъзосини масихчасига дафн этгин, акс ҳолда эгаси қўлини қидириб сенга йўлиқади: боз устига, қўлнинг эгаси манфур одатини такрорласа ҳам ажаб эмас, ахир, ўзинг биласан-ку, “тарки одат – амри маҳол”.

– Ҳа, тарки одат – амри маҳол! Ичган – тагин ичади! Қани, олдик! – дея қувватлади уй эгаси ва талабага катта қадахни тўлатиб пунш кўйди. У қадахни бир кўтаришда бўшатди-ю, кайфи ошиб столнинг тагига қулаб тушди, хонада қийқириқ кўтарилди. Пер қадахни кўтариб, мулозамат қилгандай қўлга хийла энгашиб, деди:

– Сенинг эганг билан бўлажак учрашув учун ичман!

Шундан сўнг суҳбатимиз бошқа мавзуга кўчди ва орадан кўп ўтмай ҳамма уй-уйига тарқалди.

Эртаси куни, соат иккиларда мен Пер яшайдиган уйнинг олдидан ўтаётим, бирров кирдим.

– Хўш, қалайсан? – деб сўрадим ундан.

– Зўр, – деди у.

– Қўл қаерда?

– Қўлми? Нима, кўзинг тушмадим, кеча кечкурун уйга кираётим қўнғироқнинг ипига осиб қўйгандим. Ҳа, тасаввур қиласанми, аллақандай телба ярим оқшом қўнғироқни роса жиринглатса бўладими, ҳарқалай, кимдир биров бебошлик қилди чоғи, мен кимсан, деб чақирдим, ҳеч ким жавоб бермади, кейин тўшакка чўзилиб қотиб ухлаб қолибман.

Шу пайт қўнғироқ жиринглади. Бу уйнинг хўжайини – кўпол, ёқимсиз бир нусха эди. У хонага тумтайганча кириб келди, ҳатто ҳол сўрашни ҳам ўзига эп кўрмади.

– Ҳурматли жаноб, – деди у дўстимга, – бу ўлимтикни дарҳол йўқотишга рухсат этинг, акс ҳолда сизни хонадан чиқариб юборишга мажбурман.

– Марҳаматли жаноб, – фавқулодда жиддий оҳангда жавоб берди Пер. – Сиз қўлни ҳақорат қилдингиз, ахир, у бунга муносиб иш қилгани йўқ-ку. Билиб қўйинг, бу қўл бағоят ахлоқли инсонга мансубдир.

Хўжайин бурилиб, хайрлашмасдан чиқиб кетди. Пер унинг ортидан бориб қўнғироқдан қўлни ечиб олди ва уни тўшагининг устидаги қўнғироқ ипига илдириб қўйди.

– Мана шу ерда тургани маъқул, – деди у. – Бу қўл худди тирранчалар: “Биродарлар, ўлишга тўғри келади”, деганларидай, ҳар оқшом уйку олдидан мени жиддий фикрларга ундайди.

У билан бир соатча ўтириб, уйга қайтдим. Кечаси уйқум қочди, ҳаяжонландим, асабим бузилди, бот-бот босинқираб уйғониб кетдим. Бир маҳал аллаким бош учимда қаққайиб тургандай туюлди, ваҳима босди, ўрнимдан ирғиб турдим, каравотнинг тагига

қарадим, шкафни очдим. Ниҳоят, соат олтилар эди, чамаси, кўзим илинибди, бироқ эшик шунақанги ваҳимали тақилласа бўладими, тўшакдан сапчиб туриб кетдим. Тақиллатган дўстимнинг хизматкори экан, яримьяланғоч, ранг-рўйи доқадай, жағи-жағига тегмайди, аъзойи бадани қалтирайди.

– Ў, жаноб! – хитоб қилди у йиғламоқдан бери бўлиб. – Шўрлик хўжайинимни ўлдириб қўйишди!

Апил-тапил кийиниб, Пернинг уйига югурдим. Тумонат одам, ҳамма ҳар томонга зир юрган, рўй берган фожиани ҳар ким ўзича тўқиб-бичиб изоҳлар, ҳаяжондан бўғилиб баҳслашарди. Оломоннинг орасини ёриб ўтиб, дўстим ётадиган хонага бир амаллаб етдим: эшикни ичкаридан бекитиб олишган экан, кимлигимни айтгандан сўнг киритишди. Тўрт нафар полиция ходими хонанинг ўртасида қўлларида ёзув дафтарчалари, бор нарсаларни бирма-бир синчиклаб кузатишар, ора-сира шивирлашиб дафтарчаларига бир нарсаларни ёзиб қўйишарди: икки нафар табиб беҳуш ётган Пернинг бошида гаплашиб турарди. Пер тирик эди, афт-ангоридан от ҳурқади, башараси аянчли тусда, кўзлари косасидан ирғиб чиққан, кенгайиб кетган қорачиқлари кўзга кўринмайдиган аллақандай ёвуз махлуққа қарагандай даҳшатга тушиб бақрайиб қотиб қолган, бармоқлари эса қаттиқ сиқилганидан мушт бўлиб тошдай қотган. Гавдаси иягигача чойшаб билан ёпиб қўйилган. Мен уни ўмганидан олиб кўтардим, шунда томоғига чуқур ботиб кетган беш панжанинг изига кўзим тушди. Кўйлагига томган бир неча томчи қон қизариб турарди. Шу дақиқада мени бир нарса ҳайратга солди: фавқулодда кўзим унинг тўшаги устида осилиб турган қўнғироқнинг ипига тушди, кеча шу ипга дўстим боғлаб қўйган териси шилинган қўл йўқ эди! Балки кўрганлар кўрқмасин деб докторлар қўл-



ни ечиб олишгандир. Ахир, унга тасодифан кўзи тушган одамнинг юраги чиқиб кетиши турган гап. Қўлнинг қаерга дафн этилганини сўраб ўтирмадим.

Энди эртаси куни газетада бу машъум жиноят ҳақида полициянинг эълон қилган хулосасини жамики тафсилотлари билан келтирай.

Мана, мен газетада ўқиган хабар:

“Ёш, машхур норманд сулоласидан бирига мансуб талаба йигит Пер Б. кеч оқшом даҳшатли ёвузлик қурбони бўлди. У кечқурун, соат ўнлар чамаси, ётоғига қайтган ва хизматкори Бовенга рухсат бериб чарчаганини, ухламоқчи эканини айтган. Тун яримлаб қолган бир маҳалда қўнғироқнинг аянчли жиранглашидан уйғониб кетади. Юрагини ҳовучлаб ўрнидан тез туради-ю шамни ёқиб бироз кутади. Қўнғироқ овози бир дақиқа тинади, бироқ тагин узундан-узоқ жиранглайди: ўтакаси ёрилгудай қўрқувга тушган хизматкор қоровулга югуради. Қоровул полицияга чопади, ярим соат ичида етиб келган полиция эшикни синдириб ичкарига киради.

Улар хонага киришганда аянчли манзарага дуч келишади, мебеллар тўнтариб ташланган, кийим-кечаклар сочилиб ётарди. Бунни кўрган полициячилар жиноятчи билан унинг қурбони ўртасида аёвсиз жанг бўлган, деган фикрга келишади. Хонанинг ўртасида ёш йигит Пер Б. беҳуш чалқанча ётарди.

Унинг бадани титраб турар, юзида қони йўқ, қорачиқлари ваҳимадан кенгайиб кетган. Дарҳол бу ерга чақирилган доктор Бурдонинг фикрича, босқинчи кучли, бармоқлари узун ва чайир бўлган, чунки милтиқдан отилган ўқларнинг изидай беш панжа Пернинг гарданида нақ тешиб ўтиб, мушт бўлиб маҳкам сиқилган. Қотилнинг шахси ва жиноятга алоқадор биророрта далил топилгани йўқ”.

Эртаси куни шу газетада тагин шундай хабар чиқди:

“Кеча хабар қилганимиздек, оғир жиноятнинг қурбони бўлган жаноб Пер Б. доктор Бурдонинг икки соат мобайнидаги саъй-ҳаракатлари туфайли ўзига келди. Ҳозирча жабрланувчининг ҳаёти хавф остида эмас, бироқ ақл-ҳуши жиддий ташвиш туғдираётир, ҳануз босқинчидан бирор-бир нишона топилгани йўқ”.

Ҳа, шўрлик дўстим ақлдан озиб қолди, етти ойча уни йўқлаб, касалхонага бориб, кўриб турдим, аммо Пер ўзига келмади. У жиниларча жавраган пайтда оғзидан пойинтар-сойинтар сўзлар чиқарди, миясига елимдай ёпишган аллақандай фикр мудом уни азобларди: гўё уни арвоҳ тиндирмай таъқиб қиларди. Бир куни Пернинг аҳволи оғирлашиб қолди, деб хабар келди, тезда етиб бордим, мен борганда дўстим жон талвасасида эди. Шундан сўнг у икки соатча қимир этмай ётди. Бир пайт кутилмаганда каравотдан сакраб турди-да, тутқаноғи тутиб, чинқира бошлади: “Йўқот уни! Йўқот! У мени бўғаяпти! Дод! Ёрдам беринглар! Ёрдам!...” Пер фарёд чекиб жон талвасасида хонанинг ичини икки бор айланиб югурди-да, ўртага юзтубан қулади.

Боёқиш етим эди, жасадни оила аъзолари дафн этилган норманд қишлоқчаси П.га олиб бориш менга юкланди. Ўшанда, Луи Р.нинг уйида пунш ичиб, собиқ синфдошлар билан улфатчилик қилиб ўтирганимизда Пер мана шу қишлоқдан келган, бизга териси шилинган қўлни кўрсатган эди. Унинг жасадини кўрғошин тобутга солдик.

Орадан тўрт кун ўтиб, унинг биринчи муаллими кекса кашош билан қабр қазийётган жойда айланиб юргандик. Ҳаво очиқ, жуда ажойиб кун эди, мовий осмонда офтоб чарақлаб турибди. Болалигимизда неча маротаба маймунжон терган юлғунзорда қушлар чуғурлашарди. Ҳар гал панжарали

тўсиқни ёқалаб бориб, ўзимизга маълум майдоннинг этагидаги камбағаллар дафн қилинадиган жойдаги девор тирқишидан кирганимиз ёдимга тушди. Ҳар сафар оғиз-бурнимиз маймунжондан қорайиб уйга қайтардик. Буталарга термиламан: шохларда маймунжон сероб, беихтиёр бир бутани узиб олиб, оғзимга солдим. Кашиш дуолар китобини очди ва мингирлаб ўқий бошлади, хиёбоннинг нариги бошидан ерга урилаётган белкуракнинг зарби эшитилиб турибди: гўрковлар қабр қазийаётир. Тўсатдан улар бизни чақириб қолишди, кашош китобини ёпди ва биз нима гаплигини билиш учун бордик. Маълум бўлишича, гўрковлар қабр қазийаётир, бир тобутга дуч келишибди. Белкуракнинг зарбидан тобутнинг қопқоғи очилиб қолибди. Бир барваста жасаднинг скелетини кўрдик, скелет чалқанча ётар, бўм-бўш кўз косалари билан бизга ўқрайиб тургандай туюлди. Кўнглим беҳузур бўлди, негадир кўрқиб кетдим.

– Ана холос! – хитоб қилди гўрковлардан бири. – Қаранглар, бу жўмарднинг панжалари кесилган-ку!

Шундай деб скелетнинг ёнбошида турган қуриб қолган бармоқсиз билак суягини кўтариб бизга узатди.

– У менга ўқрайиб қараётганга ўхшайди, – деб кулди бошқа бир гўрков, – ҳозир томоғимдан олади, қўлимни топиб бер, дейди.

– Азизларим, – деди кашош, – мархумнинг оромини бузманг, бекитинг тобутни: биродаримиз бечора Пер учун бошқа жойдан гўр қазамиз.

Эртаси куни маросимлар тугади ва мен беҳосдан хокини безовта қилганимиз – ўша панжалари кесилган мархумнинг руҳига дуо ўқиб қўйишни сўраб кекса кашошга эллик франк бериб, Парижга жўнаб кетдим.

Аҳмад ОТАБОЙ таржимаси

# Ўзимга ўзимни эслатди саҳар



**Дадахон МУҲАММАДИЕВ**

## —→ Ёмғир остида... ←—

Қийналади офтобни кутиб,  
Ёмғирларда ивиган шаҳар...  
**Усмон АЗИМ**

Бу кеча осмоннинг бардоши синди,  
Ёмғирдан эзилиб уйғонди шаҳар.  
Тун бўйи дардимни янгилаб, энди –  
Ўзимга ўзимни эслатди саҳар.

Ёмғирпўш тагида мунғайиб, ҳориб,  
Ва яна севгини кўкларда тутдим.  
Ошкор тан олмоқни бўйнимга олиб,  
Ўзимни ва кейин... уни унутдим.

Унутдим – жонланиб бораверди у,  
Ўпкам тўлаверди, кўнгил тўлмади.  
Эсламаслик оғир, унутиш – қайғу,  
Ёмғирни баҳона қилиб бўлмади.

Оёғим остида хазон чамандек,  
Ҳавони симирдим, ҳазин, оғир, нам,  
Мен билан кетишни истамагандек –  
Ғурурни пеш қилиб қолмадим мен ҳам.

Кейин юракларим ёнди барқ уриб,  
Кейин осмонимни елларга бердим.  
Кейин ғуруримни бир четга суриб,  
Боримни ўзим ҳам боримча кўрдим.

Тентираб, довдираб, томчилар бўлдим,  
Ўйин тушиб бердим жилға-сойига.  
Боримни бахшида этиб... йиқилдим,  
Ёмғир сиймо бўлиб келган пойига.

Йўқ-йўқ, йиқилмадим, ерларга чўкдим –  
Кўлларим лойларга беланди бирпас.  
Гўё унинг қўлин энтиқиб ўпдим,  
Гўё муз устида учган каби маст.

Маст эдим, рўёлар бағрига сингдим,  
Сўнгги илинж билан ёлғиз қолгани.  
Хаёллардан олдин сен томон елдим,  
Тонгги тушларингга кириб боргани.

Кечикдим... Кечикдим чорасиз дарддай,  
Чорасиз изҳорлар қошингга етди.  
Бемаврид келган бир севинчли хатдай  
“Севаман” деган сўз хорланиб кетди...

Осмон кўз ёшларин сидириб олди,  
Ёмғир ҳам тўхтади ариган ғамдай.  
Қисматнинг лаҳзалик қадрини билдим,  
Қайтадан дунёга келган одамдай.

Кўлмақда шалвираб ётган барг бўлиб,  
Осмонни унутдим, ерни унутдим.  
Ёмғирга, ҳижронга таъналар қилиб,  
Миллион йиллик бахтнинг... бахрдан ўтдим!..



Гулчехра АСРОНОВА

# Ой қиз

Ҳикоя

У тенгқурлари ичида охирги бўлиб узатилди. Ахир кимдир охирги бўлиши керак-ку? Лекин одамлар бунини “ўтириб қолди” дейишади... Бу хунук ибора секин-аста қизнинг ҳам кўнглига мўралаб, ўзини-да ишонтира бошлаган бир пайтда совчилар эшик қоқди (қўшни қишлоқдан экан, бу икки гўшани бир-бирдан айириб турган биргина нарса – ўртадаги мўъжаз кўл). Ота-онаси енгил нафас олди, қиз эса кутилмаганда қайсарлик қилди – кўрмаган одамимга тегмайман, деб туриб олди. Ахийри, учрашувга чиқадиغان бўлишди.

Ойқиз мактабни битирган, холос, аммо китоб жону дили, унинг дунёқараши бу қишлоқ сарҳадларини аллақачон тарк этган. Ҳовлию дала тўла ишу ўқишга вақт топади. Шаҳардаги катта кутубхонада ишлайдиган қишлоқдош дугонасини тиндирмайди – ҳафта ўтар-ўтмас тугатиб, янгисини сўрайди. Китобни деб унча-мунча танбеҳ ҳам эшитиб туради. Ахир жўнгина, шу қишлоқдан нарини кўрмаган бир қизнинг кўнглида нима борлигига ким ҳам қизиқарди? Ҳамма ўзи билан ўзи овора, ота-онанинг биттагина ташвиши

– уни узатишса-ю, сингилларига йўл очилса. Ойқизнинг кўнгли эса бошқача, унда ҳар бир ўқилган китобнинг андозаси бор. Рангин, ўзга дунёлар, турфа тақдирлар, муҳаббат қиссалари, ўзигагина маълум орзулар ичида яшайди у. Ёр сиймоси ҳали Отабек, ҳали Илёс, ҳали Камронбей бўлиб гавдаланади қизнинг тасаввурида... Хаёлий маҳбуби мукамал сиймога айланиб бўлган, унинг фақат моддийлашуви қолган, илло, эртага шу буюк жараён рўй бермоғи ҳақида ўйлаб, ширин ҳаяжонга тушганди.

Эртасига, куз куёши эндигина қиздира бошлаган палла марказдаги кичиккина боғда учрашдилар. Мана У! Ҳа, худди ўзи!

Улар бир муддатгина хиёбондаги ўриндиқда суҳбатлашдилар. Ойқиз Унинг юзига уч-тўрт бор шоша-пиша қараб олди-ю, бошқа ботинмади. Йигитнинг ҳам овозида майин титроқ бор эди. Демак... Фақат негандир У тезгина, бироқ илиқ хайрлашди. Ойқиз бундан ранжимади, чунки яна бироз ўтирса, юрагида “повв” этган олов вужудига туташиб, ҳолини ошкор этиши мумкин эди. Уйга қайтгач, онасининг сўраб-суриштириш-

ларига “майли”, деб қўяқолди. Шуурида эса бир иқроор садо берарди: “Билдим, севги деганини билдим...”

О, бу қандай бахтиёрлик эди! Қайёққа қарамасин – Унинг қиёфаси, нима иш қилмасин – Унинг хаёли! Ҳатто китоб варақларида ҳам У! Бир мартагина кўрди-ю, кипригининг учигача эслаб қолди, назарида. Ота-онасига тобе ва бу тобеликни заррача малол олмаган гўзал ахлоқли қизлар, одатда, туйғуларига изн берилса, бутун борлиги билан севадилар.

Ойқизни энди биргина савол қийнади: наҳотки йигит ҳам уни кўргиси келмаяпти? Лоақал кўчасидан бир ўтсайди, узоқдан бўлса ҳам қорасини кўролса эди! Эҳтимол, йигитлар камроқ севишар?

\*\*\*

Тўй бошланди. Қудалар уни камчиқим, дабдабасиз ўтказишга келишдилар. Негандир, ҳатто оқшомги базм бўлмас, ота уйида қизлар ўзлари ўйнаб-қулишлари кифоя эмиш. Ойқиз кўп оёқ тирамай, кўнақолди. Қолаверса, унинг бахт ҳақида ўз тушунчаси бор: иккиси бирга бўлишса бас.



Ҳа, севги ҳам бир девоналик: Ойқиз на кам-кўстга қаради, на онасининг кун бўйи кўз ёш тўққанига ажабланди, аммаларининг “нима бўлганидаям тиниб-тинчи, ортга йўл йўқ!” деб уқтиришларига эса кулгиси келди ҳатто. Бехуда ваъз! Одамлар ғалати, қанча кутди ахир Уни, нега қайтсин?! Фақат бир нарсдан кўрқарди – кўзи кўзига тушганда, юраги севинчдан тарс ёрилиб кетмасайди...

Никоҳ ўқилган пайт, эски паранжига ўраб-чирмаб қўйилганидан, куёвни деярли кўрмади. Кейинроқ, келинлик либосида ичкарида Унинг келишини пойлаб тураркан, дийдор лаҳзаларининг яқинлигидан қалби гулбарг мисоли титради. Бу пайтда қиз ота-онаси билан видолашиб бўлган, шахзодаси остона ҳатлаб кириб келиши ва гул тутиб уни олиб кетиши тўйнинг ягона жозибали манзараси эканидан заррача ўқинмас, аксинча, бениҳоя масрур эди.

Эшикдан бир нечта жўраларини эргаштириб куёв кириб келди.

Куёв... кириб келди. Лекин... У қани?! Ойқиз ҳеч бир иккиланишсиз, қаттиқ тикилганча ўзи томон келаётган дўппили одамга ҳарир ёпинчиқ ортидан лол бўлиб қараб турди, сўнг, ҳеч нарсани идрок этмагани ҳолда қўлига тутқазилган гулни ихтиёрсиз олди-да, атрофга аланглади. Бу ким? Қани У? Бу сўзларни ҳайқириб айтди гўё, лекин ҳеч ким эшитмади. Ҳалиги одам “ушланг!” дегандай тирсагини ҳавола қилиб турарди. Дугонасининг турткисидан чўчиб тушди. Атрофдан “бўлинг энди, бўлинг!” деган овозлар қистар, бу худди бир алаҳсирашга ўхшаш ғайритабиий ҳодиса эди. Қиз унинг билагидан тутди-да, оёқлари қалтираганча эргашиб кетаберди. Худди гирдоб қаърига кириб борар, ўйлари пайдар-пай, дугонаси ҳар бир саволига “жим!” деб жавоб берарди. Улар пастгина остона зинасидан тушиб кўчага, келинни олиб кетишга шай турган



машина томон юриб боришарди. Ойқизнинг мияси ғувиллар, жавобсиз саволлар дўлдек ёғилиб қалбини нимталар эди: “Ким бу? Катта кишига ўхшайди, балки амакиси ёки тоғасидир? Уларда шунақа удум бордир, тоғаси келинни олиб чиқадиган? Унда нега ҳеч ким айтиб қўймади? Нега доводиратишяпти? Бу одам... қаергача бошлаб бораркин? Қани У, қани?!”

Машинага келин, сўнг ёнига... ҳалиги эркак ўтирди. Қизнинг юраги гурсиллаб ура бошлади. Ёпинчиқ ортидан яна қайта қаради. У ҳам худди шуни кутгандай, асли шундай бўлиши керакдай қизга юзланди. Боягидай қаттиқ тикилди. Шундагина Ойқиз унинг юзидаги тиртиққа – чаккасидан то лабигача тортилган чандиққа кўзи тушди. Сесканиб, бор журъатини икки оғиз сўзга жамлаб, сўради:

– Сиз... кимсиз?

Эркак бир зумгагина кўзларини олиб қочди. Кейин ялт этиб қараб, таъкидлаб айтди:

– Кўрмаяпсизми? Куёвман!

– Қанақасига? Мен... Мен сизни танитайман!

– Ҳайда! – деди ҳалиги одам, гўё унинг сўзларини эшитмагандек.

Қизнинг ич-ичида нимадир “чирт” этиб узилгандек бўлди. Наҳотки шу... Унда... Йўқ, бу туш! Бундай бўлиши мумкин эмас!!!

Бу ёнига чаққонлик билан жойлашган дугонасига нажот билан қаради.

– Бу нимаси?

– Мен ҳам билмагандим, ишон, – пичирлади ўртоғи, йиғлагудек бўлиб. – Энди ҳаммага шарманда бўлмай, жим ўтир!

Машина зувиллаб йўлга тушди. “Нима деяпти булар? Қанақасига? Учрашувга чиққан йигит қани?”

– Нарӣ туринг! – дея беихтиёр дўппили одамни туртиб юборди Ойқиз. – Бу қанақа юзсизлик? Қочинг! Мен тушаман, тўхтатинг!

Шунда дўппили одам биллагидан маҳкам ушлаб, бир силтади:

– Жиннилик қилманг! Никоҳ ўқилиб бўлди.

Қиз бир тўлғонди-ю, боши орқа суянчиққа шилқ этиб тушди.

\*\*\*

Ҳуши кириб-чиқиб етиб келди, чимилдиқ ичига қандай олиб кирганларини билмайди. Худди фақат жисми шу ерда, ўзи эса узо-оқлардан кузатаётгандай... Мана, ёқалари жиққа хўл, қалин кўрпалар устида йиғлаб ётибди. Бошида аммаси, яна бир-иккита нотаниш аёллар. Уларнинг аврашлари, алдашлари, “шарманда бўлма!”, “гап-сўзга қоласан!” деб пўписа қилишлари-ю, дилпора келинчакнинг дод-войларини баён этиб, юракни эзишга ҳожат бормикин? Уни шундай, шунчалар алдашди. Ёши ўтиб қолган, бир

нечта қиз билан учрашиб юрак олдирган куёв юзидаги чандигини деб учрашувга чиқмабди эмиш. Ҳалиги йигит эса, яқинда хотини қазо қилган дўсти экан...

Янгалар вазиятни юмшатиб, “биз шу ерда, чимилдиқ ортида бўламыз” деб чиқиб кетдилар. Ойқиз оппоқ либосда, қалин кўрпалар устида оёғидан боғланган қушдек бенажот ўтирар эди. Ўйлагани сари даҳшат ўпқонига чуқурроқ ботар, нималарнидир англаб етарди. Онасининг тўй яқинлашгани сари хомуш тортиши, аммаларининг сабр-тоқату тушган жойида тош қотиш ҳақидаги қаттиқ-қаттиқ насиҳатлари, ва айниқса, хайрлашар чоғи отасининг кутилмаганда йиғлаб юборгани... ҳаммасининг боисиравшан бўлди.

Наҳотки энг яқин, ишонган одамлари уюштирган фитна бу? Айби нима? “Ўтириб қолиш” бундан-да фожиали эдими?

Қанча вақт ўтди, билмайди, тинмай йиғлади. Уни овутгани, баъзан эса пўписа қилгани кимлар кириб-чиқмади. Охири куёв келди. Бутунлай бегона, аламзада, ширакайф бир эркак...

\*\*\*

Ойқиз ҳамон йиғларди. Фақат, энди беун ёш тўкарди. Ёнида пишиллаб ухлаб ётган... одамни уйғотиб юбормаслиги керак. Қарори қатъий. У на эрка, на инжиқ қиз эди. Ҳамма нарсага кўнардди. Лекин индамай кўниб, мана бу мунофиқ кимса билан бир умр бирга яшаш дунёдаги энг итоаткор қиз учун ҳам оғирлик қиларди.

Аста ўрнидан туриб, жуфт-жуфт болишлар зичлаб йиғилган тоқчани бўшата бошлади. Хайрият, дераза дала томонда экан. Эҳтиёткорлик билан очиб, сирғалиб тушди. Шундай секин юриб кетдики, қишлоқнинг энг сергак итлари ҳам пинак бузмай ухлаб ётдилар. Икки қарта дала ошиб,

кўлга етиб келди. Чангалзор ортидаги соҳилга етгачгина тўхтаб, ерга беҳол ўтирди. Ҳаётидаги энг даҳшатли тун ойдin ва сокин эди.

Кўл суви майин мавжланар, янги ойнинг акси тўлқинларнинг кўйнига кириб, келинчакдек зир титрар эди... Қиз кўлнинг нариги томонига термилганча юраги орзиқди. Бир пайтлар ўша қирғоққа дугоналари ёки сингиллари билан келар, қий-чув солиб чўмилишар, кўйлак қуритиш учун ўзларини офтобга солиб ўтириб бир-бирдан ширин орзулар қилишарди. Ойқиз кўпинча ўзи ўқиган китобларини айтиб берар, тинглашни истамаганлар билан уришиб қолар эди. У жуда кўп ўқиди, ўзининг ҳаёти ҳам китоблардагидек жўшқин ва маънодор кечишига ишонди. Фақат китобларда ҳам баъзан энг масрур дамларда киши тақдири бирдан ўзгариб, орзулари чилпарчин бўлиши мумкинлигини унутган экан. Қандай севган эди-я! Тамом, барча гўзал ҳислар нариги қирғоқда қолиб кетди...

Ҳавода изғирин кезинар, кўл устида енгил буғ кўтарилганди. Лекин, узун сочлари паришон, кўйлагининг этаклари титилган қиз бу тобда совуқни ҳис қилар ҳолатда эмасди. Ҳозир ярим тунда шу аҳволда уйига кириб бориши, отасининг қаҳри, эртанги жанжалу гап-сўзлар ҳақида ҳам ўйламасди. Шу қадар ерга урилган қадрига куярди қиз. Сувдаги оймома аксига қараб, баттар тўлиқди. Илгари у билан бахт, муҳаббат ҳақида ҳаёлий суҳбатлар қуларди... Ҳозир эса, кўкдаги сирдоши ҳаётидаги энг бахтсиз кунга шохид бўлаётир. Ойқиз аста пичирлади:

– Сен мендан бошқа қизларнинг ҳам ҳасратини тинглагандирсан, а, адаш? Айт-чи, улар орасида менчалик шўрпешонаси бормиди? Йўғ-а? Қара, шунчалар ҳам алдайдиларми? Гап

чандиқда ҳам эмас, менинг қалбимдаги жароҳат олдида унинг чандиғи бир пул! Қодирийни ўқиган ҳар бир қиз чимилдиқда “Сиз... ўшами?” деган сеҳрли сўзларни айтишни орзу қилади. Мен ҳам савол бердим. “Сиз... кимсиз?” дедим. Ахир бу қандай жазо?! Сенга бир гап айтаман. Агар бир кун: “Қизларни алдаб узатиш қадим замонларда қолиб кетган”, десалар, ишонма. Но-мардлар ҳар қандай даврда ҳам бўлади. Қиз кўнглини оёқости қилувчилар доим топилар экан. Худодан кўркмайдиганлар... Лекин мен қараб турмайман! Курашаман улар билан! Қиз бола ҳам ОДАМ эканлигини билиб қўйишсин! Эҳ, Оймомажон... Биласанми, нима қилмоқчиман? Уйга қайтиб отамнинг, онамнинг, кейин ўша... учрашувга чиққан номарднинг кўзларига тик қарайман! Нега бундай қилдинглар, энди менга нима бўлади, нима қилай, деб сўрайман! Ахир энди... энди менга нима бўлади?..”

Нимадир “чўлп” этиб, мавжларнинг мароми бузилди. Ойқиз чангалзорнинг у бошига қаради-ю, қандайдир шарпани кўриб, даҳшатдан сесканиб кетди. Тамом! Уни қувиб келишибди. Қиз ўзини чангалзор панасига олди. Юлғуннинг новдалари орасидан ўша томонни кузатди. Икки киши. Хайрият, балиқ овлаётганлар экан. Улардан бири тўнғиллаган эди, иккинчиси шартта терс ўгирилиб олди. Қиз томонга... Тун шундай ойдин эдики, йигитнинг юзи элас-элас танир даражада ёришди. Қизнинг юраги кўксини ёриб чиққудек потирлаб кетди.

\*\*\*

– Яна аразлайди-я, – деди балиқчи ёш ҳамроҳига ўдағайлаб. – Тош отганинг нимаси ахир, балиқларни чўчитиб? Ҳе, думбул. Ўзи нега бошимга оғриқ қилиб опкелдим сени, а? Ҳамма тўйда, бунинг шу кеча овга чиққиси кепқопти.

– Сиз нимани билардингиз, – тўнғиллади йигит. – Боргим йўқ ўша тўйга.

– Нимабало, келин суйган қизингмиди?

– Ээ, дарров шунақа деманг. Бир мартагина кўрганман... – Кейин худди ўзига гапиргандай, пичирлаб қўшиб қўйди: – Жуда яхши қиз у...

– Нима?

– Э, қўйинг, барибир айтмайман.

Балиқчи яна нималардир деб унинг ғашига тегмоқчи бўлди. Йигит бу пайтда ўз хаёллари билан банд, ўша учрашувга розилик берган кунини лаънатлар, бироқ шу ҳақда ўйлаши билан қалбининг туб-тубида бир шуъла пайдо бўлар ва борлигини ўзига фарқ этарди. Кейин худди хув анави сувда жилва қилаётган ойга ўхшаш қиз чеҳраси пайдо бўларди. Исми жисмига монанд Ойқиз... Худди бугун ҳеч қанақа тўй бўлмагандек, унга ним табассум билан уялинқираб қарайди-да, дарров кўзларини олиб қочади. Нега уни аввалроқ учратмади? Йўқ, энди у ҳақда ўйламаслиги керак! Энди у бировнинг ҳасми. Ўша, бир пайтлар далада ўзини комбайн босиб кетишига бир баҳя қолганда қутқариб қолган, аммо юзи жароҳат олиб бир умр чандиқ билан яшаётган йигитнинг ҳасми у қиз. Ундан ўзини қарздор ҳис қилиб юрган шўрпешонани “ўрнимга уч-

рашувга чиқасан” деб ҳоли-жонига қўймаган, йўқ деёлмаслигини билиб шундай қилган ярамаснинг ҳасми-ҳалолидир у...

Йигит беихтиёр баралла гапириб юборди:

– Э Худо, нима қилиб қўйдим?!

– Оббо, мунча эзилдинг, балиқлар қайтиб келади, – деди буни ўзича тушунган шериги.

“Балиқдан бошқа дарди йўқ бу чолнинг!” У илкис ўрнидан туриб, нари кетди. Чакалакзорнинг у томонига. Тунги ёғдуда қизғиш товланган бесўнақай буталар ортида уни нима, ким кутиб турганини ҳали билмас, сал ўтмай шохлар асабий шитирлаб, хунук чангал бағридан ойдек қиз чиқиб келиши ва бир зумлик даҳшат ва қарахликдан кейин иккинсининг кўзида ҳам юз йил қутилган сўзлар – “Сиз... ўшами?” деган савол акс этиши ҳозирча унинг хаёлида ҳам йўқ...

\*\*\*

Йиллар ўтди. Дунёи дун чархпалаги тинмай айланиб, кимларнидир бир-биридан айирди, кимларнидир топиштирди. Ойқиз эса кўлдан анча олис, аммо тунлари ўшандай ойдин бир юртга бош олиб кетди. Отасининг оқ фотиҳаси, жуфти ҳалоли билан. Хув анави оппоқ уйнинг Оймома мўралаб турган деразасига назар солинг-а: ана, Ойқиз бешикни тўхтатиб, ҳарир пардани хиёл кўтарганча пишиллаб ухлаётган болақайнинг юзига термилиб қолди. Дадасининг ўзгинаси-я! Бурни, қоши, пешонаси... қуйиб қўйгандек. Бу аниқ, чунки Ойқиз эрини хув ўшанда, биринчи учрашувдаёқ кипригининг учигача эслаб қолган...





Отабек САФАРОВ

# Қаҳрамондан баланд ИЖОДКОР

Инсон кўнглидаги кечинмалар инъикоси бўлган бадиий асарнинг, манба моҳиятига мос равишда, турли-туман шаклу шамоийилларда намоён бўлиши табиийдир. Адабиётшунослик илмида насрий жанрларнинг энг кичиги саналадиган ҳикоя жанрига қўйиладиган талаблар шаклланган бўлса-да, адабий жараёнда ҳар доим ҳам бундай қоидаларга риоя этилади, дейиш қийин. Масалан, “Адабиётшунослик луғати”да ҳикояга шундай таъриф берилади: “*Ҳикоя – эпик турнинг кичик жанри. Ҳикоя, одатда, қаҳрамон ҳаётидан битта (баъзан бир-бирига узвий боғлиқ, қисқа муддат давомида кечган бир неча) воқеани қаламга олади. Тасвирланаётган воқеаларнинг қисқа вақт давомида кечиши ҳикоянинг ҳажман кичик, сюжети содда, иштирок этувчи персонажлар сони кам бўлишини тақозо этади. Ҳар қандай воқеа ҳам ҳикоябоп эмас. Ҳикоя асосида ётган воқеанинг яхлит, тугал бўлиши талаб этилади, бунинг учун у ўзининг бошланиши ва якунига эга бўлиши (масал, латифадаги каби) лозим. Яхлит воқеани тасвирлаш асносида ҳикоянавис ё шу воқеанинг, ё унинг воситасида характернинг моҳиятини очиб беради*”

(Курунов Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: “Академнашр”, 2010. 393–394-бетлар). Таниқли ҳикоянавис Шукур Холмирзаев ижодини кузатсак, унинг кўпгина ҳикоялари, айниқса, ўтган асрнинг 90-йилларида битган асарлари юқоридаги таърифга “сиғмаслиги” аёнлашади. Бошқача айтганда, адиб адабий жанрларга анча эркин муносабатда бўлади, уларнинг чегарасини нисбий қабул қилади.


Ёзувчи бошқа жанрларда ҳам самарали ижод қилган бўлса-да, асосан, ҳикоянавис сифатида доврुक қозонди. Шукур Холмирзаевнинг ҳикоянавис саналишига унинг жаҳон ҳикоячилигини чуқур ўзлаштиргани, ҳикоя табиати борасида асосли тўхтамларга келгани ва ўз ижодида бу назарий асослардан ўринли фойдалангани ҳам сабабдир. Зотан, адиб дунёнинг етук ҳикоянавислари Жек Лондон, Робиндранат Тҳакур, Антон Чехов, Эрнест Хемингуэй, Абдулла Қаҳҳор ва бошқаларнинг асарларини шунчаки ўқимайди, балки уларнинг ижодидаги етакчи белгиларга диққат қаратади, ушбу асарларни қай хусусиятлар ҳикояга айлантирган, уларнинг асоси нима, деган саволларга жавоб

излайди. Шу жиҳатдан адибнинг “Ҳикоя ҳақида” деган мақоласи диққатга сазовордир. Муаллиф ушбу мақоласида ўзига кучли таъсир кўрсатган улғу ҳикоянависларнинг алоҳида қирраларини билимдонлик билан кўрсатиш баробарида ғоят долзарб муаммо – асарнинг бадииятига путур етказувчи иллатлардан бири – ҳикояда баёнчилик масаласига ҳам тўхталиб ўтади. Маълумки, бадиий асар фабуласи ҳаётини воқеа асосида тикланса ҳам, бу ҳаётда қандай бўлса, шундайича кўчириш керак, дегани эмас. Аксинча, Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, ҳаётдан айнан кўчириш китобдан кўчиришдай гап. Асарга синч вазифасини бажарган ҳаётини воқеа муаллиф томонидан қайта ишланиши, сўнг бойитилган, аниқлаштирилган ва ёзувчининг ижодий принципларига мувофиқлаштирилган ҳолда ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилиши лозим. Шукур Холмирзаев ёзади: “*Бир замонлар, ҳозирги кунда ҳам баъзан, шундай ҳикояларни ўқир эдим: бир қиз бир йигитни севади, кейин йигит вафосиз чиқипти, кейин қиз унинг юзига... Ёки, бир йигит бир қизни сева туриб, эскилик сарқити йў-*

лига кўндаланг бўлгани учун уни енга олмай, бошқага уйланипти, кейин ўша қизни кўрипти – иккиси ҳам пушаймон... Ёки, ёмон одам билан яхши одам ҳақидаги ҳикояларни айтмайсизми... Хуллас, санайверсам, адо қилолмайман” (Холмирзаев Ш. Ҳикоя ҳақида//”Шарқ юлдузи”, 1971. № 1). Дарҳақиқат, воқеани қуруқ баён қилувчи лавҳаларнинг “*ҳикоя деган нарса билан алоқаси жуда кам экан, улар шунчаки эрмак учун ёзилган ёки умуман адабиётни тушунмаслик оқибатида пайдо бўлган маҳсулотлар экан*” (Холмирзаев Ш. Ҳикоя ҳақида//”Шарқ юлдузи”, 1971. № 1).

“Мўъжиза бўлиб қолсин” мақоласида Шукур Холмирзаев замондош ҳикоянавислар ижодига кенг тўхталади. Айни мақолада адибнинг ҳикоя жанрига қўйиладиган талабларга муносабати, ҳикояни бошқа жанрлардан фарқлантирувчи белгиларга оид қарашлари анча ойдинлашади. Гарчи мақола аввалида адиб “*мулоҳазаларимни ҳам мутлақ объектив деб эмас, журналнинг фикри ёки қатъий хулосаси деб эмас, балки шахснинг нисбий объектив мулоҳазалари, деб қабул қиласиз*”, дея таъкидласа-да, унинг умумдабий мезонлар асосида иш кўргани фикрларининг ҳақиқатга ёвуқлигидан далолат беради. Иккинчидан, айни мулоҳазалар Шукур Холмирзаевнинг қозилик даъво қилмаслигини, ўзининг фикрлари хатодан холи бўлмаслигини эътироф этишини, қолаверса, ҳар кимнинг таъби ҳар хиллигини ҳисобга олганини кўрсатади.

Муаллиф йигирмадан ортиқ ёзувчининг 1987 йили чоп этилган ҳикояси мисолида ўзбек ҳикоячилигининг “шаклан ва қисман мазмунан ҳам анъанавий йўлда илгариларга”ётганини, “ҳикоянависларимиз турмушга чуқурроқ шўнғий бошла”ганларини, “бир қурум адиблар тасвир имкониятларини кенгайтириш устида турли



тажрибалар ҳам қилиш” аётганини ва бунинг-да “сифат ўзгаришларига олиб бориши табиий”лигини таъкидлайди. Адиб асар мазмунини бошдан-оёқ қайта сўзлаб бермайди, билъакс, таҳлил қилнаётган ҳикоянинг ютуқ ва камчиликларини аниқ мисоллар билан кўрсатади. Масалан, Жамила Эргашеванинг “Маломат” ҳикояси қаҳрамони – “*ёши ўтинқираганроқ Эркиной отли қиз автобаза директори Самадни яхши кўриб қолади ва ҳалигидай “юра бошлайди”*. Кунларнинг бирида маълум бўладики, директор оилали, тўртта боласи бор. Шу ўринда жиндак таажжуб қиласан: битта районда яшаб туриб, ундаги азда-базда автобазадек корхона директорининг уйланган-уйланмаганини билмаслик – ғалати! Бунинг устига, унга маъшуқа бўлиб юрган қизнинг билмаслиги!” Билганидан сўнг қиз “*бировнинг оиласини бузиш яхшимас*” деган ўйда ишдан кетиб қолади. Автобаза директори эса ўз оиласи оғушида, илгари қандай яшаган бўлса, яна шундай яшаб кетаверади.

“*Ё, тавба, – дейсан, – ахир у Эркинойни севарди-ку? Қани*

“*ҳаётдан тўйиб кетган*” йигитнинг нолалари?”

Демак, йигит қизни шунчаки алдаб – эрмак қилиб юрган. Қиз эса, – қиз-да, – унга ишонган!

Менга шундай туюлдики, ёш адибамиз ҳам худди қаҳрамонлари Эркинойдек ўйладилар ва Эркиной каби база директорига ишондилар. Ана шунинг учун ҳам силлиқ, чиройли тил билан, эҳтирос билан ёзилган ҳикоя чала бўлиб қолди: автор ҳикояни давом эттиролмади.

Хуллас, муаллиф қаҳрамонларидан БАЛАНДда туролмаган”.

Маълумки, XX асрнинг сўнгги икки ўн йиллиги адабиётда ҳам ўзгаришларга, янгиланишларга бой бўлди. Ўзбек адабиётига кириб келган янги авлод адабиётни ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгилашга ҳаракат қилишди. Н. Эшонкул, Н. Отахонов, О. Отахонов каби ижодкорлар асарлари тасвир ўзгачалиги, объект янгилиги, идеалнинг ўзгариши билан салафлар ижодидан фарқ қилади. Н. Отахоновнинг “Оқ бино оқшомлари” асаридаги Шукур Холмирзаев таъкидлаган қуйидаги жиҳатни ҳам айни омил билан изоҳлаш



Ўринлидир: “Ёзувчи Ҳафизанинг эри билан ҳам, бу ўйнаши билан ҳам кечирган интим онларини биз тасвирлашга журъат этолмайдиган бир шиддат билан кўрсатадики, адабиётнинг мана шу функцияси ҳам борлигини унутиб қўйганимизга иқрор бўламиз: ахир адабиёт ҳаётнинг мана шундай томонларини ҳам одоб доирасида кўрсатиши керак!” (Холмирзаев Ш. Мўъжиза бўлиб қолсин (1987 йил ҳикоячилиги ҳақида ўйлар) // “Шарқ юлдузи”, 1988. № 6).

Шукур Холмирзаев “Оқ бино оқшомлари” дан шундай кўчирма келтиради: “Ҳафизадан дугонаси сўрайди:

“– Мабодо қайта бошдан бошлаганингда, кимга тегардинг?

– Шариф акамга, – деди Ҳафиза ўйлаб ўтирмай.

– Унда Аваз ака-чи?

– Билмадим... – Ҳафиза тугилиб қолди. – Ростини айтсам, тагин шундай бўларди, шекилли...”

Сўнг ўз муносабатини қуйидагича билдиради:

“О, гап бу ёқдами? Демак, ёзиғи шу?... Уни – қисматни билар экан-да? Демак, Шарифга тегиб олиб, ишратни Аваз билан суриш тақдирида бор экан-да?

Ана шунда қизиган мияннга навбатдаги хунук гап келади: демак, Ҳафиза Шарифни ҳис билан, Авазни ҳирс билан севар экан” (Холмирзаев Ш. Мўъжиза бўлиб қолсин (1987 йил ҳикоячилиги ҳақида ўйлар) // “Шарқ юлдузи”, 1988. № 6).

Бу “хунук” тасвир қарашлари анъанавий ёндашувлар асосида шаклланган Шукур Холмирзаевга ўринсиз туюлади. Ҳолбуки, инсон жумбоғи айнан унинг кўнглида, кўнгил эса турли-туман кечинмаларга бой маъво саналади. Инсон қалби сониянинг юздан бир қисмида не-не ҳисларни кечирмайди. Бу жиҳатларни инobatга олмаслик инсонни роботмисол кўрсатишга, яъни сунъийликка сабаб бўлади. Вульгар социалистик реализм талабларига мувофиқ ёзилган аксар битикларда

айнан шундай қолип – стереотиплар тўлиб-тошган, аксар қахрамонлар икки хил – ё фақат яхши одам ёки буткул ярамас кимса сифатида талқин қилинар, бир киши ҳам ҳислат, ҳам иллатга эгаллиги унутилганди... Гарчи ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётимизга кириб келган ижодкорлар плеядаси мавжуд адабий кечимдан қониқмай, асарларида кўп ўзгаришлар ясаган эса-да, айрим ўринларда, айниқса, инсоннинг ҳолини – ички оламини яширмасдан тасвирлашда шаклланган йўлдан юргандиларки, бундай ёндашув Шукур Холмирзаевнинг “Оқ бино оқшомлари” юзасидан билдирган мулоҳазаларида ҳам сезилади. Бироқ (энг муҳими ҳам шуки), улкан адиб кўзқарашларини, ижодий тўхтамларини адабий кечимга мувофиқ ривожлантириб боради. Жумладан, унинг “Булут тўсган ой” (1996) ҳикоясида йўлдан адашган аёл фожиаси ўзгача ракурсда, бор мураккаблиги билан кўрсатилади. Кўнгил манзаралари беқиёс даражада гўзал акс эттирилган асар мутолааси жараёнида инсон деган хилқатнинг сирли-номаълум қирралари ҳали ҳам бисёр экани англашилади. Зотан, ҳикояда одам табиатидаги туйғуларнинг кесишган, иллату фазилатлар зидлашган нуқталари маҳорат билан, яширмай, очикчасига акс эттирилади. Шундан ҳам кўринадики, Шукур Холмирзаевнинг “Тасаввур этинг: Нурилланинг ижозати билан ҳалиги парчани олиб ташлайлик-да, ҳикояга яна бир назар солинг: нима ўзгарди? Ҳеч нарса. Қайтамга боягидек хунук хулоса дарҳол бизни тарк этди”, деган қараш вақт ўтиб ўзгаради. Зотан, “Оқ бино оқшомлари” асарида айни парча, яъни аросатдаги жувоннинг иккиланишлари асар моҳиятини очишдаги бир калитдир; инсон жумбоғи, унинг кўнглини англаш мушкуллигини тасдиқловчи ҳолат тасвиридир.





### Юрак саломатлиги учун фойдали

Тухумни чала пишириб, сариғи еб юрилса, юракни қувватлантиради.

Юраги сиқилиб хафақон дардига учраган киши ўзига ёқадиган хушбўй нарсалар (атиргул, райхон, атир кабилар)ни ўзи билан бирга олиб юриши керак.

Иссиқ мизожли одам кашнични майдалаб еб юрса, юракка қувват беради, уни хафалиқдан қутқаради.

Ҳайвон (мол-қўй) юрагини ҳил-ҳил қилиб пишириб ёки ёғ билан қовуриб, сирка қўшиб ейилса, юракка қувват беради, хафақон иллатини қувади.

Ҳар куни наҳорга ўрик шарбатидан бир пиёла ичиш ёки кунига 4-5 та ўрик туршаги еб юриш ҳар қандай юрак хасталигини даволашда қўл келади ва юракни бақувват қилади. Говчашм (сигиркўз) шираси, говзобон шираси, гулоб юракка қувват бағишлайди.

Овқатланишда крахмал, сут маҳсулотлари, қанд-шакардан тийилиш ҳам бу касалликда фойда беради.

Анбар (кашалот балиғидан олинадиган хушбўй модда) кексаларнинг юрагига қувват беради.

Бинафша ёғи, ширин олма шарбати, ширин анор шарбати юракни қувватлантиради. Капалакгулнинг гулларида чой дамлаб ичиш ҳам юрак хасталигига даво.

Саккиз грамм пиллани сувда қайнатиб оқ қанд билан қиёмга келтириб ейилса, юракни қувватли қилади. Тол барги ёйиб, устига ётилса, юрак ҳароратини даф қилади.

Сариқ чой (далачой новдалари)нинг қуруқ ўтини сувда қайнатиб тиндиргач, бир ош қошиқда кунига 2-4 марта овқатдан кейин ичиш ҳам фойда беради.

Қуритилган кашнич, беҳи истеъмол қилиш, оқ атиргул ҳидлаш билан юракни қувватлантириш мумкин. Беш гр. кунгабоқар илдининг суви ичилса, совуқликдан заифлашган юракка шифодир. Кунига бир коса янги соғилган сигир сути иссиғида ичилса, юракка куч бағишлайди.

# Хосиятли табиат

## Типратикан



Типратикан гўшти бадандаги моховларга боғланса ёки шўрваси ичилса, яхши ёрдам беради. Типратиканнинг қуришиб, сўнг майдалаб туйилган гўшти мохов касалини даволашда истеъмол қилинади. Типратикан гўштини тузлаб, керакли дорилар билан қўшиб, фалаж бўлган беморга берилса, фойда бўлади. Типратиканнинг куйдирилган териси ва тиканлари шароб билан ичилса, фалажликка яхши фойда қилади. Чўл типратиканининг тузлангани филлик касалига фойда қилади. Шунингдек, гўшти шимдириш ва қуритиш хусусиятли бўлганидан мохов касалида фойда қилади. Ибн Сино типратикан гўштини сил бўлган одам истеъмол қилиши керак, деган. Типратикан зардобини оловда қуришиб, кейин сурма қилиб кўзга суртилса, кўзга оқ тушишини йўқотади. Пешоби тутилиб қоладиган кимсага типратиканнинг ички аъзоларини пишириб берилса, яхши наф қилади. Типратикан гўштини беш-олти марта қайнатиб, кейин ейилса, эски бош оғриғи қийнаётган беморнинг дардига шифо бўлади.

## Чумоли (арабча “намл”, форсча “мурча”, эски туркийча “қаринча”)

Чумолини зайтун ёғи билан қайнатиб, қулоққа томизсалар, карликка даводир. Мозорот чумолисидан юзтасини тутиб, дақя розиқий ва симоб ёғига ташлаб, уч ҳафта қуёшга қўйилса, ундан кейин закар атрофига суртилса, бу малҳам шаҳватга қувват беради. Бу синовдан ўтган дир. Шу мазор чумолисини сиркага қўшиб майдалаб, мўйи олинган жойга суртилса, ҳеч қачон мўй чиқмайди. Чумоли тухумини ҳар қандай ёғ билан яна ўша мўй чиқармаслик учун суртилса, мўй чиқармайди.



# Ижодкорнинг



## Метин ИРОДАСИ

*Асар ёзиш бу сўздан иморат қуришга ўхшайди. Ҳар бир ижодкор ўзининг кўнглидаги ғояларни, фикрларни ва дардларини яхлит сюжетга бирлаштириб, композиция асосида “бадий иморат” барпо этади. Ҳар бир сўз устида эринмасдан ишласа, асар янада сифатли чиқишини буюклар амалда исботлашган. Аммо ёзувчилик одамдан энг аввало сабр-тоқат ва матонат, метин ирода талаб қилади. Ўзининг асарига вақти ва кучини аямаган ижодкор иродали ижодкордир. Бундай адиблар адабиёт тарихида кўп учрайди.*

### Жюль Верн (1828-1905)

Бу улуғ француз қаламкаши ҳам матонат борасида барча ижодкорларга намуна бўла олади.

Верн 77 йил яшади. Умрининг сўнгги йилларида қанд касалига чалинди. Ҳатто унинг кўзи ҳам ожизлашиб қолган эди. Лекин ҳеч қандай касаллик Жюль Вернга ижод қилиш учун тўсқинлик қила олмади. Адиб ўшанда ўз ўғлига айтиб туриб, асар ёздирган ва сўнгги китобларини тугаллашга муваффақ бўлганди.



### Лев Николаевич Толстой (1828-1910)

Граф Толстой эса ўз номига мос келадиган йирик жилдли асарлар ёзгани барчага маълум. “Уруш ва тинчлик” 4 жилддан иборат бўлиб, 2000 саҳифадан ортиқ. “Анна Каренина” ҳам тахминан 1050 варақни ташкил қилади. Улардан ташқари Толстойнинг барча асарлари умумий 90 жилдни қамраб олиши адибнинг кучли иродасидан далолат бериб турибди. Лев Николаевич ҳар биттаси 500 саҳифали “Уруш ва тинчлик”ни бир неча бор қайтадан кўчириб чиққани ҳам фикримизга далил бўла олади.





**Николай Васильевич  
Гоголь  
(1809-1853)**

Буюк рус сатирик адибининг ёзган асарлари сон жиҳатдан эмас, балки сифат даражасига қараб аҳамиятлидир. Ҳар бир қўлёмаси устида ойлаб тер тўккан. Баъзи қиссаларини йиллар давомида ишлаганини эшитганмиз. Айниқса, пьесаларини ёзиб тугатгандан сўнг, ўзининг 3-4 та дўстини тўплаб ҳар бирига қўлёманинг дастлабки вариантини ўқитган ва қизгин муҳокамага қўйган экан. Баҳс ва мунозаралар тугагандан кейин эса ўтириб, қўлига қалам олган ва пьесанинг иккинчи вариантини ёзишга киришган...



**Эрнест Хемингуэй  
(1899-1961)**

XX асрнинг энг машҳур адибларидан бири бўлган Хемингуэй ҳам ёзмасдан туролмасди. Ўтириб ёзаверганидан оёқлари увушиб қолган. Аммо шундай у тик оёқда туриб қоғоз қоралайверган... Бундан ташқари ёзувчи урушда яраланиб, бир неча бор турли хасталиклар туфайли азият чеккан. Хемингуэй вафот этганидагина ёзишдан тўхтаган.

**Герберт Уэллс  
(1866-1946)**

Инглиз фантасти – болалик пайтида ҳам, балоғатга етганда ҳам оёғини синдириб олган ва натижада Герберт Уэллс бир умрга ногирон бўлиб қолган. Лекин, ёзувчиларга шунақа темир ирода ато этилганки, буюк асарлар ҳар қандай шароитда ҳам яратилаверади.



**Оноре де Бальзак  
(1799-1850)**

Франциялик бу адиб ҳақида эса ҳар қанча гапирсак ҳам оз. “Инсоният комедияси” режа бўйича 100 жилдли романдан иборат бўлиши ва у Франциянинг XIX асрдаги умумий манзарасини акс эттириш лозим эди. Адиб ўз чидам ва иродаси билан кунига 18 соатлаб, кунига бир маҳал овқатланиб, қоронғи хонада, шам ёруғида ижод этгани барчага маълум. Бальзак уйқуни енгиш учун тинимсиз қаҳва ичаверган.

Гарчи, Бальзак режасини тўлиқ тугалламаган бўлса ҳам, ўз қалам кучи билан 88 та романи қисқа вақт 20 йил ичида (1830-1850) ёзиб битирди.



Темур ТАНГРИБЕРГАНОВ тайёрлади



**Умар САЙФИДДИН**

# Форса

Ҳикоя

Ўрта денгизнинг қаҳрамонликлар макони бўлмиш сўнгсиз уфқларига қараган кичик тепалик мўъжазгина чаманзор эди. Ингичка узун новдали бодом дарахтларининг олачалпоқ сояси соҳилга энган сўқмоққа тушар, кўкламнинг майин шабадаларидан сархуш чағалайлар савдойи чуқур-чуқурлари билан самода шовқин соларди. Бодомзорнинг ёни кенг узумзор эди. Оқ тош-

\*Форса – кемада эшкакчиликка маҳкум қилинган қул.

лардан тикланган қисқа девор ортидаги хароба водийга тутшиб кетганди. Узумзор ўртасидаги вайрона кулбанинг эшиксиз оғзидан бир чол чиқиб келди. Унинг соч-соқоли оппоқ эди. Худди букрисини тўғриламоқчидек керишди. Қўллари, оёқлари қалтирарди. Осмон қадар бўш, осмон қадар сокин денгизга узоқ тикилди.

– Хайрлидир, иншааллоҳ, деди ўз-ўзига.

Девор тагидаги тошлар уюмига чўкди. Бошини қўллари орасига олди. Эгнида йиртиқ бир қоп бор

эди. Яланг оёқлари тупроқдан қорилгандек, нимжон қўллари эса кир жез рангида эди. У яна бошини кўтарди. Кўк билан денгиз туташган уфққа тикилди, аммо кўзга ташланадиган ҳеч нима йўқ эди.

Бу чол ҳар кеча тушида ўзини кутқариш учун елканли кемаларнинг келаётганини кўрадиган бечора собиқ турк форсаси\* эди. Асирга олинганидан бери қирқ йил ўтибди. Мальта қароқчилари қўлига тушганида, ўттиз яшар бақувват, азамат, паҳлавон қаҳрамон эди. Йигирма йил улар-

*XX аср турк адабиётининг йирик вакилларида бири Умар Сайфиддин (Omer Seyfettin) 1884 йилда Туркиянинг Гўнен шаҳарчасида дунёга келди. Мактабдан сўнг ҳарбий таҳсил олди. 1903 йилда ҳарбий мактабни тугатиб, 1908 йилга қадар Измир ва унинг атрофида зобит бўлиб хизмат қилди. Жандарма билим юртида дарс берди. Ҳаётининг Измирда кечган даври бўлажак адиб учун ижодга тайёрланиш йиллари бўлди. Умар Сайфиддин 1908 йилда Салоникига юборилди. Болқон яриморали ихтилофлар билан тўлиб-тошган, у ердаги элатлар ўз мустақилликлари учун туркларга қарши кўзғалган бир пайт эди. Умар Сайфиддин шундай бир шароитда Румелининг қатор қишлоқ ва шаҳарларида турли мансабларда хизмат қилди. Хизмати давомида дуч келган турфа ҳодисалар унинг миллий туйғуларига ҳам таъсир этмай қолмади. Буни ҳикояларидаги миллатпарварлик руҳида яққол кўриш мумкин.*

*Адиб 1910 йилда ҳарбий хизматдан бўшаб, Али Жониб ва Зиё Кўкалп сингари турк маърифатпарварлари билан биргаликда “Янги тил” ҳаракатига киришади. Улар шу мақсадда 1911 йилда Салоникида “Ёш қаламлар” журналинини чиқарадилар. Умар Сайфиддин бу ҳаракат орқали “адабиётда ва тилда бир инқилоб” яшаш фикрида эди. Уларни “янги тилчилар” дейишарди: “Янги тилчилар”нинг ғояси ёзув тилини турк тили қоидаларига бўйсундириш эди.*

*Журналнинг дастлабки сонисидаги “Янги тил” номли мақоласида Умар Сайфиддин ўша пайтдаги турк тилининг ҳеч ким сўзлашмайдиган лотинча, ибронийча сўзлар билан тўлдирилган, миллатга*



нинг кемаларида эшкак эшди. Йигирма йил икки оёғидан икки занжир билан рутубатли кема тубига боғлоқлиқ яшади. Йигирма йилнинг ёзлари, аёзлари, шамоллари, довуллари, қуёшлари унинг метиндек вужудини буколмади. Занжирлари занглади, чириди, узилди. Йигирма йил ичида бир неча марта ҳалқалари ва михларини алмаштиришди. Аммо унинг пўлатдан ҳам мустаҳкам оёқларига ҳеч нима қилмади. У фақат таҳорат ололмагани учунгина хафа бўларди. Қуёш чиқадиган томондан ўнгроққа бурилар, кўзларини қиблага қаратиб, беш вақт намозни сирли имо-ишора билан адо қилар эди.

Элликка кирганида, “Энди эшкакни яхши эшолмайди”, деб, қароқчилар бир оролда уни сотиб юборди. Хўжайини бир деҳқон эди. Ўн йил қаттиқ нон еб, унинг қўлида ишлади. Оллоҳга шукр қиларди. Чунки энди оёқлари занжирбанд эмас, таҳорат ола билар, тўғридан-тўғри қиблага рўбарў туриб, эсида қолган оятлари билан намоз ўқиб, дуо қила оларди. Бутун ўй-хаёли туғилган юртига, Эдремитга қайтиш эди. Ўттиз йил ичида бир лаҳза ҳам умидсизликка тушмади. “Ўлганимдан сўнг тирилишимга қанчалик ишонсам, эллик йиллик асирликдан кейин ҳам Ватанга қайтишимга шунчалик ишонаман”, дерди. У энг

донгдор, энг машҳур турк кемачиларидан эди. Йигирма ёшидаёқ Жабал ал-Тариқ бўғозидан ўтган, шимол шамолига қараб ҳафта-лаб, ойлаб қирғоқ кўрмай сузган, дуч келган эгасиз ороллардан солиқлар ундирган, катта-кичик денгиз флотларини бир ўзи енгил кемасида енгганди. Ўша пайтлар турк элида унинг номи тилларда дoston эди. Ҳатто подшоҳ саройга чақиртириб, саргузаштларини мароқ билан тинглади. Чунки у Ҳизр алайҳиссалом кезган дeрларда сайр этганди. Шундай денгизларга борган эдики, унда тоғлардан, ороллардан катта муз парчалари сузиб юрарди. У томонлар умуман бошқа бир дунё эди. Олти ой кундуз, олти ой кеча бўларди. Хотинини ҳам ўша – бир йили бир кеча-кундуздан иборат сирли ўлкадан топган эди. Кемаси олтин, кумуш, инжу, олмос ва асирлар билан тўлиб, ватанга қайтар экан, денгиз ўртасида уйланган, ўғли Турқут Чаноққалъадан ўтаётганда туғилганди. У ҳозир қирқ беш ёшга кирган бўлса керак. Тирикмикан-а? Қиёфасини ҳам унутиб юборгани, қордан ҳам оппоқ аёли соғ-саломатмикан? Қирқ йилки, фақат пойтахтнинг, Истанбулнинг миноралари, уфқи хаёлидан ҳеч кетмайди. “Бир

бегона, айрим мутахассисларгагина англашиладиган бир тил эканлигини айтади. Унингча, Туркия адабиёти Шарқда Эронга, Фарбда Францияга эргашмоқда. Бугун Франция изидан бораётганлар билан эскидан Эронга тақлид қилиб келганлар орасилда ҳеч қандай фарқ йўқ. Олдинлари форсча шеър ёзиб, бундан ғурурланиб юрганлар бўлгани сингари эндиликда французча шеър ёзганидан фахрланадиганлар бор.

Умар Сайфиддин “сарвати фунун” тарафдорларининг баъзи мисра ва жумлаларида бирорта ҳам туркча сўз йўқлигини мисоллар асосида кескин танқид қилади, янги бир миллий тилни шакллантирмоқ лозимлигини сўзлайди. Унингча, эски тил хастадир. Уни тузатиш учун бир қатор чоралар кўрмоқ лозим. Умар Сайфиддин фикрича, халқ билмайдиган, ишлатмайдиган арабча ва форсча грамматик қоидаларга, сўзларга, имкон борича, ўрин бермаслик зарур. Ёзув тилида фақат миллий грамматик қоидалар қўлланилмоғи лозим. Умар Сайфиддин 1912 йилда яна ҳарбий хизматга қайтади. Болқон урушида серблар, юнонларга қарши жанг қилади. Урушда асир тушиб, бир йил Юнонистонда қолиб кетади. Урушдан сўнг истевфога чиқиб, Истанбулга келади. “Турк сўзи” журналида бош муҳаррир бўлиб ишлайди. Айни пайтда Истанбулда турли ўқув юртларида адабиётдан дарс беради. “Халққа дўғру” (Халққа юз буриш), “Турк юрду” (Турк юрти), “Зако”, “Буюк мажмуа”, “Тикон”, “Вақт”, “Замон” каби газета ва журналларда кўплаб мақола ҳамда хикоялари чоп этилади.



кемам бўлса, кўзимни шарт юмардим-у, Кабатошнинг олдига лангар ташлардим”, дея орзу қиларди... Олтмиш ёшдан ўтганидан кейин хўжайини уни гўёки озод қилди. Бу озод қилиш эмас, кўчага ҳайдаш, ночорликка ташлаш эди, аслида. Кекса туткун шу қаровсиз узумзордаги хароба кулбани топди. Ичига кириб, жойлашиб

олди. Ҳеч ким ҳеч нима демади. Ора-сира қишлоққа тушар, қариллигига ачиниб берилган садақаларни йиғиб қайтарди. Орадан яна ўн йил ўтиб кетди. Энди жуда ҳолдан тойган, узумзор эгаси ҳам уни ёқтирмай қолганди. Қаёққаям борар эди?

Аммо энди аввалги тушларини яна кўраётганди. Қирқ йиллик

туш... Туркларнинг, турк кемаларининг келиши... Қоқ суяк кўллари билан кўзларини ишқади. Денгиз кўк билан туташган уфққа қаради. Ҳа, албатта келишади, бу – аниқ! У бунга шунчалар ишонардики...

– Қирқ йил кўрилган туш ёлғон бўлмайди! – деди ўз-ўзига. Кулба деворининг тагига чўзилди.

*Умар Сайфиддин – ҳаётни билиш, англаш ва тасвирлаш маҳоратига кўра нодир бир санъаткор. Миллатсевар адиб ижодининг асосий қисмини ташкил этувчи ҳикояларида туркларнинг қаҳрамонлиги, уларнинг юксак маънавий фазилатларини бош мавзу қилиб олади. Энг кўп шухрат қозонган асарлари миллий-тарихий мавзулардаги ҳикояларидир. Асарларида миллий шуурга қувват бериш, Туркиянинг тикланишини тезлаштириш орзуси сезилиб туради.*

*Ёзувчининг инсон табиатидаги камчиликларни тасвир этишга бағишланган ҳикояларида ҳажвий ифода кучли. Асарнинг таъсир кучини ошириш мақсадида ҳикояни қутилмаган тарзда яқунлаш муаллиф услубининг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Умар Сайфиддиннинг “адабиётсиз адабиёт яратиш” шиориға мувофиқ иш тутганлиги, яъни асар яратишда жимжимадорликка, китобийликка берилмай, “порлоқ жумлалар”сиз, оддий сўзлашув тилида ёзиш услуби ҳикояларининг машҳур бўлишига олиб келади. Адабиётда инқилобий ўзгариш қилишга уриниш, мавзунини кундалик оддий воқеалардан олиб, кичик ҳикоялар ёзиш Умар Сайфиддиннинг ижодий қиёфасига хос хусусиятлардан эди.*



**Бегали ҚОСИМОВ**

Секин кўзларини юмди. Кўклам умид учқуни каби атрофни нурга тўлдирарди. Чағалайларнинг “Келаяптилар, келаяптилар, сени қутқаришга келаяптилар” деганга ўхшаш ширин овозларини тинглай-тинглай ухлаб қолди. Девог тошларининг орасидан чиққан калтакесаклар унинг устида кезиб юрар, дағал кийимининг ичига ўрмалар, қалин оппоқ соқоллари орасида ўйнардди. Кекса тутқун тушида оғир турк денгиз флотининг бандаргоҳга кирганини кўрарди. Қасабага борадиган йўлга бир неча бўлук аскар тушган эди. Қизил байроқни узоқдан таниди. Ханжар ва қалқонлар куёш нурида ялтирарди.

“Бизникилар! Бизникилар!” дея бақириб уйғонди. Қаддини ростлади. Устидаги калтакесаклар тумтарақай қочиб кетди. Бандаргоҳга қаради. Ҳақиқатан ҳам, қалъанинг қаршисида денгиз флоти кўринарди. Кемаларнинг, елканларнинг, эшакларнинг шаклига эътибор берди. Ранги оқариб кетди. Кўзларини каттароқ очди. Юраги ҳапақа бошлади. Қўлларини кўксига кўйди. Қирғоққа яқинлашаётган турк кемалари эди. Кўзларига ишонмади.

“Ажабо, тушимми, ўнгимми?” – шубҳага тушиб қолди. Уйғоқликда ҳам туш кўриладими? Ишонч ҳосил қилиш учун қўлини тишлади. Ердан ўткир тош парчасини олди. Пешонасига урди. Ҳа, оғриқни ҳис қилапти. Уйғоқ экан, кўрганлари ҳам туш эмас. Ҳойнаҳой, кемалар у ухлаётганда бурун орқасидан чиқиб келган бўлса керак. Севиниб кетгани, шошиб қолгани боис, оёқларидан мадор кетди. Ўтириб қолди. Қирғоққа чиққан бўлуклар қизил байроқлар кўтарганча тўғри қалъага қараб келаётганди. Қирқ йиллик кутишдан ортган энг сўнгги ғайратини йиғиб олға интилди. Бирдан суяклари қисирлаб кетди. Бодомларнинг

гулли соялари тушиб турган йўлдан илдамлади. Қирғоққа қараб югура кетди. Аскарлар оқсоқол чолнинг ўзлари томон чопиб келаётганини кўриб:

– Тўхта! – дея бақирдилар.  
Қария тўхтамади, у ҳам бақирди:

– Мен туркман, ўғилларим, туркман!

– ...

Аскарлар унинг яқинроқ келишини кутди. Чол туркларга яқинлашаётди, биринчи учраганини кучоқлаб, ўпа бошлади. Кўзларидан дувиллаб ёш оқарди. Унинг аҳволини кўрганлар ҳам мутаассир бўлдилар. Чолнинг ҳаяжони бироз босилгач, сўрадилар:

– Қанчадан бери асирликдасиз?

– Қирқ йилдан бери!

– Қаерликсиз?

– Эдремитлик.

– Исмингиз нима?

– Қора Мемиш.

– Капитанмидингиз?

– Ҳа...

Чолнинг атрофидаги аскарлар орасида ғала-ғовур бошланди. Бир ҳайқириқ янгради: “Бейга хабар беринг!” “Бейга хабар беринг!” дея бақиришиб қолишди. Чолнинг қўлтиғига кирдилар. Денгиз бўйига қушдек учуриб боришди. Бир қайиққа ўтқаздилар. Кейин катта кемага олиб чиқишди. Аскарлар орасида унинг қаҳрамонлик саргузаштларини билмаган, доврўғини эшитмаган кимса йўқ эди. Қария кема саҳнида бироз туриб қолди. Севинганидан шошиб қолган, ўзини йўқотган эди. Унга шалвор кийгишиди. Елкасига зарбоф тўн ташладилар. Бошига дастор кийгиздилар.

– Қани, бейнинг ёнига, – дедилар.

Уни бу ерга олиб келган аскарлар билан бирга улкан кеманинг қуйруғига қараб юрди. Ҳарбий кийими устидан темир, пўлат зирх

кийган шопмўйлов одамнинг қаршисида тўхтадилар.

– Сиз капитан Қора Мемишмисиз?

– Ҳа!

– Ҳизр алайҳиссалом кезган жойларга борган сизмисиз?

– Менман.

– Рост гапираяпсизми?

– Нега ёлғон гапирайин?

– Ечинг ўнг енгингизни, кўрай.

Чол қўлини тўнидан чиқарди.

Енгини шимарди. Бейга узатди.

Билагида хоч шаклида чуқур чандиқ бор эди. Бу чандиқни олти ой тун бўладиган оролдан хотинини олиб қочаётганида орттирган эди. Бей чолнинг қўлини кучди, ўпа бошлади.

– Мен сизнинг ўғлингизман! – деди.

– Турқутмисан?

– Ҳа!..

Кекса асир севинчдан хушини йўқотди. Ўзига келгач, ўғли унга:

– Мен жанг қилиш учун қирғоққа тушаяпман. Сиз кемада дамингизни олинг, – деди.

Собиқ қаҳрамон кўнмади:

– Йўқ. Мен ҳам сизлар билан жангга кираман.

– Кексайиб қолгансиз, ота.

– Аммо ҳали ҳам юрагим бақувват!

– Дам олинг! Бизни кузатинг!

– Қирқ йилки урушни соғинганман...

Ўғли отасининг қўлларидан тутди: “Ватингизни, яқинларингизни кўрмасингиздан, сизни яна йўқотмайлик, ота”, дея ёлвориб ўпди.

Чол бошини кўтарди, қаддини ростлади: у яна ёшаргандек эди. Байроққа ишора қилиб деди:

– Шаҳид бўлсам, буни устимга ёпинглар! Қизил байроғим ҳилпираб турган жой ҳам ватаним эмасми?

1910

Турк тилидан  
**Давронбек ТОЖИАЛИЕВ**  
таржимаси



**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД**

### *Парида момонинг тини*

Парида момодан икки ҳовли нарида яшайдиган Тойиркул тиланчиликда мўлтони беканинг эрини йўлда қолдиради. Тортинчоқлик Тойиркулнинг фитратига мутлақо ёт. У уят, андиша деган шахсий тараққиётга ёт унсурларни яқинига йўлатмайди ҳам. Ўзи ҳам йўламайди бундай “зарарли иллат”нинг яқинига. Кўзга ташланса, қўлга илинса эканки, жарроҳга олдириб ташлатса. Мабодо, Тойиркулдан уят-ор ҳақида сўрасангиз, “У ўзи нима нарса, метрлаб сотиладим, ё килолаб” деб ўзингиздан қайтариб сўрайди. Тойиркул Парида момонинг ўғли Бердикул билан синфдош. Қишда этигини, ёзда майкасини сўраб келаверади. Ҳатто ҳаммомга бирга боришганида кема лангарининг тасвири солинган калта иштониға кўнгли кетиб, “Жўражон, бериб тур, бир-икки кун кийиб чўмилай” деб роса ялинган. Бердикул бундай ноқулай илтимосни рад этиш билан кифояланмаган. Бу гап бутун синфдошлар орасида

ёйилиб, роса ҳангома-достон бўлиб кетган. Тойиркул-ку, бир мартага ўзини изза қилган жўрасидан ранжиган. Бироқ у узоқ кек сақлаб юрадиганлардан эмас. Қолаверса, ҳар гал бирор зарур юмуш билан туман марказига боришга тўғри келса, Бердикулнинг ёзда финча кўйлаги ва жинси шимини, қишда курткаси билан телпагини сўраб туради. Турган гапки, бундай олди-бердига асосланган жўрачилик Парида момонинг сабр косасини тўлдириб, сўкинишига сабаб бўлади. Тойиркул эса, ўғил бола эмасми, кўнглига олмай енгади. Тўғри-да. Кўнгли нозиклик ва аразни қизларга чиқарган. Манглайи олти қарич эканми, Тойиркул уч марта уйланди. Биринчисини дароз деб айблади, иккинчисини пакана деб ҳайдади. Ўзи асов айғирдай бўлса-да, ҳарна худо инсоф бериб, “учинчи қозиқ”да тўхтади. Ўзига қолса-ку, тўхтагиси йўқ эди. Бунга... нимаиди-я, ҳақ отинг ўчгур, камбағаллик халақит берди! Тойиркулнинг тез-тез хотин алмаштириши ота-онасидан ҳам кўра, Парида момога кўп малол келади. Йўқ, уйланса

уйланавермайдими. Қувайт амирига ўхшаб қўша-қўша хотин олмайдими. Бироқ, фақат шу... ҳар уйланаётганида Бердикулнинг шимини сўраб жонга теккани ёмон-да.

Учинчи бор уйланаётганида ҳам каллаи саҳардан темир дарвозани даранглатиб муштлаганича овозининг борича бақира бошлади:

– Парида хо-ла-а-а, хув Парида холо-ов!

– Ҳа-а, нимага бунча бўкирасан?! – дарвозанинг митти табақасидан қўлида қора косов ушлаган Парида момо кўриниш беради. – Бир марта чақирдинг бўлди-да. Худди ошириб кўйгандай дарвозамни қоқасан. Ҳе, онангди сотай сени!..

– Бўлди, бўлди, холажон, сўкинманг!.. Бердикул уйдаими? Гапим бор эди...

– Агар кўйлагини сўраб келган бўлсанг кечикдинг, ўзи кийиб кетди.

– Йўқ, бошқа ишим бор...

– Улим районга чиқиб кетган.

Ҳали-бери қайтмаса керак. Жуда зарил гап бўлса, менга айтиб кетавер.

– Эҳ, чатақ бўпти-да. Парида

## “Қайси биринди боқайин ...”

хола, Бердининг буругини бериб туринг. Бугун уйланыпман... қиз болага.

– Учинчи марта ҳам қиз олаяпсанми? Эситгина қиз бола-я... Сен кулоғи калта махлуқни пори аралаш нишхўрт ҳам тешиб чиқмас эди-ку! Эситгина қиз бола-я. Учинчи марта ҳам қиз болага уйланишни унутмабсану, кетингни ёпиб юришга битта чолвор олиш эсингдан чиқибдида-а?

– Ҳа, энди шу тўй ташвишлари билан бўлиб... ҳадеб уришаверманг, ЗАГСга кийиб борай... Тўйдан кейин ечиб, қайтариб бераман.

– Аввал икки марта уйланганинда ҳам улимнинг чолворини кийиб борган эдинг. Ҳатто қаллиқ ўйинга кийиб боришга ҳам сўраб келардинг. Уятинг борми ўзи?!

– Холажон, тухматни ҳам инсоп билан қилинг-да, қаллиқ ўйинга кечаси борсам, қоронғида яп-янги чолворди нима кераги бор? ЗАГСга бўлса, бошқа гап. Дўст-душман кўради.

– Оҳ-ҳо, дўст-душмандиям бориға шуқр-ей! Агар шулар бўлмаса, дунёдан беиштон ўтиб кетар экансанда-а? Сен, иштонсиз безбет, ҳар хотин алмаштирганинда биздан чолвор сўрайсан-да, бир марта йўқ десак биз инсопсиз бўп қоламизми-а? Сенинг дастингдан ўз чолворимизни ўзимиз эмин-эркин кия олмаймизми, энангди тепай!

– Бўлди, холажон, илтимос, аччиқланманг! – шим ундирилмаслигидан кўнглига қўрқув оралаган Тойиркул ялинишга тушади. – Улингиз икковимиз жўрамиз-ку, ахир!

– Ҳе сендай мўлтони ошна топилмай кет! Ҳали улим келсин, ҳам иштонсиз, ҳам виждонсиз сендай ошна топгани учун орқасини косов билан кўкартирмасам!

Холани момочилтонлари жаҳл отига миндирдим, унинг вазоҳатидан Тойиркул ковагини тополмаётган сичқоннинг аҳволига тушиб қолди. Парида момонинг эса жини кўқиб ҳамон сўкинарди:

– Ҳе, энангди сотай сендай иштонсиз бойваччани! Тур йўқол-ей! Учта хотин олгунча уятингди ёпишга битта иштон ол!..

Фикри саёз, авомфеъл кимсалар то ҳануз шўро замонининг сувтекину сифатсиз ва миннатли неъматларини мақтаб юришади. Ўша пайтлар хўжаликлар қатори мактабларнинг ҳам зиммасида жун, тухум режалари бор эди. Устозларимизга яхши кўриниш учун уйимиздаги тухумни ота-онамизга билдирмасдан ўғирлаб келиб бозордагидан уч баробар арзонига топширардик. Камида ўн дона тухум, икки кило жун олиб келмаган бола кўпчилик олдида изза қилинарди. Ҳатто, бир замонлар “Вьетнамнинг мазлум болаларига ёрдам” дея биринчи синф болаларигача пул тўплаб бергани ҳамон ёдимда. Кўп қатори ана шундай номаъқулчиликлардан зада бўлиб юрган Парида момони ота-оналар мажлисига чақирдишди. Чақирдишгани камдек, “болаларингизнинг ўқиши суст” деб жаҳлини ҳам чиқаришди. Парида момонинг ҳам жинлари ғалаён қилди:

– Бировинг мойк, бировинг жун обке дейсан... Сенларга қарайинми, Вьетнамнинг бачаларини боқайинми, очопат мойкхўрлар!



## Ўзгармаган Эломон

Барча хислатларнинг-да “ўта”си ярамайди. Ҳатто у яхши хислат бўлса ҳам. Синфдошим Эломон табиатан юввош, ўта мўмин-қобил бола эди. Бундайларни ўрислар ва ўрислашган шаҳарликлар “лўх” деб атайдилар. Ана шу “лўх” лигининг “шарофати”данми ё касофатиданми, Эломон ошнам бу талотўп ҳаётда кўп калтак еди. Аммо ўлмади. Бир кам элликка кирди. Илоё, ўлмасин, камида биркам юзга кирсин. Лекин ўлган чоғда ҳам Эломон ютқазмайди. Балки, ўзларига ҳамзамон, ўлжа бўлиб яшаётган содда мўминларнинг биттага камайганидан шайтондил доғулилар ютқазди. Эҳтимол, шу боисдан ҳалигача дунё ҳам омон, Эломон ҳам. Орада буқаламун кимсалар неча минг бора ўзгариб турланди. Бироқ соқол-муртлари оқарса-да, Эломон ўзгармади. Бобомеросми, отамеросми лўхлигича қолди. Хуллас, болалик давримизнинг бир кунида...

## Муқобил тазо

Биринчи синф эдик. Эломон одатига кўра, сумкасини терс кўтарганча, жаҳли тез муаллимани дарғазаб қилганча биринчи дарсга камида йигирма дақиқа кеч келар, калтак ейиши муқаррарлигини сезса-да, таҳдидли саволларига бир пайса ҳам ёлғон қўшмай, рўй-рост жавоб қайтарарди.

– Нега кечикдинг, бугун ҳам онангга тезак ёпишга қарашдингми?

– Йў-ў-қ-қ... ма-а-а-лимм...

– Бўрининг олдидан чиқиб қолган эчкидай маърайвермай, тўғриси айт! Бугун ҳам онангга сигир соғишдингми?

– Йў-ў-ў-қ... Сийирдиям онаминг ўзи совди. Суттиям ўзи пиширди. Мен қозондинг тубини яладим. Қозонимиз ка-ат-та ва чуқу-ур... Рос-са кў-ўпп яладим, ма-а-лиммжон, шунга кеч қолдим. Алдасам ўлай агар... – Эломон лафзининг исботи учун тилини чиқариб айлантирганча, лаб-лунжида қолган сут юқини ялаб-юлқаб кўяди. Боланинг ростгўйлигидан азбаройи меҳри ийган сержаҳл муаллима берилажак қаттиқ жазо – тарсакини нисбатан энгилроғига – қарғишга алмаштиради:

– Еб тўймаган ялаб тўярмиди?! Ҳе, қозоннинг тубини ялаган тилларингдан чипқон чиқсин, ўтир жойингга!

## Итти беҳузур қилман қасам

Дўкончи амаки маош ва қалам ҳақи оладиган кунимиздан хабар топса, таҳририятга келиб қарзини ундириш учун Абдирасулнинг атрофида парвона бўлиб қолади. Бу манглайи қора ўзининг исми-шарифи рўйхатнинг энг пастида эканини ҳали билмайди-да. Абдирасул дўкондордан ташқари ишхона хазиначисидан икки миллион, ҳар бир жамоадошлардан эса, камида юз минг сўмдан қарздор. Муҳарриримиз шуларнинг барчасидан хабардор бўлса-да, “Нафақасига икки йил қолди, мўйсафид одамнинг кўнглини оғритмайлик” деб унинг ёнини олгани олган. Негаки, тили қисиқ. Унга ҳам Россияга кетиб қолган бир татар зобитнинг бевасини никоҳлаб берган. Шунинг ортидан ярим йилдан буён уйда жанжал.

Қарзни ундирилмаётгани боис, сахий дўкондор Абдирасул билан қиёматлик ота-ўғил тутинган. Ўғил қиёматли отасига яқин кунларда қарзини тўлашга йигитлик лафзини берган. Лафзининг хотимасида “Агар лафзимда турмасам, ит бўлай, ё итингиз билан битта ялоқдан овқат ейин, овми-ин!” деб иккала кафтини жуфтлаштириб ювуқсиз турқига тортган. Турган гапки, бу қадар кескин қасамдан дўкондорнинг ити рози бўлмаган. Чунки Абдирасул унга кучуквачалигидан яхши таниш. Шу боис, ҳаппа-ҳалол ризқига лафзи бетайин битта қасамхўрни шерик қилиш ёқармиди!



## Толсувоқ

Ҳамсояларнинг фирромлигини кўрингки, ўзларининг барча ҳашарларида юз фоиз қатнашган Эломонни беписанд қилиб, атиги икки хонали пахса кулбаси томини сувашга келгилари йўқ. Баҳоналари ҳам тап-тайёр. Биттаси “калламда ғуррам бор” деса, яна бири “белимда чуррам бор”, дейди. Эломоннинг ҳам бундай номардларга паст кетиб элангиси йўқ. Ўйлай-ўйлай охири “бунинг чораси – Оқил пиён!..” деган тўхтама келди. Ечим топган хумкаласини рағбатлантирганча “балли калла” дея бир чертиб ҳам кўйди.

Оқил пиён – қишлоғимизнинг энг арзон тракторчиси. Тўрт тўғрам қовурилган гўшт, бир шиша ароқ ва уч-тўрт сўм бўлса, юкловчи кўтарма трактори билан хоҳлаган хизматингизни қилиб беради. Аммо, индамаса, ана шу алкаш ҳам Эломоннинг пухта тадбирини “бўлмайдиган”га чиқармоқчи бўлди.

– Ўзинг биласан, уй сеники-ю, аммо шу чоққача томга тупроқ эмас, тап-тайёр ширдон чиқарганман... бундайчикинини умримда кўрмаганман.

– Сиз айтганди қилинг-да, ҳақингизди олинг, бошқаси билан ишингиз бўлмасин!

Хуллас, Оқил пиён юклов тракторининг чангалида томга тупроқ чиқариб берадиган, Эломон эса лўмбазни биратўла томнинг ўзида қориб, сувайдиган бўлди. Бироқ, биринчи бор қўлланаётган ушбу “муҳандислик кашфиёти” илк синовдаёқ муваффақиятсизликка учради. Оқил пиён бешинчи “чангал” тупроқни томга чиқарганида тахта-тўсинлар қарсиллаб синиб, деворнинг тепа пахсаси ўпирилиб тушди. Воқеа устига келиб қолган Эломоннинг отаси қўлидаги гаврони билан ҳашар эгасига кўшиб Оқил пиённи ҳам савалаб қувалади.